

**«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
«ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ» МУЗЕЙИ**

# **ТАРИХНИНГ НОМАЪЛУМ САҲИФАЛАРИ**

*Илмий мақолалар  
Хужжат ва материаллар  
Хотиралар*

*Иккинчи китоб*

**«О‘ҚИТУВЧИ» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ — 2010**

**ББК63.3(5Ў)6**  
**УДК:94(575.1)**

**Таҳрир ҳайъати:**

*С.С. Фуломов, Б. В. Ҳасанов, С. А. Аҳмедов,  
Н. Ф. Каримов., А. Т. Собиров*

**Масъул муҳаррирлар:**

*Бахтиёр Ҳасанов,  
тарих фанлари доктори,*

*Наим Каримов,  
филология фанлари доктори.*

**Тақризчилар:**

*Раҳбар Муртазаева,  
тарих фанлари доктори,*

*Равшан Абдуллаев,  
тарих фанлари доктори.*

**Тарихнинг номаълум саҳифалари.** Илмий мақолалар. Ҳужжат ва материаллар. Хотиралар. Иккинчи китоб. 307 бет.

Ушбу китобда Ўзбекистон тарихининг мустамлакачилик даврида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида руй берган, аммо тарихчи олимлар томонидан оз ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган муҳим масалаларга онд илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, шунингдек, ўз тақдирида мураккаб тарихий даврнинг фожиали воқеаларини ифодалаган сиймолар ҳақидаги хотиралар илк бор эълон қилинмоқда.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ва «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи бундан кейин ҳам шундай ҳужжат, материал ва илмий мақола ҳамда хотиралардан иборат китобларни нашр этиб боради.

Ушбу китоб Ўзбекистон тарихининг мустамлакачилик даври билан шуғулланувчи тарихчи, адабиётшунос, файласуф ва ҳуқуқшунос олимлар, аспирантлар ҳамда олий ўқув юртлари тарих факультетларининг талабаларига мўлжалланган.

III  $\frac{0503020904 - 139}{353(04 - 2010)}$  — тв.зак.2010

ISBN 978-9943-02-368-0

© ИПТД «O'qituvchi», 2010

## МУҚАДДИМА

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва ғояси асосида Тошкент шаҳрининг Юнусobod туманида «Шахидлар хотираси» ёлдорлик мажмуининг барпо этилганига 10 йил тўлди. Шу тарихий воқеадан роса бир йил аввал, 1999 йил 12 май куни Президент Ислом Каримовнинг «Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинган эди. Мазкур Фармойиш асосида ўша йилнинг 22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» Қарор қабул қилди. Шу икки тарихий ҳужжат мамлакатимизнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётида маълум маънода бурилиш нуқтаси бўлди.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёнинг чор империяси томонидан босиб олингани билан мамлакатимиз тарихининг мустамлакачилик даври бошланди. Мустамлакачилик даврининг зулмга асосланган сиёсати, ҳатто 1917 йил октябрь тўнғаришидан кейин ҳам большевиклар томонидан давом эттирилди. Ўз қамровига чор ҳокимияти ва Шўро ҳокимияти ҳукм сурган йилларни олган мустамлакачилик даврида миллий маданий ва моддий бойликларимиз талон-тарож этилди. Мустамлакачи давлат бу билан кифояланибгина қолмай, халқимизнинг қўлаб фарзандларини жабр-зулм тегиримонида мажақлаб ташлади. Агар чор ҳокимияти даврида минглаб ватандошларимиз миллий-озодлик ҳаракатининг иштирокчилари сифатида дорга тортилган, Сибирга сургун қилинган ва қамоқхоналарда жабрланган бўлсалар, ўзини дунёдаги энг инсонпарвар давлат деб ҳисоблаган Шўро ҳокимияти XX асрнинг 20-йилларидан бошлабоқ қатағон сиёсатини авж олдириб юборди. Шу мангум сиёсат ҳатто Шўро ҳокимиятининг сўнги йилларида ҳам давом эттирилди ва бу муҳим сиёсий кампанияга «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган номлар берилди.

Хуллас, мустамлакачилик даврида халқимизнинг минглаб, ҳатто ўн минглаб фарзандлари дастлаб чор, сўнгра Шўро ҳокимиятлари йилларида ҳукм сурган адолатсизликнинг қурбонлари бўлдилар. Манглайига «халқ душмани», «акселинқилубчи», «миллатчи» сингари сиёсий тамғалар ёпиштирилган ватандошларимизнинг пок ном-

лари тарих саҳифаларидан ўчирилиб, улар қаламига мансуб асарлар куйдирилиб, улар номи билан боғлиқ хайрли ишлар эса адам саҳро-сига улоқтириб ташланди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Республика Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси билан мустамакчилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштиришга қаратилган барча тadbирлар — «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг барпо этилиши, 31 августнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» деб эълон қилиниши, қатағон қурбонларига бағишланган ўнлаб ва юзлаб адабиёт ва санъат асарларининг, китоблар, илмий ва публицистик мақолаларнинг яратилиши, радиоэфиртиришлар ва телекўрсатувларнинг ташкил этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётида том маънода буюк воқеа бўлди. Халқ ўз тарихи давомида қандай мураккаб, машаққатли ва фожиаги даврларни босиб ўтган бўлмасин, уни — тарихнинг бу аянчли даврларини доимо ёдда тутиши, улардан сабоқ чиқариши, шу тарихнинг маънум ва даҳшатли йиллари такрорланмаслиги учун метин ва монолит қояга айланиб, ҳар жиҳатдан — ғоявий, ижтимоий, иқтисодий, илмий, маданий ва маънавий жиҳатлардан муттасил равишда юксалиб бориши лозим. Ўтган жабрлийда ватандошларимизнинг аксар қисми ўз Ватанининг озод ва обод бўлиши йўлида филойиларча курашган, мамлакатимизнинг саноати ва қишлоқ хўжалиги, транспорт, фани ва маданиятининг равнақи йўлида фаолият кўрсатган кишилар эди. Улар учун Ватан ва халқ манфаатидан улур нарса бўлмаган. Шундай ватаншарвар, халқшарвар, тараққийшарвар аждодларимизни ёд этиш, уларнинг энг яхши аъёнлари ва ипсоний фазилатларини давом эттириш бизнинг бурчимиз ва айни пайтда мамлакатимиз буюк келажакнинг қафолатидир.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи жамоаси мамлакатимизда Президент И. А. Каримов ташаббуси билан бошланган ва муваффақиятли олиб борилаётган тарихий адолат ва ҳақиқатни тиклаш ишига ўз ҳиссасини қўшини мақсадлида «Тарихнинг номалум саҳифалари» деб номланган даврий тўнламларни нашр этишга қарор қилган.

Умид қиламизки, мазкур тўнламнинг қўлинишдаги иккинчи китоби Сиз, ҳурматли китобхонларни ўзбек халқи тарихининг мустамакчилик даври тўғрисидаги тасаввурингизни бойитибгина қолмай, мустақиллик шароитида эркин яшаб камол топаётганимиз учун сиз ва бизда гурур туйғуларини ҳам уйғотади.



*Бахтиёр ҲАСАНОВ*

## ТУРКИСТОНДАН НОЁБ КИТОБЛАРНИНГ РОССИЯ КУТУБХОНАЛАРИГА ОЛИБ КЕТИЛИШИ

Архив манбалари, хотиралар, ёзишмалар ва бошқа ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, мустамлакачиларнинг аксарият кўпчилиги маҳаллий шароит ва аҳолининг кайфияти билан мутлақо ҳисобланмай, чор армиясининг куч-қудратига ва ўлкадаги бошқарувнинг зўравонлик усулларига таяниб иш кўрган. Улардан бири генерал-адъютант К.П. фон Кауфман (1818—1887) бўлиб, у Туркистон генерал-губернаторлигининг биринчи генерал-губернатори бўлган. Фон Кауфман 1867 йилдан Туркистон Ҳарбий Округи кўшинлари кўмондони сифатида Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларга (1868) ҳамда Кўқон кўзғолонини бостиришга (1874—1876) раҳбарлик қилган.

Фон Кауфман 1867 йил 17 июлда чор ҳокимияти манифести билан Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланди. У босиб олинган ўлкада чор империясининг мустамлакачилик сиёсатини қилич ва қамчи билан амалга оширди. Унинг раҳбарлигида Самарқанддан торғиб Хивага қадар бўлган жойларда бир қанча қонли босқинчилик ҳаракатлари содир бўлди. У чор армияси аскарларига юзлаб шаҳарлар ва қишлоқларни ёндириш ва талаш, кўплаб масжид ва мадрасаларни вайрон қилиш, уларни ҳарбий асбоб-анжомлар омбори ёки отхоналарга айлантиришга руҳсат берди.

Ўша даврдаги ҳужжатларни диққат билан ўрганиш Туркистон халқлари мустамлакачилик даврида дучор бўлган ижтимоий-маданий таназзулни айнан К.П. Кауфман бошлаб берганлигини кўрсатади.

---

*Ҳасанов Бахтиёр Ваҳобович (1961) — тарих фанлари доктори, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси Раёсати раиси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи директори. «Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы в Узбекистане» (2000) монографияси муаллифи, ҳамкорликда яратилган «Ўзбекистон тарихи» (1—2-қисмлар, 2003), «История Узбекистана» (части 1 и 2, 2003) ва бошқа китобларнинг муаллифларидан бири.*

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё (Туркистон) забт этилгунга қадар Петербургда, Россия Ташқи ишлар нозирлиги қошида Осиё департаменти ташкил этилган. Туркистон генерал-губернаторлиги эндигина тузилиб, ҳали ўлкани босиб олиш жараёни давом этаётган бир даврда ушбу департамент раҳбари Пётр Николаевич Стремоухов босиб олинаётган ўлкалардан Шарқ қўлёзмалари, қадимги китоблар, ҳужжатларни қидириб топиб, пойтахт Петербурга зудлик билан жўнатиш тўғрисида Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасига мактублар йўллаб турган.

Қуйида Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман томонидан «Пётр Николаевич Стремоухов жаноби олийлари»га ёзилган жавоб мактубининг ўзбек тилидаги таржимасини ҳурматли китобхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

## ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ

28 февраль 1870 йил

№ 1133

*Пётр Николаевич Жаноби олийлари!*

*Сиз жаноби олийлари, 1868 йил 31 декабрдаги 4230- рақамли хатингиз билан, генерал-адъютант Игнатъевнинг хатини ва қўлга киритиш айти мақсадга мувофиқ бўлган китобларнинг рўйхати нусхасини илова қилган ҳолда, мендан Темурланг (Амир Темур)нинг Арманистонни забт этганидан сўнг қўлга киритиб, ривоятларга қараганда, Самарқандга олиб кетган, ва, генерал-адъютант Игнатъевнинг хабар беришича, Бухоро билан бўлган сўнги урушгача сақланган ассириялик Маробас, Годин ва бошқа муаллифларнинг қўлёзмаларини қидириб топишда хайрихоҳлик қилишимни сўраган эдингиз.*

*Мен аввал ҳам Самарқандни ишғол этганимиздан сўнг бу ердаги кутубхоналарни топиш чора-тадбирлари кўрилганлиги ва бу ҳаракатлар, афсуски, кутилган натижаларни бермаганлиги ҳақида шахсан Сизга хабар беришга мушарраф бўлган эдим.*

*Шунга қарамай, бизникиларнинг шаҳар аҳолиси билан яқиндан танишувимиз натижасида Самарқанддаги кутубхонанинг мавжуд бўлганлиги ҳақида қандайдир маълумот олиш илминжида мен Зарафиюн округи бошлиғига мавжуд бўлган кутубхонанинг ва унда сақланган ёзма бойликларнинг жилла курси қандайдир изларини топиш учун бор имкониятларидан фойдаланиш ҳақида топишириқ бердим.*

ТУРКЕСТАНСКИЙ

ГЕНЕРАЛЪ - Губернаторъ

28 февраля 1868.

~~1868~~

Милостивый Генералъ,

Петръ Николаевичъ

Письмомъ отъ 27 Декабря 1868г. за №4230 Ваше Превосходительство, препроводилъ мнѣ книги съ письма - Генералъ Адъютанта Уманцева и списки книгъ, приобретенные которыми более бы особенно жальче, присланными содрянствіяхъ къ разсужданію рукописи Асиріанина Маробаса Тудина и другихъ мѣстисей, которыми разсуждены Френію, Владиміръ Мамерманъ и не продали, перевезъ въ Самаркандъ, гдѣ они, какъ сообщаетъ Генералъ Адъютантъ Уманцевъ, хранились до послѣдней войны съ Бухарой.

Всѣ Пріятелю  
П. Н.  
Стремоухову

А уже иль въ часть сообщитъ Вамъ лично, угрожающій намъ

К. П. фон Кауфманнинг Осіе департаменти бошлиги  
П. Н. Стремоуховга йўлаган хатй. Факсимиле.

*Генерал-майор Абрамов мени маҳаллий олимлар ва қўриқчиларни сўраб, суриштириш натижасида бу кутубхонанинг мавжуд бўлганлигини фақат китоблардан билишлари, бу ҳақида эса ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаганлиги борасида хабардор қилди. Қўлёзмаларнинг қаерга йўқ бўлганлигини ҳам ҳеч ким билмасди. Илғари расадхона (обсерватория) бўлган ва китоблар сақланган жойга ишора қилишиди, бироқ бу бинодан фақатгина бир уюм чиқинди қолган, холос ва қоровуллардан бирортаси ҳам бинонинг вайрон бўлган вақтини аниқлаб бера олмади.*

*Бу борада 1868 йил 31 декабрдаги хатга жавобан Сиз жаноби олийларини хабардор қилиб, умуман, шунини ортиқча эмас деб ҳисоблайманки, агарда изланишлар натижасида Самарқанд кутубхонаси ҳақида янада қониқарлироқ маълумотлар тўплашга муваффақ бўлиниб, унда сақланган қўлёзмаларнинг қаерга олиб кетилганлиги изига тушиши билан, мен уларни қўлга киритишни кечиктирмайман.*

*Менинг Жаноби олийларига бўлган ҳурмат ва садоқатимни қабул этгайсиз.*

*Имзо: Константин фон Кауфман.*

Ўрта Осиё (Туркистон) рус қўшиқлари томонидан ишғол қилингандан сўнг, чор ҳукумати маҳаллий ҳокимиятни товои тўлашга мажбур этибгина қолмай, камёб китобларни, қўлёзмаларни ва маҳаллий аҳолининг бошқа маданий меросини йиғиб, таълаб Россия кутубхоналарига муфтазам равишда юбора бошлаганлар.

Қуйида илова қилинган ҳужжат шундан далолат берадики, махсус тайёрланган чор ҳукумати маъмурияти шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб кезиб юрганлар ҳамда маҳаллий аҳоли ўртасида сўров-суриштирув ишларини олиб бориб, йиғилган ноёб ёзма ёдгорликларни экспертиза қилганлар. Шунини алоҳида таъкиллаш жоизки, чор ҳукуматининг мақсади фақатгина ўз кутубхоналарини Ўрта Осиёнинг камёб китоблари ва қўлёзмалари билан бойитишгина бўлмай, балки маҳаллий аҳолининг маданий меросини тарихий илдизларидан маҳрум қилиш ва бунинг оқибатида халқни осонгина бошқариш бўлган.

Тарих мазкур сиёсатни амалга оширишда айнан биринчи генерал-губернатор фон Кауфманнинг шахсан ўзи бошчилик қилганидан гувоҳлик беради.

Хивага юриши пайтида Кауфманга ҳамроҳлик қилган шарқшунос А. Л. Кун Шарқ қўлёзмалари ва ҳужжатларидан иборат ниҳоятда ноёб коллекция (Шарқ қўлёзмаларидан иборат 300 китоб, шулар-

дан 129 таси 140 жилддан иборат тарихий асарлар, 20 муаллифнинг 30 жилдик асарлари, ҳуқуқшунослик ва илоҳиёт масалалари бўйича 50 жилддан иборат 40 асар, 18 нусха Куръон ва 50 дарслик)<sup>1</sup> тўплаган ҳамда уни 1873 йилда Император халқ кутубхонасига топширган.

20 та муаллифнинг китоблари орасида Низомий қўлёзмалари, «Тарихи Восифий», «Искандарнома», Мавлавий Румийнинг «Маснавий»си, Навоийнинг «Хамса»си, Рабғузийнинг «Қиссас ул-анбий», «Тафсири Куръон», «Равзат ус-сафо», «Достони Қосим» ва «Гўрўғли», Абулғозийнинг «Шажарайи турк» ҳамда араб, форс ва ўзбек тилларидаги бошқа асарлар бўлган.

А. Л. Кун фон Кауфманнинг Қўқон юришида интирок этган. Шу вақтда тарих, тиббиёт, ҳуқуқ ва илоҳиётга доир 130 та қўлёзма китоблар тартиб олинган бўлиб, улар ҳам Россияга олиб кетилган ва Император кутубхонасига топширилган. Улар орасида «Таворихи Шоҳрухий», «Тарихи Муқимхоний», «Жаҳоннома», «Рашноҳот», «Рамонах ул-фунун» ва бошқа қўллаб ноёб қўлёзма асарлар мавжуд бўлган.

Китоб беклиги босиб олингандан кейин Жўрабек Қаландархожи ўғли саройидаги Шарқ қўлёзма асарларидан иборат кутубхона тўлиқлигича қўлла олингани ҳақида Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор Абрамов 1870 йил 3 сентябрда Туркистон генерал-губернаторига хабар қилган. Туркистон генерал-губернатори Кауфман бу қўлёзмалар ҳақидаги хабардан воқиф бўлган заҳотиёқ уларни Санкт-Петербургга, Император халқ кутубхонасига жўнатиш мақсадида 1870 йил 23 сентябрда Абрамовга қўлёзма китобларни Тонкентга, генерал-губернаторлик маҳкамасига юборишни буюради. Хатда, жумладан, шундай дейилган: «Сиз жанобларидан барча китобларнинг фихристини тузиб, менинг маҳкамамга юборишингизни сўрайман. Мабодо жаноб А. Л. Кун қўлёзма асарларнинг ҳеч бўлма-са энг муҳимларини баён қилиб берса, жуда фойдали бўлар эди. Кейин бу китобларнинг ўзи қисқача баёни билан халқ кутубхонасига жўнатилади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Кун томонидан тузилган рўйхат Россия ФА Археология институти Санкт-Петербург бўлими архивида сақланган. — 33-фонд, 1-рўйхат, 179-иш, 1-варақ.

<sup>2</sup> ЎЗР МДА.1-фонд, 15 рўйхат, 69-иш, 66- варақ.

Генерал Абрамов генерал-губернатор фон Кауфманнинг талабини органи билан бажаради. У Жўрабек саройи забт этилганда, фақат ўзи тортиб олган қўлёзма китобларидан ташқари, А. Л. Кун томонидан Шахрисабзда йиғилган қўлёзма асарларни ҳам қўшиб жўнатади. Абрамов Туркистон генерал-губернаторига 1870 йил 7 октябрдаги жавоб хатида шундай ёзган: «Сизнинг кўрсатмаңызга жавобан ушбу хат билан Китобдан топилган ва қисман жаноб А. Л. Кун йиққан 100 нусха китобларни топшираман. Шу билан бирга, жаноб Кун Самарқандда бўлмаганлиги туфайли китобларнинг қисқача баёнини тайёрлаш имкони бўлмаганлигини маълум қиламан»<sup>1</sup>.

### **Китоб шахрини босиб олин пайтида халқдан йиғиб олинган китоблар рўйхати**

1. Мажмаъ ал-ғаройиб таснифи Султон Муҳаммад.
2. Тарихи Мавлоно Восифий.
3. Тарихи шарафномаи Шоҳий.
4. Саҳифат ул-аҳком.
5. Девони Мирзо Шавкат.
6. Тазкираи Давлатшоҳий ва Мир Саййид Шариф Роҳим.
7. Хулосат ул-ахбор ва тарихи Чингизий ва авлод.
8. Жилди охир. Тарихи равзат ус-сафо Худобандшоҳ.
9. Фатвойи Иброҳимшоҳий.
10. Натоиж ал-афкор. Шарҳи Ҳидоя.
11. Натоиж ал-афкор. Шарҳи Ҳидоя мужаллиди.
12. Ҳонияи шарҳи ваҗиз хурури вақф (Ҳонияи шарҳи ва жузьи шурури вақф).
13. Мабасути Сарахсий. Вақф.
14. Талаби Мавлоно Юсуфий. Назму наср.
15. Ақоиди мулта Жалол Давоний.
16. Девони ғазалиёти Умархон мутаҳаллуси Амир.
17. Тарихи Мир Саййид Шариф Роҳим.
18. Хамсаи Амир Навоий.
19. Дафтари аввал. «Ҳидояи шариф».
20. Матавли шарҳи талхис ал-мифтоҳ.
21. Рисолаи дар илми тибб мусанниф.

<sup>1</sup> *Чобров Г.И.* Накопление сокровищ и культурных устностей в государствах Средней Азии с древнейших времен до падения феодальной деспотии. — 1957—1963 гг.

Списокъ

№ 26

26

книжки, приобретенныя по моему личному и распоряженію.

| Рубрикѣ поуканіи книгъ.                              | Восточныя названія              | Колич. |     |
|--|---------------------------------|--------|-----|
|  |                                 | л.     | к.  |
| 1. Сервисная скарбана чужды?                         | ذخيرة الملوك                    | 2.     | .   |
| 2. Чаровное обращение и магия со Сагаро-Тису?        | کتابشاهزاده مسلم و بيگم هزارکيو | 4      | 20  |
| 3. Медицинская книга?                                | کتاب طب                         | 1      | 60  |
| 4. Старинная раскопка в разнѣхъ провинціяхъ селеній? | کتاب خلاصه الاخبار              | 4      | .   |
| 5. Исторія в. Табары?                                | تاريخ طبسى                      | 40     | .   |
| 6. Исторія селеній Табары?                           | تاريخ مقدمه فاني                | 4      | 20  |
| 7. Исторія Фарсидовъ Табары. со. Мах Шараф Табары.   | تاريخ فولد از غوريشاهه ابن رستم | 10     | .   |
|  |                                 | 66.    | 60. |

Правительствъ Канцелярїи,

Уртинскій Капитанъ *В. Шинд*

Қадимий лиги ва ноёблиги буйича йиғиб олинган ва олиб кетилган китоблар рўйхати. Факсимиле.

Книги кингана софранисана да  
Кингана

معجم لغوي تقييد بلسانك  
Medzmyrout zapawo / sofranic, ystora  
car:

تاريخ مولانا صنع  
Mazur. Mazana Mazur / Mazura Ma-  
zurin car Mazurin /

تاريخ شرف نادر شاهي  
Mazur. Mazur car. Mazur / Mazur  
o dachecim, ystora /

مجموعه الاحكام  
Pafpa myco ystora / Pafpa myco ystora /

ديوان بزرگوار شکرگت  
Subaru. Mazur Mazur / Mazur car.  
Mazur Mazur /

تذکره دولت شاه و پسران و فرزندان  
Mazur. Mazur Mazur / Mazur  
o mazur, ystora car. Mazur  
(Pafpa Mazur Mazur)

فوائد الاحساب  
Mazur. Mazur Mazur / Mazur  
Mazur Mazur /

بدون خبر تاریخ رودخانه  
Mazur. Mazur Mazur / Mazur  
/ Mazur Mazur Mazur Mazur  
(Mazur)



Олиқ сирани софраничи ва  
Кимиди

مجمع الترابية <sup>طرابلس</sup> Медицинский журнал (софраничи ва)  
сари:

صنع تاريخ مولانا <sup>شاه</sup> Шахр. Шахр. Шахр. / Шахр. Шахр. Шахр.  
Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр.

تاريخ شرف ناز شاهی Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. / Шахр. Шахр.  
Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр.

حکام <sup>مختصر</sup> Шахр. Шахр. Шахр. / Шахр. Шахр. Шахр.  
Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр.

دیوان بزرگوارک Шахр. Шахр. Шахр. / Шахр. Шахр. Шахр.  
Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр.

تذکرہ اشعار و سیرت <sup>نورانی</sup> Шахр. Шахр. Шахр. / Шахр. Шахр. Шахр.  
Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр.

حساب <sup>روزانه</sup> Шахр. Шахр. Шахр. / Шахр. Шахр. Шахр.  
Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр.

بدن <sup>روزانه</sup> Шахр. Шахр. Шахр. / Шахр. Шахр. Шахр.  
Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр. Шахр.

Китоб шахридан олиб кетилган асарлар рўйхати.  
Факсимиле.

فتاویٰ ابراهیم شیبلی *Hamayin Nafasin) Haf / Kama orped*  
*unin) car: Nafasin) Hafin)*

مناجاة افکار شرح ہدایہ *Hafadulqur'ān fī tafasirihī fī dal*  
*(Lubābun-nisā' orped) unan)*

مناجاة افکار شرح ہدایہ مجددی *Hamudunqur'ān fī tafasirihī fī dal*  
*(Hamudunqur'ān) orped) unan)*

شفا و تیر گزری دقت *Shayhin) Haf) Hadunqur'ān fī dal*  
*(Lubābun-nisā' anur) Hadunqur'ān)*

بسوط پرہنسی آف *Mansurun) orped) Haf) Hadunqur'ān fī dal*  
*(Lubābun-nisā' orped) unan)*

طب مولانا یوسفی نظم و نثر *Tabi) Mansurun) Haf) Hadunqur'ān fī dal*  
*(Lubābun-nisā' anur) Hadunqur'ān)*

تفہیم لہجہ *Tafhim) Mansurun) Haf) Hadunqur'ān fī dal*  
*(Lubābun-nisā' anur) Hadunqur'ān)*

ایوان غزلیات عرفان *Aywan) Mansurun) Haf) Hadunqur'ān fī dal*  
*(Lubābun-nisā' anur) Hadunqur'ān)*

مناجاة افکار شرح ہدایہ *Hafadulqur'ān fī tafasirihī fī dal*  
*(Lubābun-nisā' orped) unan)*

فتاویٰ ابرہیم شیبلی *Hamayin) Nafasin) Haf) Kama orped*  
*unin) car: Nafasin) Hafin)*

۲۶

فقہ اول سدایہ تالیف *Saghenaga abanib fundaw-shapir / Khaba  
numpadi abancononin upin vlapadi*

مطول شرح تلمیخ الصلح *Manrila Magie Manpferet serpaia  
/ Murakabanie amma Magie*

رسالہ در علم طب سنتی آزاد *Kulancie daps Hecium Murad / chiduzummas  
sumraf*

مجموعہ فقہیات اور اصولیات *Maddunarsin kasunon d barid. kupp ka-  
dard / Saghenaga aspanidunon kupp  
Kandanaaf*

کتاب غریبی ذریعہ *Kumada Topuda / Korus. o ryanidun d*

کتاب با اول ہیرک تہ روز *Kumada shagruphet d p d d / Korusa d j j j j*

22. Мажмаъ нақийёт ва воқеаи Мирзо Ҳамдам.

23. Китоби Ғарибий. Форсий.

24. Китоби би аввали дар охири китоби ал-боб мазкур жинони маклуб шуде.

Бу рўйхатдаги китоблар Туркистондан Россия кутубхоналарига олиб кетилган китобларнинг кичик бир қисмидир.

*Равшан ПАЗАРОВ*

## МАТМУРАД ДЕВАНБЕГИ — БОРЕЦ С ЭКСПАНСИЕЙ ЦАРИЗМА



Матмурад Деваибеги (он же Мухаммад Мурад Деваибеги Шейх Назар Есаулбаши оглы) родился в 1830 г. в Хиве, в Дишонкале, в семье крупного сановника Хивинского ханства — Шейха Назара Есаулбаши Мухаммада Мурад-оглы, военного министра ханства. Сам Матмурад был также крупным политическим и общественным деятелем Хивинского ханства XIX века, одним из крупнейших землевладельцев (владел 50 тыс. тананов, т.е. 20,5 тыс. га земли) и коннозаводчиков Хивы, главным сановником периода хана Хивинского Феруза (Мухаммада Рахимхана) в сане деваибеги (премьер-министра).

Как отмечал генерал М.А. Терентьев, «Диван-беге — главнокомандующий, он же заведует ирригацией, сборами зякета и монетным двором. Тогдашний Диван-беге был... именем Мал-Мурад»<sup>1</sup>.

Матмурад окончил хивинское медресе, дружил с хивинскими поэтами Кази-Инатуллой, Баёни, Мирзой, Табиби и др. Был одним из самых образованных людей ханства, хорошо владел почти всеми тюркскими языками (узбекским, туркменским, турецким, та-

---

*Назаров Равшан — кандидат исторических наук, ст. научный сотрудник Института истории Академии наук Республики Узбекистан. Автор множества статей, посвященных насущным вопросам истории узбекского народа.*

<sup>1</sup> Терентьев М.А. Россия и Англия в Средней Азии. — СПб., 1875. — С. 92.

тарским и т.д.), а также арабским, персидским, русским языками, писал стихи. Служил в личной гвардии хана Хивинского, прошел все ступени от младшего офицера до командующего гвардией, военного министра и главнокомандующего войсками ханства. Имел звание генерала армии хана Хивинского, кавалер ряда орденов Хивинского ханства. Служил последовательно при пяти ханах: Мухаммаде Амин-хане (1845—1855), Абдулла-хане (1855), Кутлуге Муралхане (1855—1856), Саиде Мухаммад-хане (1856—1864) и Мухаммаде Рахим-хане Ферузе (1864—1910). В 1864 г. руководит строительством медресе Саида Мухаммад-хана. Отличался смелостью, мужеством, сильной волей, «храбростью и энергией» (Агахи), неоднократно участвовал в сражениях с мятежными туркменскими и казахскими племенами, а также с иранскими и российскими войсками.

В 1866 г. Матмурад во главе хивинских войск разгромил йомутских мятежников возле крепости Газибад, в 1867 г. — в целом ряде сражений (у селения Катабаг, озера Корп, канала Ак-яб, у Кенгеса), о чем есть упоминания у Агахи. Был неоднократно награжден за эти и другие победы (златотканым ханским халатом с поясом, кинжалом с драгоценными камнями, чистокровным арабским жеребцом и т.д.). В 1869 г. Матмурад командовал хивинскими войсками, направленными к Тау-Кара (Дау-Кара), что отмечено у Бартольда: «Пришло известие, что русские, построившие крепость Казалинск на северном берегу Сыр-Дарьи, замышляют подчинить себе киргизов, имевших летовки на южной стороне реки и плативших хивинскому правительству зякет и харадж. Хан решил отправить в местность Тау-Кара отряд под начальством диван-беги Мухаммед Мурада»<sup>1</sup>.

Как отмечалось в петербургском журнале «Нива», «Первое место среди советников и министров хана принадлежит диван-беги Мад-Муралу, человеку очень даровитому... Мад-Мурал приобрел над слабым властителем сильное влияние»<sup>2</sup>.

Это же отмечал генерал Максуд Алиханов-Аварский: «главный сановник ханства... как бывший воспитатель хана и как человек решительный и энергический, Мат-Мурал имел на него огромное влияние, и благодаря этому почти неограниченно управлял всем ханством»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Бартольд В. В. События перед хивинским походом 1873 года по рассказу хивинского историка // Соч., Т. 2. М., 1964. — С. 405.

<sup>2</sup> Сенд Мухаммед Рахим — Хивинский хан // Нива. 1873. № 38. — С. 593—594.

<sup>3</sup> Алиханов-Аварский М. Поход в Хиву (кавказских отрядов), 1873. Степь и оазис. — СПб., 1899. — С. 264.

Данное обстоятельство было отмечено и американцем Дж. А. Мак-Гаханом: «До сих пор он (*хан — Р.Н.*) предоставляет все управление государством своему министру, диван-беги Мат-Муралу... Он также сумел заслужить расположение молодого хана, и этот последний, по вступлении своем на престол, сделал его своим главным советником. Он предводительствовал хивинским войском под Шейх-арыком и затем сопровождал хана»<sup>1</sup>, т.е. во время наступления российских имперских войск на Хиву в 1873 году. Этому событию посвящены картины художника Н.Н. Каразина «Хивинский поход 1873 года. Переход Туркестанского отряда через мёртвые пески к колодцам Адам-Крылган», «Первое появление русских войск на Аму-Дарье», «Переправа Туркестанского отряда у Шейх-арыка».

Матмурал имел 6 сыновей (Кутлут Мурад, Шейх Назар, Хусайн Мухаммад, Аманкелди, Кутлугкадам, Худайберган), все они были крупными военными и гражданскими чиновниками Хивинского ханства. В 1904—1905 гг. сыновья Матмурала занимались в ханстве активным сбором пожертвований на русско-японскую войну.

В 1873 г. Матмурал командовал хивинскими войсками, в боях потерял старшего сына Кутлуга Мурада. В отличие от ряда других сановников ханства (таких как Мат-Нияз, Саид-Амир-уль-Умар, Юсуф-Максум и др.), которые были сторонниками скорейшего заключения мира с Российской империей, Матмурал был сторонником вооруженной борьбы с захватчиками. Как отмечает Мак-Гахан, «Когда хан сдался русским, Мат-Мурала захватили»<sup>2</sup>. Благодаря Матмуралу и ряду других патриотов (Рахматулла есаулбаши, Абдулла-бек), возглавивших антиимперское сопротивление, Хивинское ханство не было полностью ликвидировано (это входило в первоначальные планы империи). После поражения Хивинского ханства и подписания соглашения с Российской империей наиболее активные участники сопротивления царским войскам были репрессированы.

Попал под репрессии и Матмурал — он был со всей семьей выслан сначала в Казалинск, а затем — в Калугу, где прожил по 1880 г., там же родились его 2 младших сына. Вместе с ним в ссылке были также два его ближайших соратника — Рахматулла есаулбаши и Абдулла-бек.

---

<sup>1</sup> Мак-Гахан Дж.А. Военные действия на Оксусе и падение Хивы. М., 1875. С. 206. С. 214.

<sup>2</sup> Там же.

По некоторым сведениям, Матмурад Деванбеги имел контакты с сосланными и проживавшими в Калуге родственниками и соратниками имама Шамиля. Одной из особенностей Калуги было то, что это был практически единственный из городов центра России (не считая Москвы), где была мечеть. Возможно, именно поэтому сюда часто ссылали непокорных мусульман. Здесь в разное время были в ссылке последний крымский хан Шагин-Гирей, последний хан Младшего казахского жуза Арынгазы-хан, вождь туркменского восстания Черкез-хан, чеченский суфий Кунта-халджи, имам Шамиль, и наконец — ссыльные хивинцы Матмурад Деванбеги, Рахматулла-бек есаулбаши, Абдулла-бек.

Примерно в конце 70-х — начале 80-х гг. XIX века царское правительство от политики жесткой конфронтации с элитой мусульманских народов и давления на них начинает переходить к другой тактике — заигрывания с ними. Это выражалось в том, что выходцев из знатных семей стали принимать на учебу в военно-учебные заведения России, на службу в самые элитные части российской армии и лейб-гвардии (включая Собственный конвой императора). В период калужской ссылки два сына Матмурада — Шейх Назар (будущий есаулбаши) и Хусайн Мухаммад обучались в Воронежском кадетском корпусе (в 1878—1880 гг.).

В 1879 г. Матмурад, по личному ходатайству хана Хивинского, был помилован императором Александром II, и ему было позволено вернуться в Хиву. В декабре 1879 г. туркестанский генерал-губернатор, генерал-адъютант К.П. фон Кауфман писал хану Хивинскому: «Согласно моего представления, адресованного, вследствие ходатайства Вашего Высочество, о возвращении на родину сосланных в 1873 году Хивинских сановников Диван-беги Магамед-Мурала и Есаул-баши Рахматуллы, Государь Император Милостивый Белый Царь в 27-ой день сентября сего года Высочайше повелеть соизволил «возвратить помянутых хивинцев на родину». О таком Высочайшем повелении сообщая Вашему Высочество, прошу Вас по возвращении Магамед-Мурада и Рахматуллы на родину иметь над ними строгий надзор»<sup>1</sup>.

После возвращения на родину в 1880 г. Матмурад вновь был назначен на пост деванбеги. Необходимо отметить, что Матмурад достаточно часто не исполнял многих приказаний царских властей, о чем есть упоминание в документах. Так, в письме туркестанского генерал-губернатора Духовского на имя хана Хивинского от 17 июня

<sup>1</sup> ЦГА РУз. Фонд И-125. Канцелярия Хивинского хана. Оп. 1. Д. 24. Л. 169.

1898 г. говорится: «Мухаммед Мурад не мог не усвоить себе понятия, что распоряжения Г-на Туркестанского Генерал-Губернатора как лица, облеченного полным доверием Его Императорского Величества, сообщается Хивинским властям для точного исполнения, и потому мне совершенно непонятно, какими соображениями мог руководствоваться Мухаммед Мурад Диван-беги, не исполняя моего распоряжения»<sup>1</sup>.

При новом императоре Александре III Матмурад получил ряд Российских орденов (св. Станислава, св. Анны, св. Владимира) и чин полковника российской армии (чин генерал-майора имел сам хан Хивы). Матмурад был награжден также орденами Хивинского ханства, Бухарского эмирата и Персии (в частности, орденом «Восходящей звезды Благородной Бухары» и персидским орденом «Льва и Солнца»). В составе хивинских посольств и частным образом Матмурад много раз бывал в различных городах России (Москве, Санкт-Петербурге и т.д.). Скончался в Хиве в 1901 году. Похоронен в Хиве в родовой усыпальнице.

Среди потомков Матмурада было много известных государственных и общественных деятелей, ученых, литераторов, среди которых наиболее видными являются:

— сын — Шейх Назар Есаулбани (1869 — 1918) — есаулбани (военный министр и командующий личной гвардией) ханов Мухаммада Рахим-хана Феруза и Исфаяндияр-хана. Неоднократно бывал в Санкт-Петербурге, Москве и т.д.;

— сын — Хусаин-бек Матмурадов — один из лидеров движения младохивинцев;

— внук — Саид Назар (1909 — 1959) — сын Шейха Назара Есаулбани, поэт, прозаик, драматург, журналист, в 1942—1952 гг. — руководитель Самаркандского отделения Союза писателей Узбекистана;

— внук — Давлат Назаров (1913 — 1988) — сын Шейха Назара Есаулбани, герой Второй мировой войны, жертва сталинских репрессий, государственный и общественный деятель;

— правнук — Назаров Ренат Саидович (р. 1936) — сын Саида Назара, заслуженный работник сельского хозяйства Узбекистана, доктор сельскохозяйственных наук, профессор, ведущий специалист Узбекистана в области хлопководства;

— правнук — Назаров Нодир Саидович (р. 1952) — сын Саида Назара, педагог, дипломат, общественный деятель.

<sup>1</sup> ЦГА РУз. Фонд И-125. Канцелярия Хивинского хана. Оп.1. Д. 52. Л. 48.



## 1916 ЙИЛ ҚЎЗҒОЛОНИ ОҚИБАТЛАРИНИНГ РОССИЯ ДАВЛАТ ДУМАСИДАГИ МУҲОКАМАСИ

1916 йилда Туркистонда рус императорининг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонининг эътон этилиши ва шу муносабат билан кўтарилган қўзғолонлар ўша даврда турлича баҳоланади. Турли тоифа вакилларининг бу воқеага муносабати уларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатлари билан белгиланган эди.

Маълум бўлишича, жадидларнинг энг йирик вакилларида бири, ўзбеклардан етишиб чиққан биринчи адвокат Убайдулла Асадулла-хўжаев (Хўжаев) Англижонда чиқарилган «Туркестанский голос» газетаси муҳаррири А. А. Чайкин ва унинг укаси Вадим Чайкинлар билан биргаликда Петербургда бориб, Россия Давлат Думаси аъзоларига Туркистондаги қўзғолонлар ва туб аҳоли бошига тушган азобуқубатларни маълум қилишган. Убайдулла Хўжаев мардикорликка тегишли фармоннинг бекор қилинишини, ўлкадаги кескин аҳволни ўрганиб, тегишли хулоса чиқарилиши ва чора кўрилишини халқ номидан сўраган.

Мустабид ҳукумат архивида қайд этилган айрим маълумотларга қараганда, уларнинг Петербургда боришлари учун ўлканинг турли шаҳарларида маблағ тўпланган. Тошкент шаҳрида бу ишни амалга оширишда Мунавварқори Абдурашидхонов фаол қатнашган. Демак, Петербургда бориш масаласи жадидлар иштирокида ташкил этилган, дейишга етарли асос бор. Тўпланган маблағ Убайдулла Хўжаевнинг укаси Башруллага берилган. У бу пулни Петроградга — акасига жўнатган<sup>1</sup>. Ўлкада содир бўлаётган воқеалардан хабар тошган Дума аъзолари бу масалага турлича муносабат билдиришган.

---

*Исмоилова Жаннат Ҳамидовна, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори. «Фарғона водийсида миллий- озошлик курашлари» ва «XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Тошкентнинг «Янги шаҳри» қисми тарихи» монографиялар «Туркистон халқларининг миллий-озодлик ҳаракатлари»га доир мақолалар муаллифи.*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. 1-фонд, 31-рўйхат, 1139-иш, 1-бет.

«Туркестанский голос» газетасининг 1916 йил 23 июль сониди босилган маълумотда кўрсатилишича, Думадаги мусулмонлар фракцияси вакиллари Ю.Жаъфаров ва Тевкелевлар Туркистонда мардикорликка олиндиغان одамларни ва уларнинг oilалари ҳақ-ҳуқуқларини белгилаш, сафарбарликни аста-секин амалга ошириш ҳақида чор ҳукуматига хат юборганлар. Хатда мардикорликка олинган уюштиришни халқнинг ўзига тошпирилиши, тавсия этилган аҳолининг мардикорликка жўнатилиши қишлоқ ҳўжалигига зарба берили таъкидланган.

Мусулмонлар фракцияси, Меҳнаткашлар фракцияси, Тараққийпарварлар фракцияси ва социал-демократлар партияси Россия Давлат Думасида Туркистондаги аҳолини муҳокама қилишни лозим, деб тошган. Шундан сўнг Думада Туркистондаги император фармони ва қўзғолонлар бўйича текширув ишларини олиб бориш учун А.Ф. Керенский (Меҳнаткашлар фракцияси), Тевкелев, Ю.Жаъфаров (Мусулмонлар фракцияси) лардан иборат комиссия тузилган. Ю.Жаъфаров зарур иш билан Кавказга кетганлиги учун Туркистонга А.Ф. Керенский ва Тевкелевлар келганлар. Маълумотда айтилишича, олдий халқ уларнинг келишини орзиқиб кушган.

Дума аъзоларининг ўлкага келишида жадиллар, хусусан, Убайдулла Хўжаев катта роль ўйнади. Петроград университетини тамомлаган ва кейинчалик Туркистон мухториятига бошчилик қилган Мустафо Чўқаев Дума аъзоларидан иборат комиссияга таржимон ва кузатувчи бўлди<sup>1</sup>.

1916 йил 7 августда Дума аъзолари Тошкентга етиб келдилар, 22 августда эса Мустафо Чўқаев кузатувида Жиззахга жўнадилар. Бу ердаги қўзғолон ниҳоятда шиддатли равишда ўтганлиги учун юзлаб кишилар ўлдирилган, мол-мулклари таланган ва ерлари тортиб олинган, Жиззах шаҳри эса тамоман ваёронага айлангирилган эди. Чор маъмуриятининг бу ердаги амалга оширган ваҳшийлиги чексиз-чегарасиз эди. Дума аъзолари мана шу ваҳшийлик ҳақида жонли гувоҳлардан маълумотлар олдилар. Улар 23 августда Жиззахдан Самарқандга, сўнгра Мустафо Чўқаев билан биргаликда Андижонга бордилар. А.Ф. Керенский ва Тевкелев Жомеъ масжидига бориб, халойиқ билан суҳбатлашди. Уларни ўраб олган жамоа аҳли ўз дарду аламини тўкиб солди. Улар халқ билан гаплашаётганда полиция ходимларини

---

<sup>1</sup> 1-фонд, 31-рўйхат, 1139-иш, 1-бет.

атайин яқинлаштирилди. А.Ф. Керенский нутқ сўзлаб, аҳолининг талабларини қондиришга ҳаракат қилишини билдирди<sup>1</sup>. У чор ҳукуматининг юргизаётган нотўғри сиёсати орқасида мамлакатнинг ҳамма жойларида кўзғолон ва тартибсизликлар ҳукм сураётганлиги, уруш тутагандан сўнг Россияда революция кўтарилиб, чор ҳукуматини ағдарилини ва сайтлар асосида подпоҳсиз ҳокимият тузилиши ҳақида гапирди<sup>2</sup>.

Ўлкадаги махфий хизмат бўлими А.Ф. Керенскийнинг Андижондаги фаолияти ҳақида ҳукуматга қуйилагича ахборот беради: «Давлат Думаси аъзоси ва Меҳнатчилар фракцияси раиси Керенский ўзининг сўзлари билан аҳоли ўртасида давлат сиёсатига қарши ташвиқот юргизиб, унинг онгида миллатчилик руҳини уйғотишга ҳаракат қилди<sup>3</sup>.

Дума аъзолари Андижонда ўзбек, рус ва бошқа миллат вакиллари билан учрашиб, уларнинг талаб ва шикоятларига қўлоқ солдилар. Аҳоли мардикорликка олиш ва шу билан боғлиқ ҳолда кўтарилган кўзғолон ҳақида ахборот берди. Тевкелев эса бу масалаларни ҳал этиш ишларини кутиб туришни таъкидлади».

А. Ф. Керенский «Туркистон ва Россияда ўзбек ва бошқа туб аҳолининг тақдирини ўйлайдиган руслар борлигига, туб аҳолини оддий бир оломон деб ўйлаб, улар ҳукуматга хизмат қилиши керак, деган фикрга қарши турадиганлар мавжудлигига ишонч кераклиги» ҳақида гапирган. У мусулмонларга мактабларни яхши ташкил этиш ва фарзандларини ўқитишга ҳаракат қилишларига ишонч билдирди<sup>4</sup>.

26 августда Дума аъзолари Андижондан чиқиб, Қўқон шаҳрига келдилар. Улар йирик савдогар Шоҳайдар Иноғомов билан бирга-лиқда келиб, «Лондон» меҳмонхонасига жойлашадилар. Бу ерда туб аҳолининг вакиллари билан суҳбат ўтказилади. Шундан сўнг Дума аъзолари «Треугольник» фирмаси бошлиғи И.Е.Зубаревнинг уйида уюштирилган нонуштада қатнашадилар. Зубарев сўл гуруҳ, яъни тараққийпарварларнинг вакили ҳисобланган. Нонушта чоғида социал-демократик партия аъзоси доктор Д.И. Чернобородов ҳам ҳозир бўлган. Шундай қилиб, чор ҳукуматига мухолиф кучлар бир жойда йиғилишган. Бу ерда Думада Туркистондан вакил бўлиши, ўлкани бошқаришни такомиллаштириш лозимлиги, кўзғолоннинг келиб чиқиш

<sup>1</sup> Ўша жойда, 9-б.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 1-б.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 4-б.

сабаблари ҳақида савол-жавоблар бўлиб ўтади. Дума аъзолари бу масалаларни Дума мажлисида кўтаришга ваъда берадилар.

Сўнгра улар Кўқоннинг Эски шаҳар қисмига бориб, у ерда туб аҳоли вакиллари билан суҳбатлашишади. Айниқса, кўзғолонларнинг келиб чиқин сабаблари ва оқибатларига, мардикорликка сафарбар этилишга доир масалалар билан қизиқишади. А.Ф. Керенский ва унинг ҳамроҳлари Аравон волости бошлигининг ўлдирилиш сабабларини сўрайди. Унинг ойлик маоши 80 сўм бўлиб, порахўрлик ҳисобига 200 минг сўмлик бойлик тўплаганлиги ва шунинг учун ўлдирилганлиги маълум бўлади<sup>1</sup>.

Кўқон аҳолиси вакиллари Дума аъзоларининг ҳурматини жойига қўйиш мақсадида зиёфат бермоқчи бўладилар. Аммо маъмурият бунга йўл бермайди.

Дума аъзолари Тошкентга қайтиб, туб аҳоли вакиллари билан учрашдилар. Улар шарафига «Регина» ресторанида бўлган зиёфатта шаҳар ҳокими Н.Г.Маллицкий, истеъфодаги полковник О.Люкълбек Жўрабеков, Убайдулла Хўжаев, шаҳар бойларидан Орифхўжа Азизхўжаев ва рус жамоасининг вакиллари, жами юздан ортиқ меҳмонлар ташриф буюрди. Мезбонлар ўзларининг путқларида Дума аъзоларининг Туркистонга эътибор берганликлари ва Дума мажлисларида адолат ва ҳақиқат учун ҳаракат қилажаклари учун мишнатдорчилик билдирдилар. Сўзга чиққан Убайдулла Хўжаев Дума аъзолари ўлкада бўлиб, туб аҳолининг тинчлик тарафдори эканлигига ишонч ҳосил қилганликларини қайд қилди.

Сирдарё вилояти мактаблар бошқармасининг раҳбари С.М.Граменицкий ўлкада бошланғич мактабларнинг қониқарсиз аҳоли кўзғолон сабабларидан бири эканлигини айтиб, бу масалага Думанинг эътиборини жалб этишни сўради.

Шаҳар бошлиги Маллицкий ўлканинг барча шаҳарларида ўзини ўзи бошқарин тизимини жорий этишни таклиф этди. 1 сентябрда «Буфф» ресторанида ҳам зиёфат берилиб, унда юқорида кўтарилган масалалар бўйича суҳбатлар ўтказилди. 2 сентябрь куни А.Ф. Керенский Петроградга, шу куннинг эртасига эса Тевкелев Уфага жўнаб кетдилар.

Дума аъзоларининг ўлкага келиши ва олиб борган суҳбатлари маҳаллий аҳолида император фармонининг бекор қилинишига ёки юмшатилишига ишонч ҳосил қилган эди. Бундан мамнун бўлган нуфузли кишилар, хусусан, Сарикбой Акаевнинг ташаббуси билан

<sup>1</sup> 1-фонд, 31-рўйхат, 1139-иш, 5-б.

Дума аъзоларига мукофот тариқасида пул тўплашга киришдилар. Бу пуллар А.Ф. Керенский ва Тевкелевга берилган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Дума аъзолари Туркистондаги аҳвол, мардикорликка сафарбарлик ва қўзғолонлар ҳақида маълумотлар тўплаб, ўлка манфаатини ҳимоя қилиш нияти билан жўнаб кетганлар. Зиёлилар саъй-ҳаракати билан уюштирилган бу ташриф ва учрашувлар фармон ижросини тўхтата олмаса-да, Тевкелевнинг аралашishi туфайли мардикорлар сони 2000 кишига камайтирилди<sup>2</sup>. Бу эзилиб ётган халқ учун катта мадад эди.

1916 йил 9 сентябрда А.Ф. Керенский Туркистон генерал-губернатори Куропаткин номига шундай телеграмма юборади:

«Мен шахсан Туркистон ўлкаси билан танишдим. Сизнинг эътиборингизни қуйидагиларга жалб қиламан. Туб аҳолини мардикорликка жалб этиш Ички ишлар нозирлиги томонидан кўрсатмалар ишлаб чиқилмай бошлаб юборилган. Император фармонининг мақсади ва тартиби одамларга тушунтириб берилмаган. Маҳаллий маъмурият ўз мансабини суиистеъмол қилиб, аҳоли тинчлигини бузган. 15 сентябрда мардикорликка сафарбарликни бошлаш қўшинни ва мамлакатни галга, пахта ва гўнг билан таъминлаётган вилоятларнинг хўжалик ҳаётини кўпоринга олиб келади. Кузатишларим шунки кўрсатадики, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш зарурияти қонуний кўрсатма тайёрлангунгача мардикорликка сафарбар этишни тўхтатишни тақозо этади. Керак бўлган тақдирда мен сизга кўрганларимнинг барчасини маълум қилишим мумкин»<sup>3</sup>.

Бу телеграмма 18 сентябрда етиб келди. Бу пайтда тайёргарлик ишлари асосан ниҳоясига етказилган эди. Бундан ташқари, А.Н. Куропаткин учун Дума аъзосининг таклифи кучга эга бўлмай, у марказий ҳукумат раҳбарларининг кўрсатмасини инобатта олиши мумкин эди. Ҳукумат эса ҳамон император фармони бажарилишини талаб этмоқда эди. А.Ф. Керенский буни яхши англаса-да, лекин ҳукуматта нисбатан опозицияда бўлганлиги учун ўз бурчини адо этишни лозим, деб тошди. Тез орада Туркистон воқеалари Давлат Думасига киритилди.

Думада мардикорликка сафарбарлик ва қўзғолонларга доир масалани кўриб чиқиш декабрь ойига режалаштирилди. А.Ф. Керенский асосий маърузачи этиб тайинланди.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда, 3-6.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 1158-иш, 224-б.

Дума мажлиси 1916 йил 13 декабрда очилди. А.Ф. Керенский маърузани Туркистондаги кўзғолонлар нафақат ўлкани, балки бутун Россиянинг ҳаётига таъсир кўрсатганлигини баён этиш билан бошлади. Унинг таърифлашича, кўзғолонлар иқтисодийта ва тинч ҳаётга зарба бериш билан бирга бир неча минг руслар ва бир неча ўн минг туб аҳолининг ҳалок бўлишига олиб келди. Бу ерда шуни айтиш лозимки, чор маъмуриятининг расмий ҳужжатларида маҳаллий аҳолидан бир неча ўн минг кишининг ҳалок бўлганлиги қайл этилмаган, чунки маъмурият ўзи уюшгирган шафқатсиз қирғин-баротни яширган эди. Бу сир А.Ф. Керенский томонидан очиб ташланди.

У император фармони Россия империясининг қонунларига зил равишда ўзбошимчилик билан эълон қилинганлигига алоҳида эътибор қаратди. Уни тайёрлашда ўлка маъмурияти билан келишилмаган, маҳаллий шароит ва имконият билан ҳисоблашилмаган.

«Туркистон, — деди А.Ф. Керенский, — бу Тула ёки Тамбов губернияси эмас. Ушга Англия ёки Франция ўз мустамлакаларига қандай қараган бўлса, шундай муносабатда бўлиш керак. Туркистон ўзига хос турмуш тарзи, иқтисодий ва сиёсий хусусиятларга эга бўлган катта бир дунёдир»<sup>1</sup>.

А.Ф. Керенский ўлканинг ўзига хос хусусиятларини тўғри айтиш билан бир қаторда мустамлакалар билан муомала қилишда Англия ёки Франциядан ўрнатилган олишга даъват этади, улар мустамлакачилик сиёсатини ниҳоятда пухта ва маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда юргизганлигини таъкидлайди. Бинобарин, А.Ф. Керенский ўзини қанчалик адолатпарвар деб кўрсатмасин, барибир мустамлакачилик кайфияти ва манфаатларини инкор этмайди, у мустамлакачилик сиёсатини юмшатишнинггина таклиф этади, холос.

А.Ф. Керенский партияси, дунёқараши ва эътиқоли турлича Давлат Думаси аъзоларига шундай савол билан мурожаат қилди: «Тамбовми ёки Москва губернияларида дала ишлари қизғин тус олан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғингирини мавсумида бутун эркакларни қанақадир номаълум жойларга жўнатиш ҳақида тугуруқсиз ва жиннисифат фармон берилса бажарилармиди? Бундай фармонни бажариш Туркистондагига ўхшаш кўзғолонларнинг кўтарилиши, деган гапдир. Тамбов губерниясида эса бу ердагидан ҳам кучлироқ кўзғолон кўтарилишига ишончим комил»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. 1-фонд. 31-рўйхат, 1100 иш, 265-б.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

«Туркистондаги кўзғолонларнинг сабабчиси, — дейди А.Ф. Керенский давом этиб, — тамомила марказий ҳокимиятдир. У гайриқонуний фармонни эълон қилиб, барча қонун ва ҳуқуқларни бузди. Шунингдек, уларнинг айблари шундан иборатки, гуллаб-яшнаётган Туркистонни харобага айлантириб шундай шароитни юзага келтирдики, натижада туб аҳоли очликка мубтало этилди. Уларнинг айби яна шундаки, улар иккинчи Туркистон фронтини юзага келтирдилар»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, шундай бўлган эди. Зеро, бутун ўлканинг шаҳарлари, қишлоқ ва овуллари қамраб олган кўзғолонларни бостириш жараёнида катта ҳарбий куч ишлатилди, ўн миглаб одамлар ўлдирилди ёки жароҳатлантирилди. Ўлкада ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши ҳам фронтнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

А.Ф. Керенский император фармони авжи деҳқончилик мавсумигагина эмас, балки рўза кунларига ҳам тўғри келганини таъкидлади. Июлнинг иссиқ кунларида қуёш чиқишидан то ботунича бир кулгум сув ичмай, рўза тутиш вақтида эркакларни марликорликка олиш туб аҳолининг газабига газаб, нафратига нафрат қўшган. А.Ф.Керенский чор маъмуриятининг Туркистондаги кирдикорларини бирма-бир очиб ташлади. Чунинчи, аҳолини судга берин, ҳатто осиб ўлдириш сингари ваҳимага солувчи сўзлар билан кўрқитиб, мол-мулки охиригача шилтингани, Наманган ва Кўқон уездларида миглаб кишилар — эркак, аёл, ёш ёки қари барибир қамоққа ташлангани, кимнинг пули бўлса озод этилганини кўрсатиб ўтди. У ўлкада содир этилган адолатсизлик, зўравонлик ва талончилик бир неча ўн йилларга татиғулик ёмон таассурот қолдирганини тан олиб, чор амалдорлари томонидан амалга оширилган бундай жирканч ишлар рус давлати ва маданияти вакилларига уятдир, — деди»<sup>2</sup>.

А.Ф. Керенский Фарғона, Самарқанд ва бошқа вилоятлардаги кўзғолонларнинг исли кўрилмаган даражада раҳмсизлик билан бостирилганига алоҳида тўхтади. Жиззах шаҳрининг 20000 кишилик аҳолиси тўзигиб юборилди. Тирик қолган кексалар, аёллар ва болаларнинг ҳаммаси шаҳар чеккасидаги чўлга ҳайдаб чиқилиб, калтакланди, хўрланди ва мол-мулки таланди.

«Мен, — деди А.Ф. Керенский, — шунча фронтларда бўлиб, ҳеч қаерда Жиззахдек вайронага айлантирилган шаҳарни кўрмаган

<sup>1</sup> Ўша жойда, 268-б.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 279-б.

эдим. Уларнинг мол-мулки ва ерлари ҳам ҳукумат томонидан тортиб олинди»<sup>1</sup>.

А.Ф. Керенский маърузаси охирида шундай хулосага келди: «Европанинг йирик давлати Россия номидан Туркистонни бошқараётган чор маъмурияти раҳбарликни Бухоро ва Туркия сатрапларидан кўра ёмонроқ ҳолда олиб бормоқда. Чунки Бухоро хонлигида халқни ёшасига қиришга қодир ҳарбий қурооллар йўқ. Худого шукрлар бўлсинки, Бухорода бир-икки ҳафтада минглаб тинч аҳолини, аёллар ва болаларни қиришга қодир такомиллашган ҳарбий қурооллар, пулемётлар ва кучли мунгазам қўшин йўқ. Императорнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармони бажариш туб аҳолини устидан зўравонлик, адолатсизлик қилиш билан олиб борилди. Бу давлат учун шармандаликдан бошқа ҳеч гап эмас. Фармон янги ва тузатиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келди. Туб аҳоли чор ҳукуматининг кимлигини билиб олди. Хуллас, мен Тевкелев билан Туркистонда бўлганимиз ва туб аҳоли билан суҳбатлашганимизда даҳшатли фожиаларнинг гувоҳи бўлдик».

А.Ф. Керенский ишончли далиллар асосида чор ҳукуматининг барча адолатсизлиги ва зулмини фони этиб, яна шундай деди: «Туркистон генерал-губернатори Жиззах шаҳрини яқсон қилиш билан чегараланмай, аҳолининг катта ҳажмидаги ерларини давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида ҳам фармон берди. Одамларнинг айби борми ё йўқми, ерлар ёшасига мусодара қилинди. Шу тариқа туб аҳоли ва унинг авлодлари ўз мулкидан маҳрум этилди. Бундай чора Етгисувда ҳам қўлланилди. Айтишлар-чи, Россиянинг мулкани мусодара қилиш ва қирғинларни уюштириш мумкин бўларми, йўқ, бўлмас эди. Чунки бунга жамоатчилик йўл бермаган бўларди. Сизлар қаердан эшигансизларки, у ёки бу давлат ўз фуқароларини мол-мулкидан маҳрум этганини? Қаерда кўргансизларки, бизнинг нолон ҳукуватимизга ўхшаб ким ўз мулкани мусодара қилган»<sup>2</sup>.

**6. Ибрагим Арифханов.** Узбек, из Ташкента, учится в Берлинской высшей сельхоз. академии. Ярый противник соввласти. Член группы «Независимость Туркестана». По окончании учебы намеревается ехать в Венгрию. Провожал Заки Валидова, является ближайшим сотрудником последнего. Так, например, Заки Валидов в одном из писем Арифханову предлагал проявить активность в деле информации о положении дел берлинских студентов и усилить работу среди них. На учебу в Германию никем не командировался, уехал туда сам по себе, зачислен на стипендию по протекции.

**7. Вали Каюмов.** Узбек, из Ташкента, учится в Берлинской высшей сельхоз. академии, ярый националист, ученик Фитрата и находится всецело под влиянием последнего. Заявил, что в Узбекистан не вернется, так как работать в Узбекистане в настоящих условиях невозможно.

**8. Фузал Шорахмедов.** Узбек, из Ташкента, учится в дорожном техникуме в Штерлице. Сын богача. В Германию уехал нелегально на собственные средства.

**9. Хамид Самадов.** Узбек, из Бухары, учится в машиностроительном техникуме в Штерлице. Отец его при эмире был казием и в то время в «колесовских событиях» был убит. Хамид — антиобщественный элемент, был недоволен тем, что заграничным учащимся предложили изучать политграмоту.

**10. Тимурбек Казбеков.** Узбек, из Андижана, учится в высшем текстильном училище. В 1926 году был снят со стипендии за халатность к учебе. Не приехав в Узбекистан, снова зачислился при содействии неизвестных лиц. Уехав обратно в Германию, стал во главе стипендиальной комиссии и исключив со стипендии несколько студентов, зачислил вместо них свою жену и приехавшего из Турции Абдумалжита Ибрагимова (брат Ахмеджана Ибрагимова). Ярый националист. К учебе относится небрежно. Сторонник Заки Валидова, принимал участие в проводе последнего при выезде из Берлина в Турцию. Сообщник Шакури, стрелявшего в Мейерсона.



**11. Хайринисо Исмаилова.** Татарка, из Ташкента, учится на мед. факультете Берлинского университета. Является женой Тимурбека Казбекова.

**12. Абдумажит Ибрагимов.** Узбек, из Ташкента, учится в высшей средней школе, брат Ахметжана Ибрагимова. В Германию приехал из Турции и зачислен на стипендию Тимурбеком Казбековым. Держит связь с Идриси.

**13. Саттар Джаббаров.** Узбек, из Ташкента, учится на химическом факультете Берлинского университета, из торговцев. Имеет тесную связь с Фигратом и Шакиром Рахимовым. Пересылает им из Германии разную литературу. Благодаря связям с быв. Пред. Верховуд. УзССР Касымовым добился (из Германии) списания с отца задержанности по налогу.

**14. Туляган Мумин.** Узбек, из Ташкента, учится на электротехническом факультете Берлинской высшей технической академии. Весьма хитрый. Во время короткого пребывания на каникулах в Узбекистане расхвалил заграничные порядки и ругал порядки советские. О советской школе отзывался следующим образом: «Трудно ожидать хороших результатов от постановки дел просвещения здесь. На учебу надо ехать за границу».

*Архив Аппарата Президента Республики Узбекистан (ААПРУ), фонд 58, опись 5, дело 698*

**Сирожиддин АҲМЕДОВ,**  
*санъатишунослик фанлари номзоди.*

### **Германияда таълим олган Абдуваҳоб Муродийнинг ёзма кўрсатмаси**

*Абдуваҳоб Муродий (1901—1931) ўз даврининг машҳур зиёлиларидан бири, зироат соҳасидаги таниқли мутахассис ва селекционер олим; Оврупо ферма хўжалигига яқин тарзда колхоз ташкил этган удабурро раҳбар-менеджер ва Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Миллий университет) нинг педагогларидан биридир. У Туркистоннинг атоқли педагоглари ва жамоат арбоблари Эшонхўжа Хоний ва Мунавварқори Абдурашидхоновлар мактабида ўқиган, устозлари тавсияси ва моддий ёрдами билан аввал Боку зироат билим юртини (1916—1917) тугатган, сўнгра Германияга ўқишга бориб, зироат академиясида (1921—1927) таҳсил олган.*



Абдуваҳоб Муродий хотини Марта ва қизи Пути билан.  
Тошкент, 1929 йил, май.

*Муродий 1930 йил 25 апрелда Тошкент вилояти собиқ Калинин тумани Аччи овулидаги уйда яшаб турган пайтда ГПУ ходимлари томонидан қамоққа олинган. Унга миллатчи ва «Миллий иттиҳод» ташилотининг аъзоси деб айб қўйилган. У барча сафдошлари қатори, Москвага олиб кетилиб, Бутирка қамоқхонасида, ГПУнинг Шарқ бўлими ходимлари томонидан тергов қилинган. Аввал ўлим жазосига ҳукм қилинган, кейин ҳукм ўзгартирилиб, 10 йилга меҳнат тузатиш лагерларида жўнатишган.*

*Қўида эълон қилинаётган «кўрсатма-хотира» араб имлосида ёзилган. Хотира ГПУ ходимлари талаби йўналишида ёзилган бўлса-да, кучли иродага эга бўлган Муродий ҳақ гапларни ёзиб қолдира олган. Хотира сўроқ ва давр манзарасини, ватанпарвар зиёлилар маънавий-сиёсий қиёфасини акс эттириши ҳамда ўқувчи кўз олдига ўз эътиқодидида собит, ҳақиқий зиёли кишини гавдалантиради. Шу билан бирга, Муродийнинг ёзганлари кўпгина масалаларга, жумладан, миллий кадрларга муносабат, муҳожират воқеаларига ойдинлик киритиши, терговчиларнинг мақсад-маслагини очиқ намойиш этиши билан эътиборга сазовор. Кўрсатма-хотирада гўё терговчиларга ён берилгандай кўринса-да, аслида уларни чалғитиш орқали ҳақиқатни баён қилиш истаги сезилади.*

**Германияда Ўзбекистонга қарашимиз қандай бўлди?  
Келгандан сўнгра Ўзбекистонни қайси ҳолда танидим?  
Тажриба станциясида қандай тўсқинликларга учрадим?  
Қандай ишлар ила машғул бўлдим?**

Камбағал бир оилага мансуб бўлиб, жадид мактабига ўқишга кирган вақтларимда отам ойда 25 тийин мактаб харажати тўлашга қолдир бўлмади қолди. Синфда яхши талабалардан бўлганимни назарга олиб, Тошканд мусулмон жамияти хайрияси<sup>1</sup> мани ўз ҳимоясига олди.

Бу жамият бир тўда муаллимларнинг раҳбарлиги (масалан, Мунавварқори) ила тараққийпарвар бойлар тарафидан ташкил қилинган эди. Мен мана шул моддий боғлиқлик орасида Тошканд тараққийпарвар бойлари ичига аралаша бошладим. 1915 йилда Наманганга бир йил бориб, муаллимлик қилиб, келганимдан сўнгра чиндан буларга аралаша бошладим. 1916 йилгача ҳар турли «Гал», «Жамияти хайрия» номи ила миллий ташкилотлар бўлиб, буларнинг мақсади тижоратни кўлга олиш, хорижга талабалар юбориш (Истанбул, Кафказ, Татаристонга), халқ орасида миллий ҳаракатларни кўлайитиришда миллий матбуот нашр этмак каби ишлар бўлса-да, 1916 йилда Туркистондан фронтта ишчи олиш масаласи<sup>2</sup> бу майда ташкилотларни инқилобий ташкилотга айлантирди. Халқ орасига тушган ғалаёндан фойдаланиб, ҳукуматга қарши бир исён матёвраси ясанга мувофиқ кўрилиб, 1916 йилги Туркистон исёни майдонга келтирилди. Бу исён ҳукумат томонидан тезликда бостирилиши ила баробар бир қанча ютуқликларга эришилди.

Халқ исёнининг фойдасини кўрди. Миллий ташкилот учун бу ҳам илк ютуқ шул эдики, ул халққа ўзини кўрсата билди. Кўп ерда ишчи юборадурган комиссияга миллатчилар сайландилар. Миллатчилар<sup>3</sup> бу фурсатни ҳам кўздан бермай, фронтта борадурган ишчиларга мингбошилар, юзбошиларни ўз ораларидан қўймоқни ундиртилари-да, бу мингбошиларга, юзбошиларга тошпирилган фронт ишчиларидан миллий аскар кўрғуси тайёрлаш вазифасини юклядилар. Агарда Фарғонадаги босмачилик ҳаракатида фронтга бориб келганларни кўлаб аралашганларини хотирга олсақ, ишчи воқеасидан миллатчиларнинг қандай фойдаланганликлари маълум бўлур.

Туркистон, хусусан, Тошканд миллатчилари 1916 йилги воқеаларнинг якунини тўлашга ултурмасдан, Февраль инқилоби майдонга келди. Февраль инқилобида Туркистоннинг кўп ерида, хусусан,

Тошкандда ҳукумат миллатчилар қўлига ўтди. Бу суратлар аввалда «Муаллимлар» каби «Жамияти хайрия» номи ила муваққат маориф ва иқтисодий соҳада ишланиб келмакда бўлган миллатчилар эмди тўғридан-тўғри «ҳукумат учун» курашишга бошладилар. Ўз қувват-сизлиқларига ишонган Туркистон миллатчилари Озарбойжонга, Таристонга мурожаат қилишиб, ишчи сўрали (Озарбойжонга кетган вакил Авлоний эди). Озарбойжондан эса бошда Пири Мурсалзода<sup>4</sup> бўлмоқ узра бир ҳайъат юборди. Закий Валидий<sup>5</sup> сўнградан келиб, марказий нўрога раис бўлди. Миллатчилар бир томондан Муваққат ҳукумат ила, иккинчи томондан, Муваққат ҳукуматнинг беҳаракат-сизлигидан фойдаланиб тайёрликка бошладилар. Октябрь инқилобига яқин Пири Мурсалзоланинг ҳаракати ила расмий суратда «Турк адам марказият. Мусовот»<sup>6</sup> фирқаси тузилди. Бу кунга қадар тарқоқ ҳолда келмакда бўлишган миллатчилар фирқаси ҳолида бирлашмакка бошладилар: «Мусовот» фирқаси майда буржуа фирқаси эди. Шунинг учун «Мусовот» атрофига тўпланганлар Октябрь инқилобига қарши чиқдилар. Коммунистлар фирқаси ғолиб келгандан сўнгра «Мусовот» фирқаси тарқалди, яъни «Мусовот» махфий ташкилотга айланди. Бу замонлар Сибириядан қочган турк асирлари<sup>7</sup> Туркистонга кела бошладилар. Булар Тошкандда буюк ҳурматлаб қабул қилиниб, ишга тортилдилар. Мактабларга муаллим қилиб, ертангирилди ва махфий ташкилот атрофига тортилди. Бу янги ташкилот туркларнинг таъсири остида Туркиядаги Анвар ноно фирқаси бўлган «Иттиҳод ва тараққий» номини олди. Ташкилотга одам олиш ҳам муро-саҳли бир шаклга қўйилди. Аъзо қабул қилалурганлар икки кишидан иборат бўлиб, булар кафанга ўралиб турур эдилар. Қабул қилиналурган аъзога таъсир қилмоқ учун кафанли кишилар кўб вақт турклардан қўйилтур эди. Аъзо ҳам номирли бўлиб, ўзи ва бошлаб олиб келган кишидан бошқани билмас эди. Бу махфий ташкилот жуда тез тараққий этди ва Туркистоннинг ҳама шаҳарларига тарқалди. Махфий ташкилот ул замон уч соҳада ишга киришди:

1) Ҳукумат ичига ўз одамларидан қўйиб, ҳукумат аппаратидан фойдаланиш ва ҳукуматдаги кишиларни махфий ташкилотга тортиш;

2) Фарғонада бош кўтарган босмачилардан фойдаланиш;

3) Туркия ва Овруподаги ғолиб давлатлар ҳузурига ҳайъат юбориш.

Бу махфий ташкилотнинг бошида туркиялик мулкий қойилмақом Зиёбек<sup>8</sup> турар эди. Ақлимда қолган ҳоллардан бири шутки, бир кун

кечаси биз Зиёбекнинг уйида ўгирган эдик. Кечаси соат 12 да у замонки миллий ишлар халқ комиссари Тошхўжа Алпурхўжаев<sup>9</sup> келди. Кечаси бир ўзи келишидан мақсади комиссарликка келган махфий бир телеграммни сўйламак эмиш. У телеграммда Боку турк аскарлари томонидан олинганлиги<sup>10</sup> ёзилган ва Красноводскийнинг мудофааси учун баъзи қарорлар қабул қилинган. Тошхўжа шул воқеани сўйлаб чиқиб кетди. У замонлар ҳукумат аппаратида фойдаланишлар жуда кўп эди. Аммо 1919 йилдан сўнгра қандай инланганлиги манга маълум эмас. Чунки мен 1919 йилда Ўзбекистондан чиқиб кетдим. Закийнинг сўзига қараганда Анвар шошо Шарқий Бухорода юрган вақтда ҳам ҳукумат кишиларидан фойдаланишлар бўлиб турган. Аммо Закий бир воқеа ва ёки бир исм сўйламади.

Мен Ўзбекистонда бўлган вақтимда, яъни 1919 йилга қадар ташкилот Фарғона босмачилари орасида 2—3 турк зобити ила Фарғона зиёлиларидан чиқариб, раҳбарликни қўлга олишга бошланмоқда эди. Зиёбек, бир тарафдан, босмачиларга одам чиқариб, ишларига ривож беришга тиришса, иккинчи томондан, насиҳатли мактублар ёзув, большевикларга таслим бўлишни Туркия зобитлари номидан таклиф қилар эди. Бир кун ишундай мактубга кўзим тушиб қолди ва ғайри-ихтиёрий бу маъниқсизликка кулдим. Зиёбек нимага кулганимни тушунди: «Ўғлим! Сан ҳали ёшсан. Бу мактуб аввал большевиклар қўлига тушадир. Сўнгра босмачиларга борадир. У ердаги орқадонлар бу мактуб қандай мактуб эканлигини яхши билалдилар», — деди. У замон босмачилар масаласида ишундай икки юзли сиёсат тутилди эди.

Туркияга ва ул ердаги ғолиб давлатлар ҳузурига бормоқ учун Саидносир Миржалилов<sup>11</sup>, Садрриддинхон<sup>12</sup> юборилди. Аммо қайтганликларидан сўнгра буларнинг ҳеч бири ила кўришга олмадим. Шунинг учун аларнинг Туркияда қилган ишлари тўғрисида бир нарса билмайман. Махфий ташкилот бой аъзоларига палог солиш сурати ила анча моддий бойлик ҳам йиғди. Мен 1919 йилда уч нафар турк зобити ила Ўзбекистондан чиқиб кетмагимга сабаб Туркияга бориб ўқишни давом эттириш бўлса, иккинчи томондан, Ҳайдар Шавқий<sup>13</sup> ила орамизда бўлган ихтилоф эди. Бу ихтилофнинг қисқаси ишундан иборат: Ҳайдар «Муаллимлар жамияти»<sup>14</sup> га диктатор қилиб тайин қилинган (мен у замонлар касалхонада эдим). Ҳайдарнинг баъзи но-лойиқ ҳаракатларига таҳаммул қилолмас, ёни муаллимлар фракцияси тузиб, улардан айрилдик ва Ҳайдарни «Муаллимлар жамияти»дан ҳам олиб ташлаб, «Муаллимлар жамияти»га мен раис бўлдим. Албатта, бу ҳол миллатчилар ва, хусусан, Ҳайдарни қаттиқ ранжийда қилди. Ҳайдар бутун қуввати ила менга қарши ишлай бошлади...

...Асли йўлимиз Туркия экан, йўл тополмай, Афғонистон туноғига киришга мажбур бўлдик. Афғонлар бизни Мозори Шарифда уч ой соқлагандан сўнгра Кобилга юбордилар. Бу ерда 1919 йилдан 1920 йилгача оғир шароит ичида яшадим. 20-йилда Жамол пошо ила Миён Бузрук<sup>15</sup>лар келдилар. Миён Бузрук Жамол пошо ёнига кўшиб берилган махфий қўмитанинг вакили эди. Афғонистонда Жамол пошонинг ишига оид бутун маслаҳатлар Жамол пошо, Бадрибей<sup>16</sup>, Миён Бузруклар ўртасида қарорлаштириб, ман ва бошқа зобитлар тамом четда эдилар. Ман Афғонистонда экан, Туркистонда бўлган воқеанинг муҳими Бухоро воқеасидир. Чунки Туркистон майда буржуа миллатчилари Бухоро инқилобидан фойдаланишга қарор бериб, инқилобдан сўнгра Тошканддан Бухорога оқа бошламичилар<sup>17</sup>. Бухорони байналмилал сиёсатида бир рўл ўйнай бошлашligини ҳаёл қилиб, Бухорода миллий ҳаракатни давом эттириш учун миллий давлат бўлмасида, ўнроқ бир ҳукумат қуриш учун Бухорога бориб ҳукумат ишларига аралаша бошлаганлар. Узоқ вақт ўтмасдан бу фикрлари юзага чиқмасligини билгач, Тошкандга қайта бошламичилар. Ўзим Бухоро ҳаракатларига иштирок этмаганим учун бундан ортиқ бир нарса билмайман.

Мен Афғонистонда экан, Анвар пошо<sup>18</sup> ила Жамол пошо орасида Фарғона босмачилари тўтрисида муҳим музокаралар кетди. Анвар пошо Халил пошо ила бирликда Фарғона босмачиларини олиб Шарқий Туркистонга ўтиш, бир «Шарқий Туркистон давлати»<sup>19</sup> тузиш фикрига тушмиш. Бу фикрни Анвар пошонинг миясига ерлашувчилар Туркистон махфий қўмитасининг вакили Ҳайдар Шавқий, босмачи Ҳожи Сомебекдир<sup>20</sup>. Буларнинг асос фикрлари иккинчи Бухоро авантюраси ясаш эди, яъни Шарқий Туркистонда Анвар пошо идораси остида миллий ҳукумат қуриб буюк Туркистон инқилоби учун шу ерда ўтириб, ҳозирлиқ кўриш ва Туркистон муҳожирлари учун бир мўлжаъ топиш эди. Афғонистонга келган хабарларга қараганда, Анвар пошо, Жамол пошонинг мақсади эса Фарғона босмачиларини большевиклар ила яраштириб, бу босмачилардан Афғонистон чегарасида Ҳиндистон инқилобчиларига ёрдам учун фойдаланиш эди. Жамол пошо Афғонистонда юрган босмачи вакилларига ўз фикрини билдирди ва вакилларни афғон амиридан ажратиб бир зобит ила бошлиқлари ила сўйлашмак учун Фарғонага қайтариб юборди. Мен Афғонистондан қайтганча Жамол пошонинг вакили қайтиб келган учун натижа нима бўлганини билмайман. Аммо Жамол пошо<sup>21</sup> номига ёзилган Закийнинг бир мактуби келди. Закий бу

маклубида Миллий кўмитанинг тамомила Анвар пошо тарафида эканини сўйлаган ва босмачиларни Туркистонда ўз ҳолича қўймоғини сўраб ёзган. Бу суратга босмачилар Жамол пошо ила Закийлар орасида бир қанча тортишув мавзуи бўлиб юрди.

Миллий ташкилот ичида Шераҳмадбоев каби бойлар бўлуви ила шу қаторда Салимхон, мен ва бошқа камбағал оиладан чиққанлар бор эди. Шераҳмадбоевларни бундай ташкилотда бўлувлари табиий бўлиб, бу ташкилот уларнинг ўз синфий ташкилотлари эса-да, камбағалдан чиққан зиёлиларни бундай ташкилотда бўлуви қизиқроқ туюладир ва бунинг сабаби шу: бўлса керак: камбағалдан чиққан зиёлилар бутунлай деярлик эски жадид мактаби талабаларидир. Жадид мактаби тараққийпарвар бойларнинг таъсирига қаттиқ берилиб, кўб камбағаллар шу бойларнинг эҳсони ила ўқидилар. Мактабни битириб чиққандан сўнгра зиёлиларнинг озлиги жиҳатидан бу камбағал зиёлилар ҳам тараққийпарвар бойлар томонидан ҳурмат кўрди ва ишга тортилди. Мактабда олган миллий тарбияси таъсири остида шул жараёнга берилиб кетди. Баъзи камбағал зиёлиларнинг турмуши бир оз дурустлануви ила эски ҳолини унутиб, тўғридан-тўғри майда буржуаларга бошлади ва бу кунга қалар эски ботқон ботқоғидан қутулиб чиқа олмай келмоқдалар. Шераҳмадбоев<sup>22</sup> ила кўпрак атрофдан келган миллатларга дастурхончилик қилиб келди. Татаристондан, Кримдан, Озарбойжондан келган одамларнинг кўплари Шераҳмадбоев уйига кўниб, шунида ҳурмат кўрар эдилар. Шераҳмадбоевнинг бундан бошқа ишлари менга маълум эмас. Сўнгги вақтда «Туркистон ширкати» масаласи кўзгалган ва бу ширкатда Шераҳмадбоевнинг катта роли борлиги Саидов<sup>23</sup> тарафидан очишмоқда эса-да, бу даврда Туркистонда яшаматагим учун асосли маълумотим йўқ. Аммо Шераҳмадбоевни немис экспорт фирмаларидан «Анмар» Масков вакили ила сўйлашиб, «Анмар» ила бирликда ширкат тузиш ҳаракатида юрган ва менга мактуб ёзиб «Анмар» ишлари тўғрисида справка сўраган эди. Мен ҳам керакки справка юборганман. Бундан бир натижа чиққан йўқ. Нажмиддиннинг укалари Насриддин, Фузаиллар ёш болалар бўлиб, буларни миллий ташкилотнинг ҳеч бир ерида аралашганларини билмайман.

Мен 1921 йил, июль ойида Германияга бориб етдим. У замон ўзбек, қozoқ, татар қочоқ миллатчиларидан Берлинда ҳеч ким йўқ эди. Берлинда бўлган қисқа муддатда Шарқ қулубига бориб турдим. Қулубдаги яқин танишларим — Сурия — друз инқилобчиларининг бошлиқлариндан Шакиб Арслон<sup>24</sup> ила Троблис инқилобчиларининг

Оврупо вакили Ҳамид Фарғонибек<sup>25</sup> эди. Татъат пошо<sup>26</sup>, Жамол Азимбек, дўқтур Баҳриддин Шокирбекларни<sup>27</sup> армани махфий кўмитаси томонидан ўлдирилуви ила иттиҳодий турклар бошқа ерларга тарқаб кетган эдилар.

Туркистон ва Бухоро талабалари келганча вақтни қилшюқда ўтказдим. 1922 йи.да Бухоро ва Туркистон талабалари Германияга келдилар.

Талабаларни Русияга эмас, балки Германияга юборилувига бош сабаб, у замонги Бухоро ва Туркистон ҳукуматлари бошида миллатчилар таъсирида бўлган одамларни ўтирувидир. Чет элга талаба юбориб, миллатчи кадрлар тайёрлаш — миллатчиларнинг асосий мақсадларидан биридир. 1917 йилгача фақат Туркияга талаба юбориш фикрида бўлсалар-да, 1917 йилдан сўнгра Оврупонинг бошқа ерларига ҳам талаба юбориш фикри уйғонди. Талабаларни олиб кетган Олимжон Идрисий бу фикрнинг бошлиқларидан бўлиб, ўзи, вақтида татар миллатчилари томонидан Туркияга юборилган бир талабадир. Идрисий<sup>28</sup> Германиядан келар экан, Германия Хорижия министерствоси ила сўйланиб олиб келадурган талабаларни виза ила тайин қилиб келган. Аммо мен Идрисийни Германияда кўра олмадим.

Германияга борган талабалар ичида Аҳмад Шақурийдан бошқа бой болаларидир. Олимжон Идрисий татар ва бир қанча қозоқ талабаси ҳам олиб борди. Бу талабалар Берлинга етиб келмаги ила атрофдан эски миллатчилар Берлинга тўғри оқа бошладилар. Аввал Аёз Исҳоқий, Фуад Тўқтаров<sup>29</sup>, Садри Мақсудийлар<sup>30</sup> Идрисий атрофига тўпландилар. Буларнинг икки мақсади бор эди: бири — Идрисий кўлиндаги Бухоро пулидан ўзлари ва Харбин, Япониядан келган муҳожир татар талабалари учун фойдаланиш, иккинчидан, бутун татар, қозоқ, ўзбек талабаларини бир байроқ остига тўплаб, сиёсий тарбия бериш эди. Идрисий ила сўйланиб, пул олганлиқлари менга маълум эмас. Аммо талабаларни қўшиб юбориш — бутун талабаларни бир байроқ остига тўпламоқ учун кўп тиришдилар. Эскидан, уруш вақтида ташкил қилинган «Русия ислом шоғирдари жамияти»<sup>31</sup> ни тиришмак учун кўп куч сарф қилдилар. Фақат татар муҳожирларининг бу ҳаракати қисман фойдасиз қолди. Чунки Туркистон талабалари айрилиб чиқиб, «Туркистон талабалар жамияти»<sup>32</sup> ташкил қилиш ҳаракатига тушди. Туркистон талабаларини татар муҳожирларидан бул қадар қочиларининг бош сабабини Бухоро пулига татарларни шерик қилдирмаслик, иккинчидан, татар муҳожирлари ила Туркистон миллатчиларини эскидан келишмасликларидир. (Биринчи



мусулмон қурултойида Исҳоқий ва шериклари Русия унитаризми ва Туркистон ҳамда озарбойжончилар «Адам марказият» тарафлори бўлиб чиққан эдилар.) Шундай бўлса-да, баъзи татар талабалари Исҳоқийлар, Идрисийдан яширин ёрдам олиб юрган бўлсалар керак. Ташкил қилинган «Туркистон талабалар жамияти»дан мақсад фақат Туркистон талабаларини бир ерга тўплаш эди. Туркистон талабалари ила татарлар орасида ихтилоф чиқиб юрган бу даврда Чўқаев<sup>33</sup> ҳам Берлинга келди. Чўқаев татарлар каби Берлинга кўчиб келмади, балки ҳар келганда 2—3 кун турибгина кетар эди. Чўқаев татарлар ила бўлиб турган ихтилофга тўхталиб, Туркистон талабалари фикрини қувватлади. Закий Валидий Берлинга келганга қадар Чўқаев 3—4 марта Берлинга келиб-кетди. 1924 йили Закий келди. Закий келган вақтда мен практикада эдим. Закий келгандан сўнгра Аҳмаджон Иброҳимовнинг уйида бир мажлис бўлиб, бу мажлисда Закий Туркистон ишлари тўғрисида доклад қилди. Бу мажлисда бутун талабалар иштирок этганлар. Бу мажлисдан бир қанча кун сўнгра Султон Матқуловнинг уйида яна бир мажлис бўлган. Бу мажлисда Тўлаган Мўмин ва бошқа бир-икки талаба бўлган бўлса керак. Бу тўғрида Тоҳир Шокирзода практикада юрганимда менга ёзди. Шундай мажлислардан бири Олимжон Идрисийнинг уйида бутун татар миллатчи муҳожирлари ила бўлганлиги сўнградан билинди. Бу мажлис тўғрисида манга маълумот берган Усмон Тўқимбет шундай дейди: «Мажлисда Олимжон ўзининг ишлари тўғрисида ҳисоб бериб, талабалардан шикоят қилди. Туркистон талабаларини сепаратистликларини сўйлаб, татар талабаларини айириб тошлаганлиқларидан шикоят этди. Закий Олимжон ва шерикларининг тактикаларини танқид қилиб, ҳукумат ҳисобидан ўқиб турган талабаларни муҳожир талабалар ила қўлиб юбориш нотўғри ҳаракат эканини сўйлади. Аммо бу масалада қандай қарор қабул қилганлиги менга аниқ маълум бўлмаса-да, Закийнинг сўнги хатти-ҳаракати шунга боғлиқ бўлса керак.

Закий ила Чўқаевнинг талабалар тўғрисида асос фикрлари талабаларга ўқишларини тамомлаттиришдир. Талабалар ўқишларини битирмагунча ишга торгмасликдир. Чунки ҳукумат тарқалуvidан кўрқилур эди. Шунинг ила баробар талабаларни мафкуравий томондан оҳисталик ила тарбия қилиш, мактабни битиргандан сўнгра талабаларни хорихда қолишга рағбатларини орттириш. Чўқаев мактабни битирган талабаларни Оврупода олиб қолиб, ўз ёнига группа тўплаш, якка чиқишлар ерига группа ила чиқишни олға сулар эди. Чўқайнинг фикрича, Шарқий Оврупода биргина Чўқайни югуриб юруви Чўқай

ҳаракатига Туркистон ҳаракати туси бера олмайли. Агарда кўнлашиб, гуржилар, украиналиклар каби инлаганда сиёсий ранг оладир ва Оврупо сиёсий доираларининг диққатини ўзига жалб эта билалар. Чўқаев кўн «Матбуотда бошқа имзо ила ҳам мақола ёзиб қўйишга мажбурман», дер эди. Чўқаев ўз ёнида қолишни истаганларни секин тарбия қилиб боришни ваъда қилур эди. Закий эса бу фикрга қарши бўлмай, бутун қувватини Шарққа бериш ва Шарқда ишлашни илгари суар эди. Закий мактабни битирган талабаларни Туркияга келмактариининг тарафлори эди. Закий бу талабаларнинг бир қисмини Эрон, Афғонистон ва ҳатто Ҳиндистонда хизматга ерлаштириб, ўзининг сиёсий мақсади учун булардан фойдаланишни ва шул Шарқ ўлкаларинда шўро ҳукуматининг Туркистон ўлкаларида шўро ҳукуматининг Туркистон сиёсатига қарши кампания олиб боришидир. Ҳатто талабаларнинг бир қисмини Эрон ва Афғонистон мактабларига муаллим қилиб ерлаштириб, Ўрта Осиёдан қочиб ўтган ёшларни шул мактабларда тарбия қилиш сурати-ла чегарада туриб, миллий калрлар тайёрлаш керак, дер эди. Аммо бир қисм — Аҳмаджон Иброҳимов, Шокирзода Тоҳир, Орифжон Иброҳимов, Афзал, Абдуваҳоб Исҳоқ кабилар миллий мафкурага қаттиқ берилган бўлсалар-ла, Чўқай ва ёки Закийнинг тактикасини бир ёғи қабул қилганлиқлари йўқ эди. Аммо талаба(лар)нинг кўнчилиги агрофила икки йилги факт: истар Закий ва истар Чўқаевнинг бу фикрлари шундай тайёргарлик даврида бўлиб ташкилот ҳолига айланган(и) йўқ. Аммо Закий Истанбулга кетмасдан бурун янги бир ташкилот масаласини ўртага қўйди. Агарда Туркияда ташкилот қуриш мумкин бўлса, ишга бошлангликни сўйлаб кетган эди. Закий Туркияга боргандан сўнгра узоқ вақт яна Лёз Исҳоқийлар ила Берлинда бўлиб ўтган жанжалги давом этли ва, ниҳоят, Лёз Исҳоқийларга бир даражага қадар голиб бўлиб, Туркияда янамоқда бўлган муҳожирлар ичила ўзига мавқе топгандан сўнгра Истанбулда сўл социал демократ қараш фирқаси «Эрк» номида бир фирқа ташкил қилинганини Туркиядаги озарбойжонлилардан бошқа турк муҳожирлари шул «Эрк»ка кирмакда эканлигини узун-узун бир мактубла Берлин талабаларига эълон қилди ва яқин замонларда «Эрк»нинг паиш афкорини паиш қилмоқ ҳаракатида эканини ёзди. «Эрк» тўғрисида Закий ўз фикрига шундай изоҳ қилалир: «Оврупода ташкилотлар бир ҳолда инлагани мумкин эмас. Чунки ким бизни ҳимоя қилишни билмайди, ким ила алоқа тузишни биз билмаймиз. Фақат бир ташкилот орқалигина байналмилал ташкилотга киришиб, ўзимизга мавқе тута биламиз. «Эрк» тузамиз. Бу сурат-ла

Иккинчи байналмилатнинг сўл жангоҳи ила биргалашиб Иккинчи байналмилатдан ўзимизга имдод ола биламиз», деб ташкилотни ниҳоят даража кераклигини сўйласа, иккинчи томондан, нима учун сўл социал-демократ программасини қабул қилганини шундай изоҳ қилади: «Ўрта Осиёдаги эски зиёли битиб боралди. Буларнинг ерига қоммунист тарбиясини кўрган сўл фикрли янги зиёли табақаси жуда тез етишмоқда. Бу сўл зиёли табақа оз вақтда Ўрта Осиёда асос зиёли табақа бўлиб қолади. Шўро тупроғида қоммунист фирқаси бошидан тупган вақтда эски зиёлилар яна эски назария ила майдонга чиқсалар, ёш зиёлилардан айрилиб қолишга тўғри кетлади. Янги зиёли эски зиёлининг фикрига қатъиян қўшилмайди. Бу суратда зиёлилар орасида айрилиш бошланади. Меним тарафимдан ташкил этилган «Эрк» эса ҳар икки тарафни ҳам рози қилади ва эски зиёли раҳбарликни қўлдан бермай, муваффақиятли суратда ишни давом эттира биллади».

Шундай мазмундаги изоҳли мактуби Берлинга келгандан сўнгра биз бир печа талаба Аҳмаджон, Орифжон, Тоҳир, мен ўқиб кўриб, бир натижага кела олмадик. Тоҳир аввал Чўқай ила сўйлашгани мувофиқ кўрди. Бу программа мен келмасдан бир қанча вақт илгари келган эди. Чўқай ила мендан сўнгра сўйлашган бўлса керак. Аммо натижаси менга маълум бўлмади. Бу программа тўғрисида Чўқаев ила сўйлашиб, сўнгра жавоб ёзишга қарор берганлигига сабаб шунки: Чўқаев ила бўлган музокараларда Чўқаев бундай бир ташкилотга тарафдор эмас эди. Тўғридан-тўғри Туркистон истиқлолияти номидан ҳаракат қилиш тарафдори эди. Чўқаев мусовотчилар ила бир фикрда эди. Чўқаев Туркистон миллий ҳаракати номидан ҳаракат қилганда Оврупо сиёсий доираларига таъсир қилиш мумкинчилигига қонсез эди. У социалист программаси-ла бир фирқа тузишга қаршилиги шундай эди: «Агар биз социализм программасида бир фирқа тузсак, Русия социалист фирқасига аъзо бўлиб киришга мажбурмиз. Биз сон ва сифат жиҳатидан қолюқ бўлганимиз, бизда саноатни тараққий этмаганлиги сабабли уларнинг қўлида ўйинчоқ бўлибгина қоламиз. Ўзимизга мустақил бир мавқе тута олмаёмиз. Ҳозирги большевик идорасининг яна ёмонроқ шаклига кирамиз. Ўрта Осиё — майда деҳқон мамлақати. У ерда капитализм даврини ўтмасдан социализмга ўтман, дейиш тўғри эмас», дер эди.

Закий «Эрк» фирқасини тузар экан, Чўқаев ила келишганими, йўқми? Бу ери манга қоронғу. Чўқаев Париж, Польша орасида жуда кўп юриб турса-да, бу ерларда қилиб юрган ишидан бизга очиқ бир

парса сўйламас эди. Аммо баъзи вақтларда шарқ факулталарда Туркистон ҳақида доклад қилиб, пул олиб юрганини сўйлаб ўтар эди. Мен Ўзбекистонга қайтмасдан илгарияк Чўқасевда муқим Туркистон номидан мустақил бир журнал чиқариш фикри туғили. Бу журнал тўғрисида Польша ила сўйлашганини ва Польшадаги кишилар пул ваъда қилганликларини сўйлади. Агарда пул берилмади аниқ бўлса, Истанбулга бориб, бу тўғрида Закий ила маслаҳат қилмоқ фикрида эди. Мен Ўзбекистонга келгандан сўнгра Закий илорасида напир этилмакда бўлган «Туркистон» журнали пул журнал бўлса керак. Чўқасевни Польшада ёки Парижда кимлар ила алоқада бўлганини аниқ билмайман. Чўқайнинг ўз сўзига қараганда, онинг ошналиғи кўнрақ салон хотинлари ила бўлиб, салон хотинлари воситаси-ла ҳукумат кишилари ила тонишадир. Аммо Польша Пилсудский<sup>34</sup> ҳукуматидагидан баъзилари ила эскидан тонишгани борлигини сўйлади. Чўқай кўн вақт очиқ сўйламаса ҳам Оврупо ҳукуматларидан франсузларга Туркистонда имтиёзлар ваъда қилиб юргани аниқлаштур эди. Бир кун сўз орасида франсуз иқтисодчиларидан бирига Эронда ясалалурган темир йўл хатти франсуз компаниясига олинуви кераклигини сўраб бир рапорт берганини сўйлади. Бу рапортда франсузлар Эрон темир йўлига эга бўлса, Эрон орқали Туркистондан капитал суратда пахта ва қорақўл олиб чиқиш мумкинлигини тушунтирганини сўйлади. Чўқасевда шундай ҳар кимга бир манфаат кўрсатиб юриш одати ҳам бор. Чўқасев сўз орасида энг кўн шўро ҳукуматининг миллий сиёсати империализм сиёсатининг янги бир шаклидан иборат эканлигини тушунтирмоққа чолишди. Чўқайнинг энг қоқилган масаласи:

- 1) Муҳожират масаласи,
- 2) Дон ва пахта сиёсати,
- 3) Ер-сув сиёсати,
- 4) Миллий зиёлиларга қараш.

Муҳожират масаласида эски рус сиёсати Туркистонга муҳожират сиёсатини асосий сиёсат қилиб олди. Бу йўлда кўн ғайрат сарф қилган ҳолда ютуғи оз бўлди. Чунки, эски рус империализми Туркистонга деҳқон кўчиришга бошлади. Аввалан, рус деҳқони асосан муҳофазакор бўлгани учун оз кўчар ва кўчиб борганлари ҳам Туркистон иқтимиға, Туркистондаги зироат шароитига ўрганмас, кўн қийиналдилар. Чунки кўнгина пулга тушганлари ҳолда ерлик деҳқонлар ила рақобат қила олмай муҳожират сиёсати кутган натижани бера олмади. Бизим учун эски рус сиёсатининг энг қўрқинчли нуқтаси шу эди. Большевиклар даврида эса бу муҳожират сиёсати бошқа

шактга кирди. Эмди биргина рус деҳқони ила кифояланмасдан шаҳарларга тўғрилан-тўғри ишчилар келтирмакдлар. Бу сурат-ла коммунист ҳукуматининг асосий суянчиги шаҳар ишчисини тўғридан-тўғри Русиядан кўчириб, Ўзбекистонда пролетар ҳукумати курмоқдлар. Ерли халқ эса фабрикаларда ишлангга аввалдан ўрганмаганликлари учун рус ишчиларига рақобат қила олмайди.лар. (Чўқаев бу ерда факт қилиб Ўзбекистон матбуотида кўрсатилган эски цифраларни кўрсатадир.) 1) Эски вақтда Маскавдан туриб ҳукм этган руслар бундан сўнгра Ўрта Осиёнинг ўз ичида туриб ҳукм қиладилар; 2) Пахта масаласида Чўқай шундай деядир: шўро ҳукумати Ўрта Осиёни Русияга хом мол етиштирадиган колония ҳолига кўймоқдлар. Шунинг учун Ўрта Осиёда бугун куч ила пахта майдони кенгайтирилмакда, албатта, пахта майдонини кенгаюви дон майдони камаювигга боғлиқдир. Бу сурат-ла Ўрта Осиё ҳамма вақт дон масаласида Русияга боғлиқ бўлиб қоладир. Бу эса Ўзбекистонни ҳамма вақт асоратда сақлаш демакдир; 3) Шўро ҳукуматининг Ўрта Осиёда ерсув сиёсатидан кўпроқ сўйланадирган масала ер ислоҳоти масаласидир. Ер ислоҳотини ерлари катта деҳқонлар қўлидан тортиб олиб, рус деҳқонларига, батракларига ер берини сиёсати, деб тушунтиришди. Ўзича факт қилиб Мирзачўл районининг ер ислоҳоти бир кунни тўғрисида бир мухбирни «Қизил Ўзбекистон»га ёзган хабаридаги бу қадар рус батраки ерли бўлди, деган жумлани кўтариб юрди. 4) Миллий зиёлилар масаласини Чўқаев биринчи Ўзбекистон зиёлилар қуруттойидан сўнгра кўтармоққа бонглади. Чўқаев миллиатчи зиёли ила миллий зиёлини бир-биридан айирмасдан миллий зиёлилар, деб атайдир.

Шўро ҳукуматининг бу соҳадаги сиёсатини миллий зиёлиларни уриш, ҳукумат ишларига аралаштирмасдан ҳукумат ишларини оми одамларнинг қўлига топшириб, булар орқасидан ҳукм қилиш, деб тушунтирадир.

Фирқадаги соғ оқимни коммунист мактабидан чиққан ёшларни ҳам фирқанинг миллий сиёсатига қарши исён қилиб чиқини, деб тушунтирмак-ла ўзини миллий сиёсатни танқид қилишда ҳақли эканини исботига тиришадир ва ҳар турли соғ ва сўл оқимларни жула жиддият ила таъқиб қилиб борадир. Талабаларни юқоридаги назариялар ила тарбия қилмоққа бутун қуввати ила тиришди. Талабаларни мактабдан оладирган диплом темаларига ҳам аралашуб борадир. Масалан, менга эски Русия ҳукуматининг Туркистонга «муҳожират сиёсати» номида диплом ёзмоғимни тавсия қилди ва материал ила

кўмак этажагини ваъда этди. Аммо Тоҳир Шокирзода ҳам шул мавзу устида ёзмақчи бўлган эди. Фузаил Шераҳмалбоевнинг сўзига қараганда Тоҳир Шокирзода Берлида бир китоб бостирмоқ ҳаракатида юрган эмиш. Фузаил мавзунини билмайдир. Шу мавзуда ёзилган бир китоб бўлса керак.

1927 йил январь ойида бўлса керак, Тоҳир Ҳайдельбергга чақриди. Чўқаев мени Ўзбекистонга қайтмоқ фикрида юрган эмиш эшитиб, сўйлашмоқчи бўлибдир. Мен, Тоҳир Шокирзода, Абдуваҳоб Исҳоқлар бор эди. Мандан бошқаси, зотан, Ҳайдельбергга яшайдир. Мени Ўзбекистонга қайтишимни таҳликали бўлишини сўйлаб, мени қайтармоққа тиришиб кўрди. Қайтишим қатъий бўлгач, яна шул эски нарсаларни сўйлаб чиқиб, бу ердаги эски танишларидан Убайдулла Хўжаев, Саид Миржалилов, Толибжон Мусабоев, Нур қориларга<sup>35</sup> салом сўйлаб ва ҳар турли матбуот юбориб турмоғимни сўради. Чўқаевга пушдан кўра матбуот жуда муҳим эди. Чунки биздаги танқидий мақолаларни олиб, фикрларини шўро матбуоти ила исбот қилиб чиққан бўлади.

Чўқаев шундай нарсаларни тавсияларда бўлди:

1) Шўролар ҳукуматининг янги муҳожират сиёсатини халққа тушунтириб, муҳожиратга қарши халқни тарбия қилиб бориш;

2) Ўзбекистонни келажак кунда оч қолмаслиги учун пахта фойдасига дон экинини Ўзбекистондан сиқиб чиқармаслик учун дон экинни фойдасига кампания юргазил ва халқнинг ақлига ишқилоб йилларидаги очликни келтириб туриш; албатта, бу тавсия тўғридан-тўғри шўро ҳукуматининг пахта сиёсати ила қуралиши демакдир;

3) Ортиқча ерларни ерли халқни кўлидан чиқиб кетмаслиги учун шаҳарда тижорат ишидан бўшаганларни дала ишларига аралаштиришга, ер-сув эгаси бўлишга тавсия қилиш;

4) Ўрта Осиёда напир этилган ва этилмакда бўлган бутун матбуотни юбориб туриш.

Чўқаев матбуотни кўп сўрар эди. Чунки аниш фикрича, бирдан-бир алоқа йўли шул матбуотдир. Ул бутун Ўрта Осиё аҳволини матбуот воситаси-ла билиб турмоқчи. Анинг фикрича, бошқа турли муҳожират мумкин эмасдир. Ўзининг қилиб турган ишлари тўғрисида бу ерга хабар бериб туришни ҳам шул матбуот орқали мумкин, деб ўйлар эди. Дер эди: «Бизнинг ёзган нарсаларимизга шўро матбуоти жавоб ёзадир. Мана шул икки оралаги мунозарадан бизнинг қандай ишларда бўлиб турганимизни Ўрта Осиёда билиб туриш мумкин». Шунинг каби юқоридаги тавсияларини ҳам ташкил суратла

эмас, балки мутафарриқ сураатлагина идора қилишга тарафдор эди. Миллий бир ташкилот бўлиб ишлагани Ўрта Осиёнинг ҳозирги ҳолига номувофиқ, деб санар эди.

Чўқаев Ғарбий Овруподаги Озарбойжон, Гуржистон муҳожирлари усулида Оврупонинг ҳар эшигига кириб чиқалди. Ўз фикрича, Оврупога Туркистонни танитмоқ ила мангул.

Закий эса Истанбулда ўлтириб Шарқ билан алоқа тузини, Туркистонни Шарққа танитини, Туркистонда бўлиб турган воқеалар ила Шарқни танитиш ишига мангул. Шунинг учун «Эрк» фирқасини Истанбулда тузди. Ул бул кейинги замонларда Истанбул дорулфунунида «Туркистон тарихи» дарси бериш ҳаракатида эди. Албатта, бундан мақсади бир тарихгина эмас, балки дорулфунундан етишмакда бўлган ёш туркларни туркий қилиб тайёрлаш ва аларнинг назардиққатини кўпрак Туркистон тарафларига жалб этишдир. Закийнинг яқин дўстларидан бўлган Анқара маориф ваколати хориж шўъбаси мудири Ҳамид Зубайрий<sup>36</sup> ҳам шул Закий йўли ила ишлайди. Закийнинг сўнги мактубига қараганда, Туркия афкор оммасини Туркистон масалаларига қизиқтирмоқ учун омма тилида «Туркистон тарихи» ёзмоқда эканлиги дарж қилинган эди. Закийнинг Афғонистон ва Эрон ила алоқалари бор. Кимлар ила алоқада бўлганини билмайман. Бир замонлар Ўрта Осиё (Эрон, Афғонистон доҳил) бирлигини келажак учун лузумлиги тўғрисида Ризохон ила Маҳмуд Тарзийга<sup>37</sup> узун бир рапорт юбордим, деб юрур эди. Садрилдинхон ила Чўқаев икки тарафни бўлиб олиб ишламакда ва талабаларни ўз орқаларидан судраб кетмоқда эдилар. Ўзбекистонга келиш олдида муҳобира қилмаганим учун Ўзбекистон тўғрисида нималар тавсия қилмоқчи бўлганини билмайман.

Закий ва Чўқаевларнинг фикрларини талаба орасида кўн вақт ўзлари амалга оширилди. Буниг (учун) талабаларнинг ўзидан фойдаландилар. Чўқай ва Закийга қурол бўлган талабалар бошлича мен, Тоҳир Шокирзода, Аҳмаджон Иброҳим, Орифжон Иброҳим, Абдуваҳоб Исҳоқ, Афзал Абусайд ва қисман Беримжонуф эди. Беримжонуф Закий ва Чўқаев ила жула яқин алоқада бўлса-да, талаба орасида ўзи Туркистон таъминотидан чиққандан сўнгра аралашмай қолди. Талабаларнинг фикри ҳам Оврупога чиққан талабаларни ўқинларини тамом эттириш эди. Аммо талабалардан Саидали ила Аҳмад Шакурий ўз ҳолича яшадилар. Талаба ичидаги на сўлликка ва на соғлиққа кўшилдилар. Берлинда биринчи номири чиқиб тўқталгон «Кўмак» журнали фақат шул икки кишининг иши. Талабалардан ҳеч

ким бу ишга ара ташган эмас. Соғлошган талабалар бошида Идрисий ўттирли. Овруподаги талабаларни ўқишларини битургунча сақлаш буун талабга кифоят этди. Бу фикрнинг (тўғрилигига қарши — С.А.) хорижда иккинчи фикр йўқ эди. Сўнгра бу фикр Бухородан борган ёш болалар тўғрисида ўзгара бошлади. Талабанинг кўпчилиги буларни қайтаришга тарафдор бўлди. Ҳатто ўнларнинг бошлиқларидан бўлган Тоҳир Шокирзода «ўз нулимиз ила немис тарбия қилмоққа бошладик», демакга бошлади. Ҳақиқатан ҳам, ёш болалар ўз она тилларини унутиб, тамомилан немис тилига бошладилар. Бу тўғрида комиссия тузилди. Талабаларни текшириб чиқиб, у замонги Ўзбекистон ҳукуматига ҳам мурожаат қилинди. Кўп ўтмасдан, Мейерсон келди. Бу Мейерсонни иккинчи мартаба келмаги эди. Мейерсон биринчи кун тургандан сўнгра Олимжонга бир списка кўрсатиб, бу спискада бир қанча талабаларни — булар ичида Аҳмад Шакурий ва Аҳмад Наъим, Сагтор Жабборларни таъминотдан чиқорилганлигини сўйламин. Бу кутулмаган воқеа устида иккиси жуда хафа бўлганлар. Олимжон мени телефонга икки кун сўнгра бўлалурган мажлисга етиб келмагимни сўради. Мен у замонлар Франкфуртда практикада эдим. Мен мажлис бўлалурган куни соат 6 ларга етиб келдим ва Олимжон ила бўлиб ўтган ишлар устида сўйлашгандан сўнгра Мейерсон ҳам кириб келди. Сўрашдик. Мен Олимжон уйи ёнида(ги) Саидали Хўжаевнинг уйига кирдим. У ерда талабалар (ила) сўйлашиб ўтирган, Аҳмад Шакурий эса танса тушмакда. Бир оз сўнгра мажлис бошланди. Мейерсон докладга бошлади. 15 минут ўтмасдан Аҳмад Шакурий томонидан Мейерсонга бир ўқ отилди. Аҳмад Шакурий коридорга қочиб чиқди. Мажлисни ёпуб, дарҳол сафоратга ва полис доирасига телефонга хабар берилди. Аҳмад Шакурий турк сафоратига қочиб борган экан, сафир Аҳмад Шакурийни полисга топширмиш. Аҳмад Шакурий воқеаси танкилий бир жория эмас, балки Аҳмад Шакурийнинг ўз молсизлигидан (укувсизлигидан — С.А.) бўлган бир воқеасидир. Сўнгра эшитганига қараганда, Аҳмад Наъим<sup>38</sup> баъзи ташвиқотларда бўлган. Сўнгра сафорат ила сўйлашиб, бир қисм талаба чиқарилди. Қолганлари ўз ерида қолди. Иккинчи воқеа уй воқеасидир. Бухоро тижорат комиссияни тарафидан олинган уйни сақламоқ учун Идрисий бошлиқ бўлмоқ узра кўп тортишилди. Бу кампанияга шул ўтурганларнинг ҳаммаси қатнашди. Уйда шулар ўтирур эди:

- 1) Саидали Хўжаев
- 2) Олимжон Идрисий



- 3) Шамсулбанот
- 4) Темирбек Козимбек
- 5) Тўлаган Мўмин
- 6) Билол Фатхулла
- 7) Орифжон Иброҳим
- 8) Аҳмаджон Иброҳим
- 9) Афзал Абусаид
- 10) Аҳмад Наъим

Булар ўз манфаатлари учун бошқа талабалар билан ҳам бирлик юзасидан курашни давом этдирдилар. Мен Ўзбекистонга қайтар экан, ҳали ҳам уй масаласи биттан йўқ эди.

Учинчи воқеа — Аҳмад Наъим воқеасидир. Бу воқеа қисман тап-килий ва қисман Аҳмад Наъимнинг ўз ташаббуси ила бўлган. Бир кун Аҳмад Наъим Закийдан бир мактуб олганлигини, агарда мамлакатта қайтариладурган талабаларни бир илож қилиб Туркияга юборилса, Закий мактабларга ерлангирилишини ваъда қилганини сўйлади. Баъзи талабалар йўл йўқлигидан бу ишни мумкин бўлмаслигини сўйладилар. Аҳмад Наъим ишни Идрисийга сўйламин. Идрисий ҳам сафоратга бориб, Ўзбекистонга қайталдурган талабаларни олиб кетишга Аҳмад Наъим рози эканлигини билдирмиш. Аҳмад Наъим Якубович ила сўйланиб, Берлиндаги қарзлари учун сўраб олмиш ва кетадурган талабаларга ҳам шундай пул олдириб ишлари битирилганлигини, пул масаласини ҳам ҳал бўлганини сўйлади. Мана пул суратла Аҳмад Ригага қалар келуб, Ригала «Красний крестъ»га мурожаат қилиб, аларнинг ёрдами ила Польша орқали Истанбулга кетди. Истанбулда Закий буларни кутиб олиб, мактабларга ерлангирди. Аҳмад Наъим бир қанча замон сўнгра Германияга қайтиб келди.

Германиядан қайтганда Масковда Наби Расулий, Чўлпон, Шокиржон Раҳимийлар ила кўришдим. Шокиржон ила Чўлпонни аввал танир эдим. Наби Расулийни пул ерда кўрдим. Буларни мендан энг кўп сўраган нарсалари Овруподаги талабалар аҳволи, ўқишлари бўлди. Аммо Закий ва Чўқаев тўғрисида ҳеч ким, бир нима сўрамади. Фақат Наби Расулий мени қайтиб келганимдан норози бўлиб, эски зиёлиларни бутунлай қувғин остида эканликларини, тўғри юриб кун кечирин ҳам мумкин бўлмай қолганини сўйлади. Тонканд ва Самарқандда, яъни кўргани келганлар ичида эски зиёлилардан бўлса-да, ҳеч ким сиёсий мавзуда сўз очмади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик стансасига ишга ерлашгандан сўнгра ҳам эски зиёлилар ила жула оз кўришдим. Бутун муддатда фақат Салимхон, Эшонхўжа Хоний ила

бир уй масаласи муносабатига кўпроқ кўришишга тўғри келди. Мунавварқори ила бир мартаба, Убайдулла Хўжаев, Толибжон Музабоевлар ила бу кунга қалар кўришмалим. Укаси масаласи тўғрисида бир неча марта Нажмиддин ила кўришдим. Бир мартаба Эсон афанди<sup>39</sup> (уйи)да бўлдим. Фақат сўйлашган одамларимнинг ҳеч бирига Чўқаев тавсияларидан бир сўз очмадим. Ҳеч ким ботиниб, бир нарсга сўрамади. Чўқаев масаласини очмаганимнинг сабаби Чўқаев таълимотлариндан ҳеч бириси Ўзбекистон шароитига тўғри келмаслиги ва бушай сўзни фойдасизлигидир. Салимхон, Эшонхўжа ила сўйлашганимда сиёсий мавзу устида ҳеч сўз бўлмади. Аммо Эшонхўжа Хоний<sup>40</sup> ҳам вақт ҳукуматдан порозилик баён қилиб, турмушдан зерикканлигини кўи сўйлар эди. Мунавварқори ила сўйлашганимда ул биринчи дафъада Чўқаевнинг газеталарда ёзган мақолаларидан шикоят қилди: «Чўқаев фойдасиз мақолалар ила бошимизни балога кўймоқда, бутун бало келиб бизим бошимизга тушмоқдалир», — деди. Мунавварқорининг фикрича, ҳозирги ҳар турли маънисиз ҳаракат қага фалокатларга сабаб бўлалир. «Эски даврлар ўтиб кетди», — деди. Ўз фикрини шундай изоҳ қилди: «Биз (бу) кунга қалар ишлаб келдик. Бундан сўнги ишларни янги етишмакда бўлган фирқанинг ўзи олиб борадур. Бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз аларнинг ютуғига зарба бериндан бошқа нарсага ярамайди». Эски ташкилотдан ва ёки янги бир ташкилотдан ҳеч бир сўз очмади. Эсон афанди ила кўришишга сабаб бўлган воқеа шундир:

Тажриба станциясининг иши ила Самарқандга борганда Маориф комиссарлиги главпрофобр<sup>41</sup> мудири Собир Қодирий ила кўришиб қолдим. Ул мани уйига чақириб зироат техникумлари тўғрисида бир оз сўзлашиб ўтиргандан сўнгра сўзни Эсон афандига буриб, Тошкандда Эсон афандининг 3—4 йил эътикофда ўтиришга ният қилганини, афеус ила сўйлашуб, Самарқандга ишга чақирғонини сўйлади ва кўриб қолсам, Самарқандга боринга тавсия қилмоғимни сўради. Мана шун ишила Эсон афандига бордим. Эсон афанди муҳожират масаласидан сўз очиб, шикоят қилди. Устига, бир тарафдан, газета ҳужум қилишидан, иккинчи томондан, ГПУ томонидан шиддатли қувғин остига олинганидан жуда зерикканлигини сўйлади. Шунинг учун муаллим (лик)ни ҳам қилиб, бир ерда имомлик қилиш ила бўлса-да, бир оз тиғчин ҳаракатига тушганини сўйлади. Сўйлашган одамларнинг ҳаммаси ҳам Эсон афандининггина жавобини берадир.

Ҳеч бир ерда эски ташкилотни давом этганини ва ёки анинг ерига янги бир ташкилот тузилганини сезмадим ва эшитмадим. Ал-

батга, бунинг ила эски миллатчилик мафкураси йўқ бўлиб кетган, деб айтмакчи эмасман. Чунки ўшал эски ташкилотнинг аъзолари ҳоло Ўзбекистонда яшаيدир. Бугун буларни бир-бирларидан четлаб, қочиб юришларининг сабаби вақтнинг номусодатигидир. Бу, албатта, муваққат чекилишдир. Эҳтимол мусоидла бир замон келса, яна якка-якка ҳолда тонилмаган кишилар ичида шўро ҳукуматининг миллий сиёсатини танқид қилиб юришларгина бўлиб турадир.

Обидхўжа Саидовнинг заҳарлануви бир грунпа томонидан ёки сири очилишидан қўрққан эски миллатчилардан бири томонидан ижро қилинганми, бир нарса дея олмайман. Агарда Обидхўжа Саидов ўз уйида заҳарланган бўлса, мен кўпроқ ўз синглисидан шубҳалангим келади. Чунки Саидовнинг бир синглиси Қаюмхўжа Алиевнинг<sup>42</sup> хотини бўлиб, Саидов томонидан эски сирлари очилган Қаюмхўжа хотинига «Аканг мани қаматмоқ ҳаракатида, у замон икки боланг ила қайга борасан?» деб хотинини қўрқитмоқда эканини ва Саидовнинг ўз синглиси ила ораларида бир неча мартаба жанжал бўлганини ва Саидов ила Қаюмхўжа орасида (Қаюмхўжанинг уйида) атрофдан қўшнилар чиқадурган даражада жанжал бўлганини эшитгимдим. Қаюмхўжа бир тарафдан Саъдулла Қосимов<sup>43</sup> ила ҳам қариндош. Шунинг учун шулар тарафидан Саидовнинг ўз синглисидан фойдаланган бўлув эҳтимоли бор. Бу масала(да) эҳтимол Убайдулла Эргозиевнинг қўлини ҳам қилириб кўрини зарар бермаса керак.

*2 июл, 1930 йил.  
Масков.*

Германиядан Ўзбекистонга қарангимиз қандай бўлди, келгандан сўнгра Ўзбекистонни қайси ҳолда танидим, тажриба истансасида қандай тўсиқларга учрадим, қандай ишлар ила машғул бўлдим.

Мен Германияда яшар экан, шўро ҳукуматининг Ўзбекистон ва бошқа шўро Шарқ ўлкаларида юритилмакда бўлган сиёсатини фақат бир қанча бегона воситалар ила кўра билтур эдик. Бу воситаларнинг, бундан:

- 1) Муҳожирлар матбуоти,
- 2) Муҳожирлар тарғиботи,
- 3) Оврупога келганлар ила қилинган суҳбатлардан олинган таъсирлар,
- 4) 1918—1919 йилларда ўзим кўрганларим ва
- 5) бизга оз бўлса-да, бориб турган Ўзбекистон матбуоти.

Аммо муҳожирлар матбуотидан ўзимни кўриб юрган журналим «Янги Кафказия»<sup>44</sup> эди. Бу журналда ёзилган нарсаларнинг кўпи Озарбойжонга оид бўлиб, «Янги Кафказия» Озарбойжонга (Муғон дала-сига) келтирилмакда бўлган рус муҳожирларидан, Озарбойжон мил-лий зиёлиларини мусовотчи шубҳаси остида ГПУ тарафидан ҳибс этилмакда, Сибирияга сургун қилинмоқда экакликтаридан бир су-рат-та озарбойжон зиёли синфи битирилмакда экаклигини, ҳукумат — ҳукумат ишига киришган озарбойжон ёшларидан бир оз муташаб-бусларни ҳамон мусовотчилик ила айбламакда экаклини ёзар ва Эрон ва Туркияга қочиб ўтганларни фангазий ҳикоятлар ила ёзар эди. Баъ-зи вақтлар Озарбойжондан олинган қилиб исмсиз мактублар нашр этар эди.

Туркистон муҳожирларидан бошли(қ) Чўқаев ва Закий Валидий раҳбар шул «Янги Кафказия»га атолуғ воқеаларни бизга талқин қилиб келди. Буларнинг талқинотлари ичида ҳам энг муҳим ўришни ГПУ туталир эди. ГПУнинг Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё жумҳурият-ларида ижро этмакда бўлган террорларидан баҳс этар экан, ҳатто 1926 йилда 50—60 лаб, Топкенда ўзбек зиёлиларини қамаганлик-ларидан, булардан бир қанчасини, масалан, Лазиз Азиззода, Юсуф-бекларни қамаганликларин хабари тарқалди. У замонлар бу хабар-ларни қасрдан чиққани маълум эмас эди. Фақат сўнградан Юсуф-бекни қамагани ва сургун қилингани тўғрисида Саттор Жабборга Тошканддаги ўроқлариндан бири ёзганлиги, Саид Носирларни қамагани тўғрисида Тошканддан борган бир русни Чўқаевга сўйла-гани (бу рус, голибо, Демидов ва ёки шунинг ташишлари бўлса ке-рак. Демидов «Хлопковое дело» ёзувчиларидан). Чунки Ўзбекистон-дан борган овруполиклар, албатта, Зигель ила сўйлашур. Чўқаев кўп хабарларни шул Зигель орқали олиб турур эди. (Зигель Эски Кўқон пахта биржаси раиси ва Кўқон Мухториятига Чўқаевнинг ҳаракати ила аъзо қилиб киритилганлардан.) 1927 йилларда Фитратни ҳибсга олишгани хабари тарқалди. Албатта, бу хабар талабалар ичида сўйла-шиб ёки сўйлашмоқ ниятида юрган Саттор Жаббор, Вали Қаюм, Тўлаган Мўмин каби Фитратнинг шоғирдлари ва Ботунинг ҳам акрошлари орасида ҳам анчагина ўз таъсирини кўрсатди. Чунки ул замоннинг, хусусан, Саттор, Вали, Тўлаган Ўзбекистонда Мунаввар-қори тарафдори, Фитрат тарафдорлари томонидан маълум этилгани бугун ишларни фитратчилар кўлига ўтганини хаёл қилар, ўзларини Фитрат тарафдори қилиб кўрсатар эдилар. Уларнинг бизга қараганда сўтликлари мана шул нуқгада эдики, уларнинг фикринча, биз «турк-

чи» эдик. Улар эса «ўзбекчи» эди. Баъзи вақтларда, орала шул икки сўз устида мунозаралар ҳам бўлиб турар, Сагтор ва Тўлаганинг бу кунги фикри менга маълум эмас. Албатта, Ўзбекистонни кўриб кетганликларидан сўнгра фикрлари ўзгарган бўлса керак. Албатта, Фитрат тарафига қараб эмас, балки социализм тарафигагина қараб, агарда (ўз сўзларини эшитганда) «фитратчилар»ни Оврупога қайтармоқ учун-да қилинган ҳаракатларини унутиб билсалар! Фитратнинг қамолган хабари Озарбойжондан Берлинга борган туркиялик Тавфиқ Фикратми, Аҳмад Фикратми — шундай бир одамдан чиққан бўлса керак. Бу хабарни шул одамнинг оғзидан олиб талабалар орасида Олимжон Идрисий тарафидан тарқатилган. Манбаи номаълум ва ёки манбаи кучсиз бўлган. Булардан ГПУ тўғрисида ҳар тарафдан хабар чиқиб турар эди.

Булардан бошқа муҳожирлар тарафидан талабалар орасига тапшланиб, талабаларни(ни) музокарасига сабаб бўлиб юрган масалалар бошланича шундан иборат эди;

- 1) ерли зиёлиларни турли баҳона ила ишга қўймаслик;
- 2) ер ислоҳоти номи ила ортиқча ерларга русларни ўрнаштириш;
- 3) саноатта аҳамият бермаслик;
- 4 ) берилган саноатда ишчиларни ерлилаштириш;
- 5) дон ҳисобига пахта майдонини кенгайтириш ва бу суратга дон масаласида Ўзбекистонни Русияга боқим қилиб қўйиш ва пахта берилган саноатда оз баҳо бериш;
- 6) ерли фирқа ишчилари орасида доимий гурӯпабозликлар қилириб туриш;
- 7) Ўрта Осиёга муҳожиратни орттириш;
- 8) юқори ва ўрта ҳунар мактабларидан ерлиларга оз ер бериш.

Бу фикрлар ҳам бизга хийли ўрнашиб қолди. Чунки, бу нарсаларни на даража тўғри эканлигини қатъий айтириб ололмадик. Бизга очиқ ва тўғри йўлни кўрсатадурган икки йўл бор эди. Булар Ўзбекистондан келган матбуот ва одамлар... Ўзбек ишчиларини ситиб чиқаришлар, гурӯпабозликлар каби кичкина хабарлар орамиздаги хабарларни тасдиқ қилиб турди. Оврупога саёҳат этган Ўзбекистон эски зиёлиларидан Холмуҳаммад Охунов, Мажид Қодирийлар ила қилган суҳбатларимиз бизни қаноатлантирмади. Сўнградан ўзимни тешкиришимга қараганда, бу эски зиёлиларнинг эски ҳам фирқали бўлганлари ҳолда Ўзбекистоннинг чин ва перспектив аҳволидан хабарсиз эдилар.

Мажид Қодирийнинг кўн саволимизга берган жавоби: «Ўзингиз борганда кўралирсиз» эли. Охунов эса мактаблардаги ёшларни тарбиясидан, ёшлардаги ахлоқ бузилгицидан шикоят қилди. (Муаллимларнинг бир мажлисида Қориев деган бир ёш муаллим Охуновга хужум қилиб: «Сиз, уламодансиз, бизим ишимизга аралашинга ҳаққингиз йўқ», деб ҳақорат қилмиш, аммо баъзи эски муаллимларнинг ёрдами ила у болага ўз сўзини қайтариб олдирмишлар. Иккинчиси, Охунов Масковга келиб, Топкентга етуб боргунча ўзига яқин бўлгонлар ёш хотунининг бош-хушини айлангириб, Охуновни ташлаб кетинга қадар олиб бормишлар.)

Ҳар иккиси ҳам бизим саволтаримизга жавоб беришга кўрқар эдилар. Фақат талабалардан бир туркман бола ва Темурбек Казбековни Ўзбекистонга келиб қайтиб кетуви бир даражага қадар баъзи масалаларни, хусусан, ҳибсларни ёлгон хабарлардан иборат эканлигини билдирди. Бутун юқорилдаги ташвиқотлар устига икки муҳим фактни қўнамизки, булардан бири борган талабаларнинг кўнлари майда ва йирик буржуа оиласига мансуб талабалардир. Талабалар ичида сўдроқ бурилиб юрганлардан Вали Қаюм Топкентнинг энг катта бойларидан — Алимжонбоевлардандир. (Топкентдаги ҳозирги ҳарбий округ бўлиб турган эски госпитал ва бошиқа бир қанча иморат, дўконлар шуларники эли.) Саттор Жаббор эса кўринишда кичик, ҳақиқатда бой бир савдогарнинг ўғли. Тўлаган Мўмин эса ҳам вақт киши кучидан фойдаланиб келган карвонбошининг ўғли бўлиб, акалари ё савдогар ва ё қассобдир. (Аммо Тўлаган талабалар ичида ўзини камбағал боласи деб ҳисоблаб юрадир.) Соғ оқимлагилар ҳам шундай, балки булардан ҳам каттарак бой оиласига мансуб. Булардан ҳар бири инқилоб замонида ва инқилобдан сўнгра кўнгица моддий зарар кўрганлар ва инчи-деҳқон томондан душман назари ила боқилган одамлардир. Шунинг учун буларни буржуа оқимиға берилувлари табиий нарсадир. Сўдроқ бўлиб юрган ижтимоий аҳвол-эйтибори ила майда ёки йирик буржуа оила(сига) мансуб бўлганлар эса мента ҳукумат йўли ила Оврупода кўпрак айш ва ишрат қилмоқчи бўлган авантюристлардир. Чунки Оврупога борганларига 8 йил бўлди. Аммо бу кунга қадар на мактабни битирганлари ва на яна қанча қолганлигини ҳечам айтмас. Ваҳолонки, Валининг мактаби практикаси ила 4 йиллик, Султон ва Тўлаган Мўминларнинг мактаби 5 йиллик, Германияда ҳеч бир ерда 8 йиллик на олий ва на ўрта ҳунар мактаби йўқдир. Ўнг оқимда бўлганлар эса халқ эйтибори ила аксил-инқилобий оқимга берилганлардир. Маалтаассуфки, билим, тириш-

қоқлиқ эътибори ила булардан юқорида туралар. Иккинчи факт эса Германия муҳитининг бузуқтигидир. Чунки Германиядаги кўп талабалар икки оқимни бирига бериладирки, булардан бири сафоҳат, иккинчиси тор миллатчилик оқимига берилдир. (Бу) фашизм оқими. Чунки юқори мактаб талабалари ва профессорлари тамомила шул миллатчилик... «Дойчланд, дойчланд, убермайнс-убермайнс ун дер велт» шиори ила суғоришдир.

Ажнабий талабалар ҳам бу оқимнинг таъсиридан қутула олмай-дир. Оҳиста-оҳиста шул оқимга тобе бўлиб, ўзини немис тор миллатчи... қилмоққа бошладилар ва бошладик. Бир замон французлар немисларнинг Руд вилоятларини олганда, немислар тарафидан кўллари боғланган, кумуш қалқонлар кийдирилган, сочлари торқалган бир қиз расми ясалиб, бу қиз кўли боғлиқ Германияни тасвир этар ва Бисмаркнинг қабрига тиз чўкиб, қабрга хитобан: «Қачон келасан?!» деб турар эди. Манзум талабаларнинг ҳаммаси ҳам немисларга тақдидан шу суратни бирорталдан олган эдилар. Ҳатто сўзлик кўрсатган Саттор Жаббор немисларнинг бу тасвири ила Фитратнинг «Темур сағанаси» деган театр китобида катта ўхшашлик топиб, Фитратнинг даҳосига ҳайрон қолиб юрган эди. Баъзи талабалар шундай бир расм ясаптируб бермоқ, бирига «Темур қабри»ни кўйиш каби ҳаёлларга ҳам тушдилар. Мана шундай воқеаларнинг бўлиши буржуа оиласига мансуб бўлган талабаларни ўраб олиб кетди. Талабалар ичида оила эътибори ила ишчи синфига мансуб бўлган мен ила Аҳмад Шакурий ҳам, маалтассуфки, шул оқимдан айрилиб қола олмадик.

1922 йилда келган талабалар Ўзбекистон аҳволини — 1918—1919 йилги аҳволнинг ўзгармаганлигини англатишлари мени яна миллатчилик лагерида қолишимга катта сабаб бўлди. Чунки 1918—1919 йилги миллий душманлик ва фирқа маскаси остида дашноқдўгон арманилар тарафидан Фарғонада бекорга тўкилган қонлар (хотун ва ёш болалар қони) бутун бошлиқ каби менга жуда қаттиқ таъсир қилган эди. Шул таъсирлар остида бутун ҳаёлимиз Туркистон ва умумтурклик озодлиги учун чолишиш бўлиб қолди. Фақат ...<sup>45</sup> туркман талабаларининг келтирган хабарлари менда юқоридаги фикрларни юшамоғига сабаб бўлди. Ҳар ҳолда Ўзбекистонга бориб, бутун ишларни ўз кўзим ила кўришга ҳаваслангирди. Мана шул ҳаваслар Ўзбекистон ила бизот танишмоқ учун СССРга келдим.

Московдаги талабалар аҳволлари, Инпросдаги таҳсилни кетиши, ҳатто ўзбек қизларини очиқ ва сарбаст юришларини биринчи

мартаба кўрмоғим менга жуда яхши таъсир қилди. Эски таассубимни юмшатгирди. Ўзбекистонга борганда, кўпрак бизим бошимизга ерлаган фикрларни текшириш ила машғул бўлдим. Ўзим мана шул натижага келдим:

1) ГПУ тўғрисида тарқалган хабарлар ёлғон бўлиб, қамалганлар бойлар ва олтинчилардан иборат эди. Бизга борган ва ёки бизим орамызга тарқалган хабарларни тубсиз эканлигига қаноат ҳосил этдим;

2) Ерли зиёлиларни турли баҳона ила ишга кўймасликка келганда, бутун зиёлилар, албатта, савдогарлардан бошқаси, ҳаттоки, меним ила эски аксинчилюбий ташкилотда ишлаганлар ҳам ишда бўлиб, мен келган замонларда буларга ҳеч бир зарба берилган йўқ эди;

3) Ер ислоҳоти номи ила ортиқча ерларга русларни ўрнаштириш. Бу масала устида ҳаммамиз ҳам роҳатсизланган эдик. Қишлоқ турмушида қилган кичик бир текширишимда кўриликки, бу тўғридаги роҳатсизланмоғимиз тамомил асоссиз, чунки ерлар катта ер эгалари қўлидан шуларни ишлаб, обод қилуб келган ўзбек батраклари қўлига ўтган; бу сурат-ла ер ва асбоблар эгасининг қўлидагидан кўра кўпрак фойдаланган экан. Очилган бу ҳол бир зироатчи бўлганим учун мени жуда хурсанд қилди. Ер ва асбоб фақатгина қўлдан-қўлга ўтган;

4) Саноат масаласи: бу тўғрида шўро ҳукумати томонидан аҳамият беришга бошлангани кўринадир. Самарқанддаги пилта фабрикасида кучлик, ерлик ишчилардан бўлган янги корхоналарнинг ҳар бирида янги ишчи мойси етишмакда эканки, ҳар ерда ерлидан уста ишчилар етиштирмак учун ҳозирда тузилгани ва ташкилотнинг энг муҳим ишхоналаридан бўлган трамвай ишчилари орасида ерли ишчиларни кўпайиб боруви, ҳатто ўзбек хотин-қизларини кўриниб қолуви мени жуда хурсанд қилди. Қийинлик ила бўлса-да, бу йўлда ўзбекларни илпариламакда эканлигини кўрдим. Фарғона тўқув фабрикасини олсак, бу тўғрида миллатчилик замонамиздаги бутун зорланмоқлар беҳуда бўлиб қоладир;

5) Пахта масаласи. Пахта майдонини дон ҳисобига кешайтириш ҳукуматнинг асосий пахта сиёсатини ташкил қилса-да, бунинг ила мусовий бир суратда пахтакор ерларни лозим бўлган бугдой ила таъмин қилишлик ҳам пахта кампанияси ила баробар келиб турадир. Фақат биз Оврупода экан, бу тарафини кўрмас эдик. Қулоқ хўжаликларидан бошқа бутун ўзбек деҳқони ичида бугдой ила ҳозирдаги ҳолда таъмин қилиниб турдикча пахта экинига қарши бир хўжалик



тасодиф қилиш мумкин эмас. Чунки деҳқон оз ердан кўп меҳнат сарф қилиб, кўп ҳосил олишни яхши билалур. Деҳқон учун ўз ердан бошиқа меҳнат сарф қиладирган манба ҳеч йўқдир. Иккинчидан, ҳамма вақт буғдой ила таъмин қилиб турмоқ учун баҳоркор (талми) буғдойкорликка сўнгги йилларда бермақда бўлган аҳамияти... Турксийбни вақтидан аввал битириш... Ўзбекистонни келажакда буғдой ила таъмин этилажагини бизим Оврупода ўйлаганимиз қадар... Ана — бириси кун ўзбек деҳқони очликдан ўладирган ҳолда эмаслигига қонё бўлдим. Бизни қайғирган масалани шўро ҳукумати кўпдан ўйлаган, керакли чораларига киришган.

Пахтага берилган баҳога келсак, биринчи кун илгари бу бир масала манга ҳам таъсир қилди. Фақат ўзум қилмоққа бошлагач бу фикрдан ҳам қайта бошладим. Ҳукуматнинг қатъий баҳосига пахта-сини берган деҳқон на ҳукуматнинг қатъий баҳоси ила ўзига керакли бўлган нарсаларини ширкат ва кооперативлардан олиб турадир. Бозорда бир шуд буғдой 3—4 сўм бўлганда, деҳқон ширкатдан шул буғдойни 1 сўм 97 тийиндан олиб турадир. Мануфактура ҳам шушлай. Бунинг учун пахта баҳосини оз этарман ила деҳқонга жабр бўлган эмас, балки пушнинг ҳажмигина ихчамлашган. Деҳқон ҳам шул аҳволга рози. Мени шу жуда рози қилган нарсалардан бири деҳқонларни экин вақтида кредитлар ила таъмин қилиш усули бўлиб, бу масала ҳам оз-моз бор экан, биз тескари тарафдан кўрганмиз. Эски ҳукумат замонида камбағал деҳқонни шаҳар ва қишлоқ бойларига қул бўлмоғига сабаб бўлган катта ҳисоблардан бири шул кредит масаласи эди. Эски вақтда деҳқон олган кредитлар учун 100%дан орттириб про-сент тўлашга мажбур эди. Майда қарз банклари ташкил қилинган бўлса-ла, камбағал деҳқон қатъиян банклардан фойдалана олмас. Аммо қишлоқ бойларини эса ўз номларига тўлаб, кредит олиб чиқиб, қишлоқда эҳтиёж ичида қолгонларга 100% ортиқча просента бериб, камбағал деҳқонни сўриб келар эдилар. Ўзбекистон деҳқон хўжалигида энг катта роль эгаси бўлган кредит масаласи шўро ҳуку-мати вақтида тамомилга тўғри бир суратда ҳал қилинган. Кредит тўғри-дан-тўғри деҳқоннинг ўз ширкатлари воситаси-ла қишлоқда туриб деҳқонларни энг ўнғай шароит ила таъмин қилмоққа бошлаган. Мени қизиқтирган масалалардан бири бўлган кредит масаласи тўғрисида Оврупода эканлар ҳеч бир дуруст маълумот ололмаган эдилар;

б) Ерли фирқа ишчилари орасинда группабозликка келганда, бу группабозликлар русларнинг қутқуси ва ёки бизни ўйлаганимиз-ча, маълум бир сиёсатнинг натижаси бўлмай, балки бу тўғридан-

тўғри ерли ишчилар орасида турли воситалар ила майдонга чиқиб турганига ва ҳатто юқори идораларни бундай группабозликларни йўқотиш учун кузатиш олиб борганига шохил бўлдим. Бу группабозликлар ўзбек ишчиларнинг ўз ораларида ёки фикр ихтиёрларидан ва ёки амал талашмоқдангина майдонга чиқиб турган. Албатта, бу ҳодисадан ташқаридаги миллатчиликлар бир турли фойдаланмоққа тиринса, ичкаридаги миллатчилар ҳам фойдаланиш ҳаракатига тушуб юрганлар;

7) Муҳожират масаласи. Бу масалада ҳам мен аниқ бир нарса учрата олмадим. Аммо Русиядан кўпроқ халқни Ўрта Осиё ва Ўзбекистонга окуви кўпайган. Русияда иш кўра олмаган ва ёки иш кўришлари оғирланган эски савдогар синфи, қулоқлар Ўзбекистонга кўплаб кела бошлаганлар ёки аввалроқ келганлари бирор ишга бирлашгач, дарҳол ўз қариндошларини чақириб олиш ҳаракатига тушганлар. Аммо Ўзбекистонга Чўқай ва бошқаларнинг ва ҳаммаси (айтган) каби мурағтаб муҳожиротни кўрмадим;

8) Юқори-ўрта мактабларга ерлиларни қўймаслик. Бу фикр Овруроға талабалар келганда шуларни олиб келган нарсалари эди. Гўё 1922 йилларда Масковга борган талабаларни мактабларга ерлаштира олмай қайтиб келганлари Масков ўрта мактабларидан берилган ерларга Туркистондан ерли халқларни эмас, балки русларни юбормоқда эканликлари ва бу суратлар ўзбек ва қозоқ ўқувчилари орасида қаттиқ норозилик чиқа бошлагани сўйлашмакка бошланди. Германиядан мактаб битирмай қайтган бухоролик баъзи болаларни мактабга кирмай, Бухорода ишсиз юрив хабарлари эски вақлдаги ҳолларни ҳозирда ҳам давом қилгани бўлди бизга кўринди. Аммо мени кўрганларим тамомла бунинг тескараси бўлиб чиқди. Чунки мактаб ишига бир даражада ерли халқ учун очилган қувватли дорифунунлардан саналган САГУ эшиги ерли халқ учун очиқ. Ерли халқни қабул шароити мумкин қадар қулайлаштирилган, ҳатто истаганларни имтиҳонсиз ҳам қабул қила бошлаганлар. Фақат бутун дард ўқувчи йўқликда. Ерли халқдан ўқувчи йўқ, бўлса-да, оз. Юқори ёки ўрта хунаар мактабларига ҳавас йўқ. Бутун касал ёшларимизда. Бир суратла дорифунунга кирганлардан битириб чиқувчилар жуда оз. Мактабни тамомлашга сабот кўрсата олмайлар. Мана шунинг каби Овруропада миямизга қаттиқ ўрнашиб қолган фикрлар шўро ҳукуматининг миллий сиёсатини нотўғри танқидлар(ни) ўз кўзим ила кўриб, билзот текширишга бошлагач бир-бири орқасидан емира бошлади. Мен ҳам эски фикрлардан тамомла кечиб, ишга берилиб кетдим. Менда

энг катта инқилоб ясаган ҳодисалардан бири 5 йиллик план масаласидир. Бу 5 йиллик планни Ўзбекистон иқтисоди ва Ўзбекистон зироатида ясайдирган буюк инқилоби мени бутун куч-қувват-ла шул бешйиллик планни амалга оширмоққа ҳар турли усул ила бўлса-да, кўмак этишга шавқ этди ва бу йўлда ишламакка бошлади.

\* \* \*

Ўзбекистонга қайтганимда Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев Ер ишлари комиссарлигида ёки Округ ер-сув идораларида ишлагани тақдим қилсалар-да, мен мутлақо қишлоқда, истиҳолатда ишламакни илгари сурдим. Мендак бир ўзбек агрономи идорада эмас, балки қишлоқда кўп самарали хизматлар қила биледи. Ер комиссари ўртоқ Ҳожибоев (томонидан) мени Тошкент округи ва Тошкент районидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиқ тажриба стансасига тайин бўлувим Наркомземдаги бир қанча мутахассисларни, хусусан, тажриба стансалари мудирини Голатковскийни кўп хафа қилмиш. Голатковский Ҳожибоевга расмий рапорт бериб, протест ҳам этмиш. Бу одам эски мутахассислардан бўлиб, тажриба стансаларига фақат ўзининг тарафдорларининггина ерлаштириб келган. Мен тажриба стансасига келгандан сўнгра бу ерда ҳам директор, профессор Шрейдердан бошқаси жуда порозитик-ла қарши олди. Ҳатто завхоз Бегановнинг сўзига қараганда мутахассислар емакда ўлтурганда Шрейдер келиб, «стансага икки ўзбек агроном тайин бўлмиш, булардан бири директор муовини, иккинчиси экинчилик (поливоводство) мудирини. Шуларни ҳар бирини ўз ишларингиз ила таништирингиз!» деб чиқиб кетгандан сўнгра Голатковский группасининг бошлиқларидан Харьков: «Демак, туяга ариқдан (ҳаттаппи ўргатар эканмиз-да», деган сўзлар ила бизни қабул этмадилар. Голатковскийлар ила Ҳожибоев орасидаги шул тортишув Ҳожибоев Наркомземдан кетгунча давом этди. Мен ҳам бир ярим йил илгатдан ташқарида ётдим. Бу оралда икки маротаба ишдан чиқарилидим, фақат Бурнашев Наркомземга келгач, Харьков деган агроном округ союзининг қарори ила союздан чиқарилиб, ишдан бўшатилишнинг (ҳақида) қарор берилгандан сўнгра бўш қолган Харьков ерига ерлангиргандан сўнгра стансага кирдим. Ва бутун ишларни бузулган Голатковский ҳам Наркомземдан чиқиб келди. Харьков деҳқон хўжалигини иқтисодий ва техник томондан текшириш шўъбасининг мудирини эди. Мен ҳам шўъбанинг мудирини бўлиб қолдим (отдел «Сельхоз экономики и применение»). Тажриба стансасига келгандя, стансанинг деҳқонлари ила алоқаси сустиги ва деҳқонларнинг 25 йилдан бери давом қилиб турган станса тўғрисида ҳеч бир

фикр ҳосил этмадиклари ва стансанинг наприйети бутун оммага бе-  
гона бўлиши мени ҳайратга тушириб, мен кўпроқ стансани ва анинг  
ишларини оммалаштириш ишени олдига сурдим. Мунга восита ўлмоқ  
учун, деҳқондан одам тайёрламоқ учун стансага ўзбеклардан ишчи  
сақлаш ва буларни ўргатиб, сўнгра деҳқон орасида булардан  
фойдаланишни илғари сурдим. Фақат бу фикр жула кўп монеликлар-  
га учради. Бу фикрга қарши курашувчилар, бир тарафдан, Харьков  
тарафдорлари, иккинчи тарафдан, союз ячеёкаси эди. Харьковчилар  
рус ишчилари орасида остин ишлаб, мурод секин-секин рус ишчи-  
ларини ҳайдаб, ўзбеклардан қўймоқчи, деб тапвиқот юрутарақ  
ишчиларни қисман ўз тарафига олдилар. Союз эса Батушек исми  
бир чех миллатчисининг қўлила ўлиб, бу одам стансада дуралгорлик  
қилар, деҳқончилиги ҳам (ери бир ҳектар) ва стансадаги батрак (ер-  
тўқай ишчилари) союзи ячеёкасининг бошлиғи эди. (Ер эгаси бу  
союзга аъзо бўла олмас ва бу ўртоқ союзнинг раиси эди.) Умуман,  
станса илғий, истар мутахассис ва ёки олдий ишчиларнинг ҳаммаси  
ҳам бутун уруғ-аймоқлашиб кетган. Масалан, мутахассисларнинг кўпи  
оилалик бўлиб, буларнинг хотини ҳам шу ерда ишлайдир. Фарқ  
шундаки, масалан, поливодство мудирининг хотини садоводствода  
бош ассистент. Харьковнинг хотини агрокимёла ассистент. Бу суратда  
ашиштириб ишлайдилар. Шунинг учун табиатан бир-бирларини ҳимоя  
қилмоққа, бир-бирларининг айбларини яширмоққа мажбурлар.  
Ишчиларнинг ҳам кўплари русиялик деҳқонлар бўлиб, Русиядаги  
ерларини ташлаб келиб, ерланган ва бир-бирларини мактуб-ла чақириб  
олиб, ерлангирининг сурати-ла булар ҳам уруғ-аймоқлашиб қолганлар.  
Шунинг учун стансадан бир одамни бўшатилуви ҳаммани ларзага  
келтирадир. Штатда ва доимий ишчилар орасида эса бир отбоқар ва  
бир неча қоровул икки қозоқдан бошқа ҳеч ким йўқ. Ўзбеклардан ишчи  
олиш — бу фикр ўтмагандан сўнгра тўғридан- тўғри шул группанинг  
бошлиғи бўлган Харьковнинг ўзи ва Батушек ила кураша бошладик.  
(Стансанинг аҳволи тўғрисида фирқага ва Ер комиссарлигига кўп  
ёздим, натижа чиқмади.) Оз вақт ўтмасдан союз бошлиғи ила  
Харковнинг алоқаси топилди. Харьков директор муовини вазифасини  
қўриб турганда профессор Шрейдернинг бўлиғидан фойдаланиб, анда  
бир стансанинг 12 ҳектарлик бир олмазорини Навалний деган ижарачи  
бир чехга 750 сўмга ижарага берган. Кооператив, биз оламитиз, деб масала  
кўтарганда, Харьков: «Бу тажриба стансаси. Кооператив дарахтларга  
диққат қилмайдир. Навалний эса дарахтларни бузмасликка ваъда  
берган», деб рад жавоби берган. Навалний мен меваларни олган

хусусий Кафказия ширкатининг берган маълумотига қараганда, шул боғдан 10.000 сўмга яқин мол сотган ва қишқи бозор учун уйда мол қолдирган. Шунга ўхшаган ишлар очилгандан сўнгра союз бошчилиги умуммажлиснинг қарори ила ўриндан олиниб, ерига овул фирқа ячейкасининг кўрсатуви ила Славин деган бир фирқалиқ ўртоқ келтирилди. Ишчилар ҳам ишни тегига тушуна бошладилар. Ер комиссарлигидан келган Павлов деган текширувчи ҳам шуларни ва бундан бошқа нарсаларни топиб, ишни терговчига тошширди. Союз тозалангандан сўнгра союз ила Харьковнинг ораси бузилди. Союз бутун мутахассислардан союзга келиб маъруза қилмоқларини сўраганда Харьков очиқ рад қилди. Сўнгра союз ила Харьков орасида чиққан ихтилоф Харьковни союздан чиқарилуви ва ишдан олинуви ила тамом бўлди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик тажриба стансасидан ишдан олинган Харьков яна Голатковскийнинг воситачилиги ила профессор Курбатовнинг бағрига кириб, ерни кучайтириш тажриба стансасига 150 сўм ўрнига 250 сўм маош ила юқори кўтарилиб кетди. Бундан сўнгра Голатковскийга ҳам Наркомземда иш қолмади. Ул ҳам ул ердан кетди. Харьковдан сўнг яна аввалги фикрга қайтиб, союз ила бирликда сезон учун боғчачилик — поливодствога бир қанча ўзбек олдирик. Вақт бу сафарги мутахассислар кўрсатилган қаршилиқ ташкилий эмас, балки пассив бир шаклга кирди. Ҳар ким кўлига тошширилган ишчини ўз ерида ишлатмай, иш ўргатмай тамом бошқа ишларда суратла ерликлардан ишчи етиштирини мумкин бўлмади. Шулу уч йиллик мужодалала фақат биргина тракторчи етиштира билдим. У ҳам штапта кира олган эмас, бошқа идораларда ҳам мана шундай кураш давом этиб боралир. Мааггаассуфки, Ўзбекистонда бу кўрқинчли оқимга қарши ҳеч бир ерда қатъий курашилгани ва чора кўрилганини кўра билмадим. Ўзбекистонда ишловчи овруполикларнинг бир қисми эскидан шулу ерда ҳокимият суриб келган мутахассислар, чиновниклардирким, эски зеҳният ила шундай ҳар ерда курашиб боралар. Иккинчи қисм эса Русияда яшашлари қийин бўлиб қолган ва инқилобдан сўнгра келганлардирки, булар ҳам ўз яқин танишларини чақириб олиб, бир-бирларига яқин ерларга ерташашлари учун ҳозирги ҳолларини узоқ вақт сақтамоқ фикрида эскилар изидан боралар. Кўринишда жуда оддий кўринган бу аҳвол ўзбек янги пролетар ёшчилигига ёмон таъсир қилмоқда. Ўйлайманки, ГПУ тарафидан миллий шовинизмга қарши курашилган, жилдият ила шулу курашга мавзуну рус миллатига ҳам яқинда бўлиб ўтган фирқа конфрансасидан сўнгра

кураш очилажакдир. Энг оғир мушкилотларни енгиб келмакда бўлган комфирқа Ўзбекистон ҳаётида жуда катта роль ўйнайдирган бу мушкилотни ҳам яқинда ҳал этажакдир.

Мен тажриба станса ютуқларини тарқатиш ва иқтисодий бўлим мудирини бўлиб тайин бўлганимдан сўнгра энг биринчи ишим деҳқонларни тажриба стансаси ила танишгирмоқ учун деҳқонлардан тажриба стансасига экскурсиялар тузиш, тажриба стансаси ила қишлоқ хўжалигини қайтадан курувчи деҳқонлар кружоги тузиш, деҳқон конференциялари ясаш, қишлоқларда, қизил чойхоналарда янги деҳқончилик ва қишлоқ хўжалигини қайтадан курушнинг фойдалари тўғрисида, ҳар хил экинларни тажриба қилиш ҳақида оммавий лекциялар ўқиш, деҳқоннинг ўз ерида бир қисмини айириб, стансанинг ёрдами ва деҳқоннинг ўз кучи ила янги усулда экинлар экиб, пахтага, бедага маъданий гўнлар солиб, кўргазма участкалари тузиш, бу стансанинг қарамоғида кўргазма колхозлари тузиш каби ишларга деҳқонларнинг ўзларидан, тажриба стансасидан материаллар йиғиб, қишлоқ хўжалик кўргазмаси тузиш ишларига киришдим. Қишлоқнинг бутун ҳаётидаги масалаларга экин кампанияси, пахта майлонини кенгайтириш, агрономияни амалга ошириш (ила) боғлиқ масалаларга, пахта йиғин ишларига жиддий сурат-ла иштирок этдим. Юқоридаги ишлардан мақсад икки турли бўлиб, бири — тўғридан-тўғри деҳқонга ёрдам қилиш, иккинчидан, агрокумак усулларини текшириб, ўзбек деҳқонини савияси, психологиясига мувофиқ агрокумак методлари ишлаб чиқариш эди. Ўзбекистон қишлоқларинда агрономлар сонини кундан-кунга кўпаймоқда эса-да, бу кунга қалар кутган натижани бермай келадир. Чунки агрономларимизда муайян агрокумак методи йўқ. Бундай бир иш деҳқон оиласининг психологияси ила таниш, деҳқон турмуш шароитини яхши билган ўзбек агрономининг вазифаси эди. САГУ профессорларидан Ярошевич ҳам мендан кўпроқ шундай нарсалар кутилганини бир неча марта сўйтади. Бу йўлда кўпгина нарсалар ишладим. Масалан, кружок тўғрисидаги кўп натижа берган бир усул ҳақида ёзиб ўтаман: менинг фикрим деҳқонга баъзи янги усулни кўрсатишгина эмас, балки деҳқонни шундай усулларга ўргатиш, деҳқоннинг муҳокамасини орттириш, хулоса, деҳқонни том маъноси-ла тарбия қилиб боришдур. Кружогимизнинг аъзоси оз вақтда 60 хўжаликка етиб қолди. Албатта, кружокнинг бутун аъзоси ўрта ҳолли ва камбағал деҳқонлардан иборат эди. Бу кружок ҳар ҳафтада бир марта тажриба станса қўлубига тўпланиб, мажлис куради. Ҳар мажлисда деҳқончилик

ишларига оид кўп бўлса икки, бўлмаса бирор масалани ўртак қилур қарор берилганидан сўнгра тарқар ёки бир деҳқоннинг пахта ва ёки ўзини кўргани кетар эдик. Агрономнинг фикрларини тўпламасдан навбатдаги масалада пахтани суғориш масаласи турса, мен тажриба стансасининг ва агрономнинг фикрини музокарага тортгандан бурун деҳқон тажрибасини ўрганмакка ҳаракат қилар ва деҳқонларни шул масала устида музокарага тортганда, бирорта тажрибали деҳқондан пахтасига қанча сув берганини, қай вақтда берганини, қанча ҳосил олганини сўрар ва анинг жавобини деҳқонлар эпитарлар. Улар ҳам бунинг фикрига қарши ва ёки тарафдор бўлиб, ўз тажрибаларини сўйламакка бошлар. Бу сура-ла беш минутда деҳқон қизиқ музокарага берилиб кетган бўлар, мажлисда мудраб ўтирган киши қолмас эди. Мен ҳар бирининг тажрибасини ёзув борар ва қизиқ борган музокарадан сўнгра ўзлари мени қози қилмакка, мени кимнинг фикрига кўшиганини сўрамоққа бошлардилар. Мен ҳам мажлисни шуздай борганини истар эдим. Энг сўнгра мен бу тўғридаги тажриба истансаларининг олгон натижаларини бир-бир сўйлаб чиқиб, тажриба стансасининг натижаси ила деҳқонлар оммасининг тажрибасини бир қилиб чиқарардим-да, шул усулда суғориш тўғрилигини тавсия қилар эдим. Албатта, тажриба стансасининг тажрибаси ила деҳқон тажрибасини бир-бирига тўғри бўлиб чиққани деҳқонларни жула хурсанд қилар ва шул усулда суғоришга қарор қилиниб тарқалар ва ёки юқорида элдигим каби тажрибаси — тажриба стансалари ила бир бўлиб чиққан деҳқоннинг экинини кўрмакка кетар эдик. Бу усул деҳқонга жула хуш келар эди. Кружокни шуздай тортишувлардан сўнгра берган қарори бугун аъзо учун мажбурий саналар, ҳар ким шул қарорга амал қилмоғи керак эди. Мажлис кунларда кўчала, чойхонада, ишлаб турганда, қайси бир кружок аъзоси ила учрашиб қолсам, ҳамон ўтган мажлисни қарорини имтиҳон эгар, бу суратда ҳам вақт ақтида сақлашга буюрардим. У ерда эдим, кўб ўтмасдан, аъзолар ҳам бир-бирларини имтиҳон қилмоққа бошладилар. Ҳар мажлисда мулақо эски мажлисларнинг қарорини бир мартаба йўқлама қилиб чиқар эдик. Кружокнинг бутун қарорини амалга оширганлар орасида ижтимоий мусобақа эълон қилиб, мукофотлар берилар, биринчилликни олган хўжалиқ эгаси пахтасининг ўртасига қизил байроқ тикар эди. Мукофот учун кўп вақт илгу (совға) ёки округнинг еринда (тажриба ўтказмоққа руҳсат) қилдим. Мана шуздай деҳқон орасидаги бугун ишларда бу кунга қалар Ўзбекистонда бўлмаган усул қўлламоқни бошладим. Бу сурат-ла жула оз вақтда деҳқоннинг муҳаббатига эга

бўлиш агроном ила деҳқон аралашиб кетмаги учун мумкин бўлди. Виставкада деҳқонларга мукофот учун Наркомзем фақат 140 сўм берди. Мен эса кооперативларни, деҳқонларни ишга жалб қилиб, мукофотнинг суммасини 380 сўмга етказдим. Бу пулга бир неча комплект асбоблар олиб, бир қанча деҳқонни бригадир қилиб, мана шундай биринчиликни олган ҳар бир гушпага бир комплектдан бериб келдим. Бундан мақсадим берилган нарса ила деҳқон бир сурат-ла табиий суратда колхоз системасига яқинлашиб, фақат мен колхоз ташкилига киришмасдан бурун аъзолар орасида колхоз мафкурасини тарқатмоққа кўп тиришдим. Буларнинг ўйларина етиб қолишлари сурати-ла колхознинг фойдалари, келажаги тўғрисида ҳар турли ҳикоятларни тузиб, колхознинг норюк истиқболига ишонтира билдим. Буларда колхоз мардлиги яратиш мумкин бўлди. Сўнгра мошиналар ила ишонтириш каби ишлар ила машғул бўлдим. Экин ишлари тузиб қилди, қор устида экин конвейерлари қилдирдим.

Хулоса, экин вақтига қадар ҳар ким нима қилишига белгиланди. Бир комсомолни ҳисобчиликка ўргатилди. (Бу бола икки ойлик курсни битирган эди.) Фақат мақсад ҳар ишда қилшюқда биринчиликни олиш эди. Хўжалиқ 100% мошиналаштирилган эди. Қозоғистондан ер ижарага олинди. Мен энг кўп хўжалиқ тузиш, меҳнатни ҳисобга олиш, маъдан гўнларини тажриба қилиш, аъзолар орасидаги тарғибларга диққат қилдим. Экиннинг ўзига тушиш баҳоларини (ташарх) текширмакка тиришдим. Натижа эътибори ила бу «Қизил намуна» колхози шахсий турмушларида, дала ишларида, ўзаро иттифоқларда қилшюқда биринчиликни олдилар. Ҳар кунлик ишлаган кунлари учун бир ярим сўмдан харж олиб, яна 4000 сўм фойда қолди. Бу 4000 (сўм) хўжалиқни ускуналарга сарф этилди. Бу замонлар учинчи саноатлаш заъми чиққан ва бизим колхозга 250 сўмлик заём таклиф қилинди. Фақат колхоз якка хўжалиқларга ва бошқа колхозларга намуна бўлмоқ учун 2000 сўмга ёзилди. Аъзолардаги колхоз идеяси орқасида ёзда 12—13 соатлаб ишладилар. Мавсум вақтларида ҳафтада бир дафта истироҳат ҳам йўқ эди.

1927 йилининг кузида атрофдаги деҳқонлардан «Қизил намуна»<sup>46</sup>га кўшилишга ҳавас қилувчилар кўнаиб, «Қизил намуна» аъзоларининг сони 65 хўжаликка етди. «Қизил намуна» аъзолари сезон вақтида кўшигина камқувват деҳқонларга кўмак этдилар. Ўз отлари ила кўп ерларни ҳайдаб бердилар. Мошина ишларини деҳқонларга устувор қилдилар. Деҳқон орасида колхознинг обрўини кўтармоқ учун нима лозим бўлса ишладилар, яъни колхозлашинида аъзоси 148 етиб қилшюқ



шул колхоз атрофига тўпланди. Тездан суг фермалари ишга бошланди. Янги колхозлаштириш фикри қайтиб олинганда, атрофдаги колхозлар бузилди, аммо колхозга яна (нечта) аъзо қўшилди. Бу колхоз меним асосий текшириш тажрибам эди. «Қизил намуна» пахта ишларида ҳам биринчиликни олмоқни унутмади.

1929 йилда сезон ва бизим овулда пахта 65% атрофида эди (оқ ерда — С.А.). «Қизил намуна» 30 ҳектарнинг 22 ҳектарига пахта экиб, пахта майдонини 73% га етказди. 1930 йилда норма 73% экан, бу колхоз 80% ига колхоз аъзолари қўлидаги ўлик моллардан ҳам фойдаланишни ўртага сурди. Мени жуда ҳайрон қилган нарсалардан бири колхозни ҳукумат пули ҳисобига эмас, балки ўз сармоясига асосланганлиги, шунинг учун 10 кишилик «Қизил намуна»да қишлоқ хўжалик асбобидан болса ҳеч кредит олмай, аъзоларнинг қўлида бўлган нарсаларини истихролатга олиб келиб солдик. Заёмларини олдик. Аъзолардан баъзилари колхоз пулдан сиқилганда уйдаги сигирларини сотиб, пулини олиб келиб, кассага солдилар. Албатта, буларнинг ҳаммаси ихтиёрий эди. Бундан мақсадим аъзоларни колхозга қаттиқ боғлаш. Шул колхозда сармоясини, меҳнати бўлгандан сўнгра ҳар аъзо колхозни севмакка мажбур эди ва бу сурат-ла колхозни севдира билдим.

1930 йилги сезонни ҳам шундай ўтқарув (тозим) эди, колхозда 1930 йилда 10 ҳектар учун пахта кўчати тайёрланди. Суг фермаси жуда яхши ишлаб, кунда 120 сўм қалар фойда бермакка бошланди. Бунда колхоз парклари, ҳаммомлар, чойхоналар танкил этмакка бошланди. 1930 йилги машини ҳаракатим ила, (у) ҳам шул «Қизил намуна» усулига кетмаги керак эди. Бунинг аъзоси 100 га яқин бўлиб, 1930 йилнинг кузида, менинг иланимча, «Қизил намуна»га қўшилди. Бу сурат-ла тракт бўйинча 6 километр йўл усти бир колхоз бўлиб бирлашди, йилдан-йилга бу колхоз 11 қишлоққа эга бўлган Аччи овулини олоб Ўзбекистонда намунавий кўрғазма-тажриба колхозини бўлини керак эди. Бу колхоз ва агрокумак тўғрисидаги тўпланган материал ишланмай, напир этилмай қолди. Бу сурат-ла менинг ихтисосим бўлиб, такомил этмакка бошланди. Мен Германияда қишлоқ хўжалик машиналари, поливодство, селекция, ҳайвонотчилик йирик хўжалик қурилишида ишлаб ўзимга бир аниқ йўл, яъни ихтисос белгиланган эдим. Бундай ихтисосни Ўзбекистонга келгандан сўнгра интиҳоб этмакчи эдим. Мана интиҳоб этган нарсам шул ерлик хўжалиқ қурилиши бўлди. Мен мудир бўлиб турган шўбанинг бугун нитати 2 кишидан иборат бўлиб, бугун ишлар меним ассистентим Сперанская деган бир хотин устига тушди. Бу ўртоқ ҳам фақат маъданлий гўнг тажрибасинигина олиб борди.

«Қизил намуна»нинг аъзолари ўзбек, қozoқ, бир қадар руслардан иборат. «Қизил ҳаёт»нинг ҳам аъзолари ўзбек, қozoқ ва бир қадар руслардан иборат. Мен шундай ватандош уч миллатдан иборат бўлган колхозда бир-бирларидан фарқли бўлган маданий одати, турмушларини умумий ишга таъсирини текшириш ҳам программалда бор эди. Аммо колхоздаги бошлиқ вазифаси бир миллатни қўлига бериб қўйишмай, мумкин қадар ишга зарба бермайдурган суратда тақсим қилинган. Қozoқ, ўзбек, рус деб бир-бирини миллий нуқтаи назардан таҳқир қилувчиларга қаттиқ жазо беришга қарор берилиб, колхоздан чиқариб юбориш ҳам эълон қилинди. Мен турган муддатга ҳеч турли ва ҳеч бир нуқтала миллий бир ихтилоф чиқмади.

*Москва, 30/VII — 30 й.*

## **Изоҳлар**

<sup>1</sup> *Мусулмон жамияти хайрияси* — тошкентлик муаллим ва тараққийпарвар бойлар томонидан 1909 йилда тузилган «Имлодия» — ёрдам жамияти назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> *Фронгга ишчи олиш масаласи* — 1916 йили император Николай Иккинчининг империянинг чекка ўлкаларида яшовчи аҳолидан фронт ва фронт орғида ишланг учун мардикорликка олиш ҳақидаги фармони назарда тутилмоқда.

<sup>3</sup> *Миллатчилар* — Туркистон озодлиги учун курашган ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, тожик ватанпарварлари назарда тутилмоқда. «Миллатчи» ва «миллийатчи» иборалари «айирмачи» мазмунида эмас, балки кенг маънода, яъни халқ манфаати учун ишловчилар маъносида ишлатилган.

<sup>4</sup> *Пири Мурсалзода* — «Шўрои ислом» жамияти томонидан Тошкентга таклиф этилган Озарбайжон «Мусовот» («Озошлик») партияси вакили. Уни А.Авлоний Боқудан Тошкентга олиб келган.

<sup>5</sup> *Закий Валидий* (1890—1970) — Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Тарихчи олим, жамоат арбоби. Шўролар ҳукумати томонидан тарқатиб юборилган Бошқирдистон Мухтор республикаси раҳбари. Туркистонда сиёсий фаолият олиб борган: «Шўрои ислом» ташкилотига муваққат раис, «Кенгаш» газетасига Мунавварқори билан олдинма-кейин муҳаррирлик қилган. 1921 йил охирида Туркияга кетиб қолган.

<sup>6</sup> «*Турк адам марказият. Мусовот*». (Турк федералистлари. Озошлик.) — 1918 йилда Тошкентда ташкил этилган сиёсий партия. «Миллий иттиҳод».

«Турон», «Турк адам марказият. Мусовот», «Иттиҳод ва Тараққий» ташкилотлари заминда тузилган сиёсий-маҳфий ташкилот.

<sup>7</sup> *Турк асирлари*. 1914—1916 йиллардаги Биринчи жаҳон урушида асирга олинган, Сибирга сургун қилинган турк зобит ва аскарлари. 1918 йил январи ойидан эътиборан қамоқхоналардан Туркистонга қочиб келиб, маҳаллий зиёлилар ёрдамида турли ташкилотларга ишга жойлаштирилиб, уй-жой билан таъминланганлар. Уларнинг бир қисми қаршилик кўрсатиш ҳаракатида ишга шайроқ этган бўлса, қолгани 1920—1921 йилларда ватанига қайтиб кетган.

<sup>8</sup> *Зиёбек* — Анвар шошо ёрдамчиларидан бири.

<sup>9</sup> *Тошхўжа Ашурхўжаев* (1895—1919) — наманганлик Ашурхўжа эпоси ўғли. Эски усулдаги мактабни ва рус-тузем мактабни тамомлаган. Осипов воқеасигача Туркистон шўро республикаси Миллий ишлар халқ комиссари, миллий кадрларни хорижга юбориш масаласида жонбозлик кўрсатган шахслардан бири. У Наманганда биринчи ўзбек ҳаваскорлар театрининг ташкилотчиси. 1919 йилда Андижонда яшаб турган пайтида номаълум шахслар томонидан ўлдирилган.

<sup>10</sup> *Боку турк аскарлари томонидан* — Боку шаҳрининг 1919 йилда қисқа муддат Туркия қўшини қўл остига ўтгани назарда тутилмоқда.

<sup>11</sup> *Садносир Миржамшилов* (1884—1931) — ўзбек маърифатпарвар бойларидан бири, «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси.

<sup>12</sup> *Садриддинхон Шарифхўжаев* (1878—1943) — «Миллий иттиҳод» ташкилотининг раҳбарларидан бири. Совет жосуси томонидан Афғонистонда заҳарлаб ўлдирилган.

<sup>13</sup> *Ҳайдар Шавқий* — турк зобити, қисқа муддат Тошкент «Муаллимлар жамияти» раиси, «Темур тўдаси» деб аталган театр ҳаваскорлари тўдасида ҳайъат аъзоси. 1921 йилда Туркистондан чиқариб юборилган.

<sup>14</sup> *«Муаллимлар жамияти»* — 1917 йилда Тошкентдаги Эски шаҳар ўқитувчилари томонидан тузилган жамият. Унга галма-гал Мунавварқори Абдурашидхонов, Саид Аҳрорий, Акмал Икромов, Ҳайдар Шавқий ҳам Абдуваҳоб Муродий раҳбар бўлишган.

<sup>15</sup> *Миён Бузрук Солиҳов* (1891—1938) — филолог олим, «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси.

<sup>16</sup> *Бадрибей* — Жамол пошонинг ёрдамчиси.

<sup>17</sup> *Тошкентдан Бухорога оқа бошлаганлар* — Бухоро инқилобидан сўнг туркистонлик жадидлар Бухоро республикаси ҳукумати томонидан расмий равишда ишга тақлиф қилинган. Муродий бу фактни IIIУ ходимлари талабига кўра, бошқача йўсинда ёзмақда. Аслида туркистонлик кадрлар Ф.Хўжаев ва Фитрат тақлифи билан Бухорога бориб, турли вазифаларда ишлашган.

<sup>18</sup> *Анвар шошо* (1881—1922) — Туркия ҳарбий ноҳири. «Иттиҳод ва тараққий» партияси аъзоси, 1918 йилда Германияга ҳижрат қилган.

Шўролар ҳукумати таклифи билан 1920 йилда Москвага келган, шу йили 1 сентябрда Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари курултойида иштирок этган. 1921 йил июнь ойида Бухорога келган. 1922 йилда Балжувонда шўролар ҳукумати томонидан ўлдирилган

<sup>19</sup> «Шарқий Туркистон давлати»ни тузиш масаласида Муродий ГПУ ходимлари томонидан чалғитилган кўринади. Аслида «Шарқий Туркистон давлати»ни тузиш ғояси В.И. Ленин раҳбарлигидаги шўро ҳукуматининг ташаббусидир. Шўро ҳукумати Камол Отатурк ҳукумати-га муҳолиф бўлган Туркиянинг собиқ ҳарбий раҳбарлари: Жамол пошо, Анвар пошодан ўз манфаати йўлида фойдаланиш ниятида уларни СССРга таклиф этган. Шўро давлатининг режасига кўра, Жамол пошо ва Анвар пошолар Туркистондаги қаршилик кўрсатиш кўпинларини бирлаштириб, Англия ҳукуматига сиёсий босим уюштиришлари, агар мазкур режа амалга ошмай қолса, Ҳиндистон инқилобчиларига ёрдам кўрсатиш баҳонасида ҳужум уюштиришлари лозим эди. Шарқий Туркистонда давлат тузиш масаласи махфий тутилган бўлиб, Жамол пошо буни ўзбек зиёлиларидан сир сақлаган.

<sup>20</sup> *Ҳожи Сомебек* — Анвар пошонинг маслаҳатчиси.

<sup>21</sup> *Жамол пошо Аҳмадбей* (1872—1922) — Туркия Ҳарбий денгиз кучлари ноистри, Истанбул шаҳрининг ҳарбий губернатори, Суриядаги турк кўшинлари кўмондони. 1918 йилда Германияга ҳижрат қилган. 1920 йилда Туркистонга Ленин томонидан келган. 1922 йилда Тифлисда арман террористлари томонидан ўлдирилган. (Муродий янгилишиб Азимбек ёзан.)

<sup>22</sup> *Шераҳмадбоев Ҳўжа Аҳмад* — ўзбек маърифатпарвар бойларидан. Тараққийпарвар зиёлилар томонидан уюштирилган талбирларнинг кўши унинг уйида ўтказилган. Унинг ўғли Нажмиддин (1900—1931) «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси бўлган. У Пасридон (1908—1938) ва Фузил (1908—1938) деган ўғиллари ҳамда қизи Саидани (1905—1992) Германияга ўқишга юборган.

<sup>23</sup> *Саидов Обидхўжа* — «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси, Саъдулла Қосимов ва шериклари устидан ўтказилган суд жараёнида (1929) иттиҳодчиларни фош қилишга киришган, шу боис катта жанжалларга сабабчи бўлган. ГПУ ходимлари унинг ўлимини яхши текширмай, ўз манфаатлари юзасидан келиб чиққан ҳолда заҳарлаб ўлдирилган ҳисоблаб, кўнлаб иттиҳодчиларни қамоққа олганлар. Саидовнинг заҳарлаб ўлдирилиши кейинчалик ўтказилган экспертизада тасдиқланмаган. Муродий вазиятдан қутулиш учун унинг ўлими ҳақида ўша даврда ҳаммага маълум бўлган таъвилни келтирмоқда.

<sup>24</sup> *Шакиб Арслон* — Троблис (Сурия) друз инқилобчилари бошлиғи.

<sup>25</sup> *Ҳамид Фарғонибек* — Троблис инқилобчилари раҳнамоси.

<sup>26</sup> *Талъат ношо Меҳмед* (1874—1921) — Туркия «Иттиҳод ва тараққий» партияси Марказий Кўмитасининг раиси, Ички ишлар позири. 1918 йилдаги Мудрос шартномасига мувофиқ Германияга кетган. 1921 йилда Берлинда арман террористлари томонидан ўлдирилган.

<sup>27</sup> *Жамол Азимбек, Баҳоиддин Шокирбек* — «Иттиҳод ва тараққий» партиясининг лидерлари.

<sup>28</sup> *Идрисий Олимжон* (1880—1957) — Бухоро мадрасаларида, кейинчалик Истанбулда линий академияда ўқиган ва Брюссель университети тугатган татар зиёлиси. Ўзбекистон давлат ва маданият арбоблари билан яқин алоқада бўлган, Бухоро Халқ Республикасининг Германиядаги маориф комиссияси раиси. Унинг маълумотига кўра, Абдуваҳоб Муродий Берлинга 1921 йил 15 июль кuni келган.

<sup>29</sup> *Аёз Исҳоқий, Фуад Тўқтаров* — XX аср татар ёзувчилари ва жамоат арбоблари.

<sup>30</sup> *Садри Мақсудий* (1878—1957) — татар ҳуқуқшуноси, Иккинчи ва Учинчи Россия Давлат Думаси аъзоси, кейинчалик Германия ва Туркияда яшаган. Туркия Буюк мажлиси (парламент) депутаты.

<sup>31</sup> «*Русия ислом шогирдлари жамияти*» — Биринчи Жаҳон уруши даврида тузилган жамият. Асосан татар миллатига мансуб талабаларни хорижий мамлакатларга юбориб, ўқитишни мақсад қилган.

<sup>32</sup> «*Туркистон талабалар жамияти*» 1922 йилда Берлинда тузилган, кейинчалик «СССР студентлар жамияти»га айлантирилган.

<sup>33</sup> *Мустафо Чўқаев* (1886—1941) — Тўрғай додхоҳ ўғли. Туркистон халқлари сиёсий ҳаракати лидерларидан бири, Туркистон Мухтория ҳукумати раиси, 1921 йилда Францияга ҳижрат қилган.

<sup>34</sup> *Юзеф Пилсудский* (1867—1935) — маршал, Польша давлат арбоби, поляк миллий-озодлик ҳаракати вакиллари билан, 1926—1928, 1930 йилларда Польша бош министри. Мустафо Чўқаев Пилсудский ҳукумати аъзолари билан таниш бўлган. Айрим маълумотларга қараганда, поляк миллий озодлик ҳаракати вакиллари билан Туркистон ватанпарварлари ўртасида алоқа бўлган.

<sup>35</sup> *Убайдулла Хўжаев* (1885—1938) — биринчи ўзбек юристи, Туркистон Мухторият ҳукуматининг ҳарбий министри; Пул қори — М.Чўқаев Мунавварқорини шу исм билан атамоқда. Мунавварқори Абдурашидхонов (1878—1931) — машҳур маориф ва жамоат арбоби.

<sup>36</sup> *Ҳамид Зубайрий* — Туркия Маориф назирлиги ташқи алоқалар бўлими муdiri (1922).

<sup>37</sup> *Маҳмуд Тарзий* — Афғонистон Бош министри, ёзувчи ва давлат арбоби.

<sup>38</sup> *Аҳмад Навим Ашура ўғли*, иқтисод фанлари доктори — Берлинда таҳсил олган талабалардан бири. У Туркистонга қайтиб келмаган. Истанбул университетиде ишлаган.

<sup>39</sup> *Шаҳид Эсон* (1886—1938). Аслида *Шаҳид Эсон Мусаев*. Туркияда таҳсил олган ўзбек педагоги, Навоий номидаги билим юртининг мудри.

<sup>40</sup> *Эшонхўжа Хоний* (1880—1934) — машҳур педагог, «Миллий иттиҳод» аъзоси. Муродийнинг илк ўқитувчиси. 30-йилларда Уйғуристонга ҳижрат қилиб, ўша ерда вафот этган.

<sup>41</sup> *Главпрофобр* — Главное профессиональное образование. — Касбунаар таълимнинг бош идораси.

<sup>42</sup> *Қаюмхўжа Алиев* (1900—1938) — ўқитувчи, О.Саидовнинг куёви. Қайноғасининг хиёнатига қарши бўлиб, у билан жанжаллашиб қолган.

<sup>43</sup> Саъдулла Қосимов (1901—1929) — Ўзбекистон Олий Сули райси.

<sup>44</sup> «Янги Кафказия» — Шўро ҳукуматига қарши бўлган кафказлик мухалиф кучлар томонидан нашр этилган журнал. Бу газетала машҳур адвокат Убайдулла Хўжаев (1885—1938) нинг ҳам «Юсуф» тахаллуси билан мақолалар эълон қилгани маълум.

<sup>45</sup> Шу ердаги жумлани ўқиб бўлмади. — С.А.

<sup>46</sup> «Қизил намуна» — Абдуваҳоб Муродий томонидан Тошкент вилояти ҳудудида тузилган илк жамоа ҳўжалиги.

**Наим КАРИМОВ,**  
филология фанлари доктори

## САЛИМХОН ТИЛЛАХОНОВНИНГ «МИЛЛИЙ ИТТИХОД» ТАШКИЛОТИ ҲАҚИДАГИ ЁЗМА КЎРСАТМАСИ

*XIX аср охири—XX аср бошларида вужудга келган миллий уйғонши ҳаракатининг асосий мақсади Туркистон аҳолисини маърифатпарварлаштириши йўли билан мустамлакачилик зулмидан халос этиши эди. Ўз олдларига шундай катта мақсадни қўйган жадид маърифатпарварлари 1917 йил Февраль инқилоби рўй бериши билан ўз тактикаларини ўзгартириб, Туркистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаёти учун янги ҳисобланган «Шўрои ислом» жамиятини туздилар. Аммо орадан кўп ўтмай, Туркистоннинг сиёсий-ижтимоий харитасида пайдо бўлган «Уламо» жамияти «шўрои ислом»чиларга ўз дастурларини амалга ошириши имконини бермади. «Шўрои ислом»чилар учун шундай мураккаб тарихий кезлар — 1917 йилнинг май ойида Бокудан Муҳаммад Афандизода, Пири Мурсалзода ва бошқа мусовотчилар миллий истиқлолга эришиши йўлида алоқа ўрнатиши учун Фарғона водийсига келдилар. Улар Қўқонда бир неча митинглар ўтказиб, кўнларнинг бирида таниқли маърифатпарвар ва тадбиркор Обиджон Маҳмудовнинг уйида мажлис ўтказдилар.*

«Мажлисда 11 киши йиғилди, — деган эди Обиджон Маҳмудов 1930 йили бўлиб ўтган тергов вақтида: — мен, форс Пири Мурсалзода, Аббосхўжа Калонхўжаев, Муҳаммадамин Муҳаммаджонов, Носиржон Зиёев, Мирзоҳид Мироқилов, Маҳмудхўжа Холиқий, Маҳмуджон Абдухолиқов, Ашурали Зоҳирий, Маҳмуджон Аҳмаджонов, Абдурауф Абдурахмонов. Муҳаммадамин Афандизода мажлис иштирокчиларига «Иттиҳоди тараққий»нинг программасини сўзлаб берди ҳамда Қўқонда бу ташиклотни тузишни таклиф этди. Ташиклотга раис этиб мен, Миён Қудрат ҳазрат биринчи муовин, Аббосхўжа Калонхўжаев иккинчи муовин қилиб сайланди. Янги аъзоларни танлаб қабул қилиш уларнинг зиммасига юкланди. Аббосхўжа Калонхўжаев хазиначи, Маҳмудхўжа Холиқий котибликка сайланди.

Муҳаммадамин Афандизода Қўқонда «Иттифоқ ва тараққий»ни ташикл қилиб, Тошкентга келди. У Мунавварқорининг ҳовлисида жойлашди. Мунавварқорини унга биз тавсия этдик ва хат бердик».

Обиджон Маҳмудов берган маълумотга қараганда, Афандизода Туркистон шаҳарлари бўйлаб қилган сафари вақтида Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов, Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий, Хивада Бекжон Раҳмонов раислигида «Иттиҳод ва тараққий» ташиклоти ва унинг вилоят бўлимларини ташикл этишига муваффақ бўлган. Унинг айтишига кўра, 1919 йилда Тошкентнинг Қашқар маҳалласига яқин боғларнинг бирида «Иттиҳод ва тараққий»нинг Туркистон бўйича қурултойи бўлган. Қурултой ишида барча вакиллар қатнашиб, «Миллий иттиҳод» ташиклоти ва унинг Марказий Қўмитасини тузишга қарор қилишган. Марказий Қўмитага Мунавварқори Абдурашидхонов раис, Саъдулла Турсунхўжаев, Миён Бўзрук Солиҳов, Эшонхўжа Хонхўжаев, Ҳайдар Шавқий, Толибжон Мусабоевлар эса ҳайъат аъзолари этиб сайланганлар.

Маълумки, 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг миллий истиқлол орзуси билан яшаган маҳаллий зиёлилар ўша йилнинг июль ойида Тошкентда «Турк адам марказият» фирқасини ташикл этганлар. Туркистонда федератив давлат тизимини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бу фирқадан ташқари, ўша кезларда «Иттиҳод ва тараққий» («Иттиҳоди тараққий») ташиклоти ҳам тузилиб, бу ташиклот 1920 йилга қадар фаолиятда бўлган. Туркистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида большевикларнинг кундан-кунга кучайиб бораётган мавқеи маҳаллий зиёлиларни 1920 йилда «Турк адам марказият» фирқаси ҳамда «Иттиҳод ва тараққий» ташиклоти заминида «Миллий

*иттиҳод» ташиклотини тузишга мажбур этган. 1920–1924 йилларда фаолият олиб борган мазкур ташиклотнинг вужудга келишида Мунавварқори Абдурашидхонов ва Садриддинхон Шарифхўжаев ташаббускор бўлганлар. Мунавварқори Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Маориф нозирлиги хузурдаги вақф бўлимига мудир этиб тайинлангач, «Миллий иттиҳод»нинг Марказий Кўмитаси Бухорода миллий иттиҳодчилик ҳаракатини давом эттирган.*

*Миллий иттиҳодчилик ҳаракатининг таниқли раҳбарларидан бири Салимхон Тиллахоновнинг қуйида илк бор эълон қилинаётган ёзма кўрсатмаси 1929–1930 йилларда бўлган тергов жараёнига оид бўлиб, унда мамлакатимизда миллий иттиҳод (миллий бирлик) ва миллий истиқлол йўлида олиб борилган ҳаракатнинг айрим босқичлари ҳақида мухтасар маълумот берилган. ГПУ терговчиларининг тазйиқи ва зулми остида ёзилган бу кўрсатма ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда мустақиллик йўлида олиб борилган кураш тарихининг номаълум саҳифаларини ўрганишимизга ёрдам беради, деб умид қиламиз.*

## ПРИЧИНА ВОЗНИКНОВЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ

*(перевод с узбекского)*

После февральской революции 1917 г. старые националисты (джалиды) Туркестана свою деятельность направили на захват организуемой власти в Туркестане. Первое время таковое стремление джалидов Туркестана имеет успехи, в особенности в г. Ташкенте, где они фактически захватывают власть. Причиной этого успеха является то, что рабочий комитет (по мобилизации рабочих на тыловую работу в 1916 г.) перешел в руки Убейдуллы Ходжаева<sup>1</sup> и Мунаввара-кары<sup>2</sup>, в связи с чем все пятидесятники Старого города поддерживали тесную связь с главарями рабочего комитета Убейдуллой Ходжаевым и Мунавваром-кары. По случаю февральской революции должен был состояться митинг всего населения Старого города. Устройство митинга берет на себя рабочий комитет, и от имени последнего население Старого города приглашается на митинг в мечеть Джамия<sup>3</sup>. Поскольку приглашение на митинг исходило от рабочего комитета, то население думало, что на митинге будет объявлено о демобилизации и возвращении мобилизованных рабочих из коренного населения по случаю революции, и на митинг собралось очень большое количество людей. Некоторые из реакционного духовенства, узнав о сущности собираемого митинга и стремясь вос-



пользоваться случаем, стараются перетянуть народ на свою сторону. Например, Саид Махмудхан-казы из Сибзарской части устраивает митинг в своей части, но благодаря тому, что связь рабочего комитета с населением была более прочная, а подобная Саиду Махмудхан-казы была менее тесная, то последнему удастся привлечь на свою сторону незначительное количество людей. Уполномоченный правительства по выборам органа власти по Старому городу Наливкин<sup>4</sup> посещает собравшихся у Саида Махмудхан-казы и отсюда идет на митинг в мечеть Джамии и, убедившись, что в мечети Джамии собралось очень много народа, там и производит выборы представителей Старгородской власти. Таким образом, прогрессисты одержали первую победу над реакционным духовенством. Реакционное духовенство после этого случая начинает действовать против прогрессистов, в результате чего прогрессисты терпят поражение за поражением, так как население целиком переходит на сторону реакционного духовенства и они (прогрессисты) остаются бессильными. Реакционное духовенство от слов переходит к нападкам на прогрессистов. Последние, видя свое бессилие, решают создать политическую организацию, через которую действовать против реакционного духовенства.

В это время прогрессисты связываются с Азербайджаном. Из Азербайджана приезжает Пери Мурсаль-заде и при помощи здешних азербайджанцев Хана Талишского и Муфт-заде<sup>5</sup> организовали партию «Турк адам марказият»<sup>6</sup> («Муссават»<sup>7</sup>). В то время я был на Кавказе, а потому о подробностях этой партии я хорошо не знаю. О них подробно знают: Хусан-ходжа Дада Ходжаев, Баширулла-хан, Асадулла Ходжаев и Кудратулла Магзумов<sup>8</sup>.

<sup>15</sup> *Эргаш*, Катта Эргаш (тахминан 1882—1921) — Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат раҳбарларидан бири (1918—1921). Қўқон яқинидаги Бачқир қишлоғида туғилган. Кичик Эргаш халқ бўлач (1918 йил 27 февраль), Фарғона водийсида совет режимига қарши кўтарилган истиқлолчилик ҳаракатини бошқарган. «Шўрон ислом» ва «Шўрон уламо» ташкилотлари ташаббуси билан 1918 йил март ойи охирида Фарғона водийси қўрбошилариининг 1-қурутдойида Катта Эргаш Олий бош қўмондон, Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек унинг ўринбосарлари қилиб сайланганлар. Бу пайтда Катта Эргаш раҳбарлигида 20 000—24 000 йигит қизил аскарларга қарши курашган. 1918 йил охирида Фарғона водийсидаги қуролли ҳаракатга умумий раҳбарлик Мадаминбек қўлига ўтгач, Эргаш кўпинча унга бўйсунмай, ўз ҳолича иш юритган. 1920 йил баҳорда Қизил Армияга қарши жангларда мағлубиятга учраб, йirik

кўрбошлик мавқеидан айрилган. Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1921 йил 16 декабрда Қўқон атрофидаги Хонобод қишлоғида жойлашган қароргоҳи қизил аскарлар томонидан босиб олинган, Эргаш ва унинг 250 дан ортиқ йиғити жангга ҳалок бўлган.

И.Хидиралиев томонидан тайёрланган ҳужжатда Катта Эргаш ва Кичик Эргаш кўрбошилар битта киши сифатида нотўғри кўрсатилган.

<sup>16</sup> *Мадазим*, Мадазим Муҳаммад Зоҳидов – Марғилонда туғилган. XX аср бошларида каторгада бўлган. Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, 1918 йил январь ойида Эски Марғилон милиция жиноят қилирув бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлаётган пайғида лавозимидан фойдаланиб, Марғилон ва унинг атрофидаги одамлар мулкини талаган ва бегуноҳ кишиларни ўлдирган. 1918 йил 18 январда Марғилон шаҳар милицияси бошлиғи Мадаминбек Эски Марғилонга келиб, Мадазимнинг маҳкамасидан унинг 4 та яқин кишини ушлаб, Ўрда майдонига олиб келади ва суд қилади. Шундан кейин Марғилон атрофидаги Пайза Қайрағоч қишлоғидаги чойхонада тўхтаган Мадаминбек бошчилигидаги милиционерлар билан Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳридан келган Качурин отряди ва Мадазим гуруҳи ўртасида тўқнашув бўлади. Бу воқеани эшитган Фарғона вилояти ҳарбий комиссари прапорщик К.Очилов (Мадаминбекни у лавозимга тайинлаган эди) Скобелевдан ҳарбий отряд билан келиб, Мадазим ва Сугрубовларнинг йиғитларини қуролсизлангирани ва қамоққа олади. Бироқ орадан кўп ўтмай, қамоқдан чиққан Сугрубов ва унинг ўришбосари Семёнов Мадаминбек ва Соли Махдумнинг уйларини ёқиб юбориб, мол-мулкларини талон-торож қилишди. Бу воқеадан кейин, 1918 йил март ойида, Мадаминбек ва Соли Махдум гуруҳи совет режимига қарши қурашаётган истиқболчилар сафига кўпилади. Мадазим гуруҳи эса талончилик билан шуғулланади.

И.Хидиралиев «Мадазим ўғри» деб халқ ўртасида ном чиқарган Мадазим билан Мадаминбекни бир қаторга қўйиб, хатога йўл қўйган.

<sup>17</sup> *Мадаминбек*, Муҳаммад Амминбек Аҳмадбек ўғли (1892–1920) – Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат намояндalarидан бири (1918–1920). Марғилон яқинидаги қишлоқда туғилган. Биринчи жаҳон уруши арафасида подпо маъмурларига қарши фаолияти учун полиция томонидан қўлга олиниб, 14 йилга Сибирга сургун қилинган (1914). 1917 йил Февраль инқилобидан кейин Мадаминбек озодликка чиққан ва Марғилонга қайтган.

Фарғона водийсида совет режимига қарши қуролли ҳаракат сафларига 1918 йилнинг бошларида қўшилган. 1918 йил январда Мадаминбек қўлга остида 16 000 кишидан иборат қўшин бўлган бўлса, ўша йилнинг кузида улар сони 30 000 кишидан ортиб кетган. Унинг йиғитлари Қизил Армияга қарши жанг қилиш билан бир қаторда босқинчи ва талончи-

лардан иборат айрим маҳаллий кичик тўдаларга (масалан, Мадазим тўдасига) қарши ҳам курашганлар.

1919 йил 2 сентябрда Жалолободда Крестьянлар армияси командири К.Монстров билан Мадамминбек ўртасида ўзаро иттифоқ тузилган. 1920 йил бошларида жанговар ташаббус вақтинчалик Қизил Армия қўлига ўтгач, Мадамминбек билан 2-Туркистон ўқчи дивизияси бошлиғи Н.А.Верёвкин-Рохальский ўртасида 1920 йил 6 мартда Скобелев шаҳрида яраш битими имзоланган. И.Хидиралиевнинг ёзишича, Совет кўмондонлиги томонидан музокаралар ўтказиш учун кўрбонилар орасига юборилган Мадамминбек Холхўжа эшон томонидан ўлдирилган (1920 йил 14 май).

<sup>18</sup> *Холхўжа*, Холхўжа эшон (тахминан 1874–1920) – Ўш шаҳри ва унинг атрофларида ҳаракат қилган кўрбонилардан бири. Ўш шаҳрида тузилган. Кўрбонилар ўртасида қаҳри қаттиқлиги билан ажралган. 1918 йил баҳоридан Қизил Армияга қарши кураш бошида турган. Совет манбаларида Холхўжа «шухратпараст ва маиший бузуқ киши» сифатида кўрсатилади. Бу фикрда муайян маънода жон бор. 1919 йили Бош кўмондон Мадамминбекка бўйсунмаганлиги учун халқ ўртасида сазойи қилдилади, 150 та йиғити қуролсизлантирилади, яқин тарафдори Сулаймонкул кўрбонни эса отувга ҳукм қилинади. Бироқ Катга Эрганининг аралашини билан 1919 йил июль ойида Мадамминбек Холхўжа эшонни тутқунликдан озод қилади, у ва яқин кишиларига 40 та милтиқни қайтариб беради.

1920 йил 24 февралда Холхўжа эшон 450 йиғити билан совет ҳокимиятига таслим бўлган. Бироқ орадан бир неча кун ўтгач, у яна истиқлолчилар сафига қайтиб, Шермухаммадбек раҳбарлигида курашни давом эттиради. Мадамминбекнинг ўлимида унинг ҳам кўли бўлган. 1920 йил декабрь ойи ўрталарида Холхўжа Фарғона водийсидан Қошғарга бориш учун Алайку дарасидан ошиб ўтаётганда 300 та йиғити билан қор кўчкиси остида қолиб, ҳалок бўлган.

<sup>19</sup> *«Дашнақу屯юн»* – арман миллатчилари партияси. 1890 йили Тифлистеда тузилган. Туркистонда маҳаллий аҳолига қарши қирғин қилган (1918–1919). Турк-арман қирғини (1915) сабабчиларидан бири дашноқлар бўлган. Шу қирғиндан сўнг дашноқларнинг бир қисми Туркистонга келиб ўрнашган.

Большевиклар Туркистонда совет режимини ўрнатгач, ўлкадаги миллий кучларга қарши курашда дашноқ дружиналаридан фойдаланганлар. Дашноқлар 1918 йил февралда қизил аскарлар билан биргаликда Қўқон шаҳрида оммавий қирғин ўтказган. 1918–1919 йиллар давомида улар Фарғона водийсида истиқлолчиларга қарши кураш ниқоби остида тинч аҳолидан 35 000 кишини қириб ташлаб, мол-мулкини талон-торож этган. Т.Рисқулов, С.Турсунхўжаев, Н.Хўжаев каби миллий раҳбар

ходимларнинг қатъий талаблари натижасидагина Туркистон АССР МИК 1919 йил 16 июлдаги буйруғи билан «Дашнақутюн» партиясини тарқатиб юборган ва дашноқ дружиналарини қуролсизлантирган.

<sup>20</sup> *Осипов*, Константин Павлович (1896–?) – прапорщик. Фарғона вилояти ҳарбий комиссари (1917–1918). Туркистон АССР ҳарбий ишлар халқ комиссари (1918–1919). К.Осипов бошчилигида Тошкентда 1919 йил 19–21 январда совет режимига қарши исён кўтарилган. Бу исён тарихга «Осипов исёни» сифатида кирган. 19 январга ўтар кечаси К.Осипов буйруғи билан Туркистон АССР МИК раиси В.Вотинцев, Туркистон АССР ХКС раиси В.Фигельский, ЧК (Фавқулодда комиссия) раиси И.Фоменко, Тошкент Совети раиси Н.Шумилов ва бошқа комиссарлар (14 киши) отиб ташланган. 1919 йил 21 январда исён бостиришга, К.Осипов кичикроқ отряди билан Фарғона водийсига Мадминбекнинг ҳузурига борган. У андижонлик Парпи кўрбоши қароргоҳида бўлиб, Тошкентдан келтирган пул босини машинасида Қўқонқинлоқ (ҳозирги Пахтаобод)да пул чиқариб, халққа тарқатган. Сўнгра Бухоро амирлигига қочиб борган. 1920 йилда хоризмга ўтиб кетган.

<sup>21</sup> *Сорокин*, Карп Елисеевич (1871–1940) – сиёсий арбоб. 1910 йилдан Тошкентда яшаган. Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси (1919 йил март – септябрь). Кейинчалик Туркистонда халқ маорифи тизимида ва Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлигида ишлаган. К.Сорокин бошчилигида 1919 йил май ойида Фавқулодда махсус комиссия тузилиб, «босмачиларга қарши курашни кучайтириш учун Фарғона водийсига жўнатишган.

<sup>22</sup> *Турсунхўжаев* Саъдулла (1891–1938) – давлат ва жамоат арбоби, Тошкентда туғилган. Туркистондаги жиддичлик ҳаракати намояндаларидан. 1919 йилдан Туркистон АССР соғлиқни сақлаш комиссари, миллий ишлар халқ комиссари, ташқи ишлар халқ комиссари. С.Турсунхўжаев совет режими томонидан 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отиб ташланган. 1957 йил 1 августда оқланган.

<sup>23</sup> *Рисқулов* Турор (1894–1938) – таниқли давлат ва жамоат арбоби. Етисув вилояти Верний уездидаги Шарқий Турғай волостида туғилган. 1918–1924 йилларда Тошкентда яшаб, Туркистон АССРда маъсул лавозимларда хизмат қилган. 1919 йил Туркистон АССР соғлиқни сақлаш комиссари, РКП(б) ўлка мусулмонлар бюроси раиси, Туркистон АССР МИК раиси ўринбосари ва раиси лавозимларида ишлаган. Т.Рисқулов 1919 йил 11 майда Андижондан Туркистон АССР МИК раиси А.А.Казаковга ёзган мактубида Фарғона водийсидаги ҳақиқий аҳволни очиб ташлаган ва «совет ҳокимияти қимматга тушди», деб таъкидлаган. Т.Рисқулов совет режими томонидан 1938 йил 10 февралда Москвада отиб ташланган. 1956 йил 8 декабрда оқланган.

<sup>24</sup> *Билик*, Василий Павлович (1889–?) – сиёсий арбоб. 1917–1924 йилларда Туркистонда фаолият кўрсатган. Туркистон АССР маориф халқ комиссари, ички ишлар халқ комиссари (1918–1919), Тошкент шаҳар партия комитети раиси (1919–1921). Фарғона областида «босмачилар»га қарши кураш Фавқулудда комиссиясининг раис ўринбосари (1919). Кейинчалик турли лавозимларда ишлаган.

<sup>25</sup> *Соколов С.М.* (1896–?) – К.Сорокин бошчилигидаги комиссия аъзоси. Тошкент ва Самарқандда ишлаган. 1919 йили у Андижон уезд-шаҳар партия комитетининг масъул котиби.

<sup>26</sup> *Хусанбоев Ҳаққул* (1880–1947) – сиёсий арбоб. Андижон шаҳрида туғилган. 1918 йилдан совет идораларида турли лавозимларда ишлаган. Фарғона вилояти ижроня комитетининг миллий ишлар бўйича комиссари (1918), Андижон уезд-шаҳар инқилобий кўмитаси раиси (1919), Аблиқ фронтда сиёсий раҳбар (1921), Помирда ҳарбий-сиёсий «учлик» аъзоси (1921–1922), Етгисув вилояти пазорат комиссияси бошқарувчиси (1922), Бухоро ва Қашқадарё округларида чорвачилик союзи раиси (1925–1929), ЎзССР Революция музейи директори (1933–1937). Ҳ.Хусанбоев 1938 йил 23 февралда Тошкентда совет режими томонидан қamoққа олинди ва аниқ бўлмаган маълумотга қараганда, 1947 йили қamoқда оғир хасталикдан сўнг вафот этди.

<sup>27</sup> *Аббосхўжаев Х.* (1883–?) – К.Сорокин бошчилигидаги комиссия аъзоси. Туркистон АССР МИК аъзоси. 1919 йили Наманганда ишлаган.

<sup>28</sup> *Охунжон Нурмухамедов* – Андижон уездида фаолият кўрсатган кўрбони. 1919 йили 21 июлда совет ҳокимиятига таслим бўлган. Унинг ихтиёридаги 10 та кўрбони ва 250 йилит ҳам Қизил Армия томонига ўтган. Унинг отряди дастлаб Скобелев шаҳрида жойлаштирилган. 1920 йил бошларида Қизил Армия таркибида Охунжон Нурмухамедов бошчилигида отлиқ полк тузилган ва у кейинчалик Мадаминбек раҳбарлигидаги «Марғилон ўзбек отлиқ аскарлар полки»га айлантирилган. Охунжон баъзан озодлик учун жанг қилган бўлса, баъзан Қизил Армия сафида туриб истиқболчиларга қарши курашган. Унинг полки Мадаминбек кўшини ва крестьянлар армиясига қарши жангларда қатнашган. Қизил Армия кўмондонлиги Охунжон отрядидан Украинадаги Махно гуруҳи ва бошқа кўзғолончиларга қарши курашда фойдаланмоқчи бўлган. 1920 йил 25 майда Андижонда гарнизон кўшинлари кўриги ўтказилаётган вақтда Паршибек билан яширин музокаралар олиб бораётган Охунжон отряди қуролсизлантирилди ва Тошкентга жўнатилади. Туркистон fronti кўмондони М.В.Фрунзенинг буйруғига кўра, Охунжон ва яқинлари қamoққа олинади. Аммо Охунжон, унинг ўринбосари Абдуразоқ ва бошқалар 1920 йили Тошкентдаги қamoқхонадан қочиб, Наманган орқали Кўқонқишлоқдаги Парши кўрбонининг қароргоҳига етиб кели-

шади. Охунжон қўрбоши 1921 йили Қизил Армияга қарши жанглarning бирида ўлдирилган.

<sup>30</sup> *Ҳамдам ҳожи*, Ҳамдам ҳожи Қаландаров — Фарғона водийсида фаолият кўрсатган қўрбошилардан бири. Бешариқ туманидаги Рапқон қишлоғида туғилган. Ёшлигида бойларнинг мулкани талаб, камбағалларга улашган. Чор маъмурлари томонидан қўлга олиниб, Сибирга сургун қилинган. 1917 йилда Фарғонага қайтган. Қўқон уезида дашноқлар ва қизил армияга қарши жанглар олиб борган. 1919 йил бошларида Қўқон уезида фаолият кўрсатаётган Ҳамдам ҳожи ўз гуруҳи билан совет ҳокимияти томонига ўтган. Большевиклар Ҳамдам ҳожи сингари қўрбошилар ва уларнинг йигитларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишган. 1920 йил февралда Фарғона водийсида Қизил Армия қўмондонлиги 4 та собиқ қўрбоши гуруҳларидан Туркистон алоҳида мусулмонлар отлик аскарлар полкини тузган. 1-мусулмон отлик аскарлар полкига Ҳамдам ҳожи қўмондонлик қилган. Кейинчалик учала полк бириктирилиб, П.Парамонов қўмондонлигида 6-Туркистон кавалерия бригадаси тузилди. Ҳамдам ҳожининг полки Наманган-Ошаба районида Раҳмонқул ва Аншрмат қўрбошиларнинг гуруҳларига, шунингдек, Шермуҳаммадбек қўшинига қарши жанг қилган. 1920 йили Закаспий фронтдаги инглизларга қарши, шунингдек, Самарқанд ва Каттақўрғондаги истиқлолчиларга қарши курашган. 1920 йил августда эса Фрунзе бошчилигида Бухоро амирлигига ҳужум қилган. 1920 йил куздан бу полк Жанубий фронтга, Қрим ярим оролига — генерал Врангелга қарши курашга ташланади. Ҳамдам ҳожи қизил армия таркибиде 1929 йилгача юртдошларига қарши курашни давом эттиради. Аммо у «Бешариқ иши» (1931) муносабати билан қўлга олиниб, отиб ташланган.

<sup>31</sup> *Туртчи, Тўйчи* — Олтиариқ туманида туғилган қўрбоши. Марғилон ва унинг атрофларида қизил армияга қарши курашган. 1919 йил 21 июнда Охунжон қўрбоши билан биргаликда совет ҳокимиятига таслим бўлган. Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек қўшинига қарши кураш олиб борган. Файласуф олим И.Каримовнинг ёзишича, Мадаминбек ўлдирилгач, Холхўжа бекнинг калтасини хуржунга солиб, Қизил Армия томонига ўтган Тўйчи ва Қорабой қўрбошиларга юборган. Улар хуржунни Туркистон фронтининг Фарғонадаги махсус бўлимига олиб борганлар. Тўйчи қўрбоши 1920 йили жангда ҳалок бўлган.

<sup>32</sup> *Крестьянлар армияси* — Россиядан кўчириб келтирилган рус мухликларидан Жалолободда тузилган армия (1918—1920). 1918 йил кузда совет ҳокимияти ўзини ҳимоя қилиш учун уларга қурол-яроғ тарқатган. Туркистон АССР ҳарбий комиссари К.Осинов 1918 йил декабрда Фарғона водийсида крестьянлар армияси раҳбарлари билан учрашди. Полковник К.Монстров бошчилигидаги бу армия дастлаб қизил аскарлар



ва дашноқлар қаторида туриб, тинч аҳолини қиришда қатнашади. И.Хидралиевнинг таъкидлашича, 1918 йил охири — 1919 йилнинг бошида улар Фарғона водийсидаги Бозорқўрғон, Ойимқишлоқ, Қўқонқишлоқ ва Сўзоқ қишлоқларини бутунлай яқсон қилиб, барча аҳолини қириб ташлаганлар.

1919 йил ёзида Мадаминбек тактик мақсадларни кўзлаб, болшевикларга қарши Фарғона водийсида ягона куч ташкил қилиш учун крестьянлар армияси раҳбарлари билан музокара олиб борган. 1919 йил 2 сентябрда Мадаминбек билан Монстров ўртасида совет режимига қарши биргаликда курашни тўғрисида шартнома имзоланган. Ўнта полкдан иборат 5000 кишилик крестьянлар армияси Мадаминбек томонига ўтган. Бирлашган армиянинг Олий бош қўмондони сифатида Мадаминбек, унинг ўринбосари сифатида эса Монстров тан олинган. Сентябрнинг бошларида бирлашган армия Жалолобод, Ўш ва Марғилон шаҳарлари, Новқат шаҳарчасини қизил аскарлардан озод қилган. Бироқ крестьянлар армияси истиқлолчиларга бир неча марта панд беради. Мазкур армия бир қанча жангларда маълумиятга учраб, 1920 йил бошларида Гульча истеҳкоми ва Эргангомга чекинади. 1920 йил 17 январда К.Монстров, сал кейинроқ генерал-майор А.Муханов ўз ихтиёри билан қизил аскарларга таслим бўлади. 1920 йил 23 февралда қизил аскарлар Гульча истеҳкомини эгаллагач, крестьянлар армияси бутунлай тутатилади.

<sup>33</sup> *Монстров К.* — собиқ казак офицери, полковник. Крестьянлар армиясининг раҳбари. Дастлаб совет ҳокимиятини қувватлаган ва истиқлолчиларга қарши курашган. 1919 йил кузида Мадаминбек билан ҳамкорлик қилган. 1920 йил 17 январда у ўз ихтиёри билан қизил аскарларга таслим бўлган. У ва крестьянлар армиясининг штаб бошлиғи генерал-майор А.Муханов кейинчалик яна қизил армия билан ҳамкорлик қилиб, Туркистон фронги штабида хизмат қилишди.

<sup>34</sup> *Ницевский* — Андижон уезд-шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари. 1919 йил ёзида крестьянлар армияси эгаллаб турган ҳудудда отиб ташланган.

<sup>35</sup> *Тепляков* — Андижон уезд Фавқулудда комиссияси (ЧК) раиси. Андижон уезд-шаҳар ижроия қўмитаси раиси Ницевскийни отиб ташлаб, совет ҳокимиятига қарши кўзғолон кўтарган ва крестьянлар армияси томонига ўтган (1919 йил ёзида).

<sup>36</sup> *Алексеев* — генерал, Ўш уездининг собиқ бошлиғи. Мадаминбек ва Монстров қўшини Ўш шаҳрини эгаллагач, Алексеев бошчилигида ҳарбий кенгаш тузилган.

<sup>37</sup> *Насриддин минғоши* — собиқ бўлис (волость) бошқарувчиси. И.Хидралиевнинг ёзишича, у жуда бадавлат бўлган. Ўш шаҳридаги ҳарбий кенгаш аъзоси.

<sup>38</sup> Сафонов, Михаил Владимирович (1878–1939) – Қизил Армиянинг командирларидан бири. Фарғона fronti қўмондони (1919 йил февраль–сентябрь). 1918 йилдан Туркистондаги Қизил Армия қисмларида комиссар ва командир. РСФСРнинг Хоразм Халқ Совет Республикасидаги мухтор вакили (1920–1921). Еттисув темир йўл қурилиши правленияси раиси (1922–1924), Туркистон мануфактура правленияси раиси (1924–1928), Ўш округида ғаллачилик совхози директори (1928–1931). Фарғона водийсидаги истиқлолчилар ва тинч аҳолига қарши шафқатсиз курашган. 1932 йилдан у Москвада яшаган.

<sup>39</sup> Мулла Файзи Охун домулла – Ўш уламолари етакчиси. Ўш уездидаги истиқлолчиларнинг ғоявий раҳнамоси. И.Хидиралиевнинг фикрича, М.Сафонов бошчилигидаги қизил аскарлар отряди Ўш шаҳрига ҳужум қилганда у ўшликларни шаҳарни ҳимоя қилишга даъват этади ва уларни жангга овлантиради.

<sup>40</sup> Шкаруна, Моисей Кузьмич (1880 – тахм 1964) – 1918–1919 йилларда Туркистонда фаолият кўрсатган ЧК ва Қизил Армия командирларидан бири. Халқ ўртасида ёвуз ва очкўз қизил командир сифатида «машҳур» бўлган. И.Хидиралиевнинг ёзишича, 1919 йил кузида Андижон шаҳри истиқлолчилар томонидан қамал қилинганда, Шкаруна томонидан 39 нафар зиёли ва бойларга сиёсий айблар қўйилиб, отиб ташланган. Бундан ташқари, у 1919 йил октябрда қизил аскарларга сут олиб келган 18 нафар мусулмонни отиб ташлаган. Шахсан ўзи пулемётдан 29 кишини отиб ўлдирган.

<sup>41</sup> Спасибов, Дмитрий Ильич (1894–1919) – Қизил Армиянинг сиёсий ходими. Оренбург губерниясида казак оиласида туғилган. 1918 йил ёздан Фарғона frontiдаги 1-Оренбург йиғма отлик полкининг ҳарбий комиссари, Фарғона fronti оператив штаби бошлиғи, Фарғона fronti инқилобий ҳарбий кенгаши (реввоенсовет) раиси (1919). Андижон шаҳри яқинидаги Хакент қишлоғида 1919 йил 24 сентябрда «босмачилар» билан бўлган жангда ўлдирилган.

<sup>42</sup> Бильдин, Георгий Михайлович (1886–1919) – Наманган ва Андижонда совет ҳокимиятини ўрнатган сиёсатчилардан. Андижондаги «Беш-Беш» заводи партия ячсайкаси котиби, Андижон уезд-шаҳар партия комитети котиби (1919). Андижон шаҳрида 1919 йил сентябрда «босмачилар» билан бўлган жангда ўлдирилган.

<sup>43</sup> Эшова, Шалва Зурабович (1883–1937) – Туркистонда большевикча режимни ўрнатган сиёсатчилардан. Кутаиси губерниясида туғилган. РСФСР ХКСининг Туркистон шпигари бўйича Алоҳида муваққат комиссияси раиси (1919 йил февраль – октябрь), Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси (1919 йил август – 1920 йил сентябрь), Бугунроссия МИК ва РСФСР ХКС Туркистон комиссияси (Гурккомиссия)нинг биринчи

раиси (1919 йил ноябрь — 1920 йил август), РКП(б) МК Туркистон бюроси (Туркбюро) аъзоси (1920 йил август). Элиава Туркистонда совет режимини ўраваонлик билан қарор топшириш учун истиқлолчиларга қарши курашда машъум ном қозонган. 1937 йил 3 декабрда Москвада отиб ташланган.

<sup>44</sup> *Голошчекин*, Филлип Исаевич [ҳақиқий исми: Шая Ицович-Исакович] (1876—1941) — Туркистонда совет ҳокимиятини қарор топтирган сиёсатчилардан. Невел Витебск губернясида туғилган. Туркистон fronti РВС ва Туркистон комиссияси аъзоси (1919—1920). 1921 йилдан хўжалик, совет ва партия ишларида. Қозғистон компартияси ўлка комитети котиби (1924—1933). Тошкентда Турккомиссия аъзоси бўлиб ишлаган пайтида маҳаллий аҳолига қарши қатағон сиёсатини юритган. Қозғистонда олиб борган коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати натижасида миллионлаб кишилар очликдан ҳалок бўлган. Совет ҳокимиятига садоқат билан хизмат қилган Голошчекин 1939 йил 15 октябрда қамоққа олинган ва 1941 йил 18 октябрда отиб ташланди.

<sup>45</sup> *Врангель*, Пётр Николаевич Врангель (1878—1928) — Россияда большевиклар ва совет режимига қарши кураш раҳбарларидан бири. Генерал-лейтенант (1917). 1918 йилдан большевикларга қарши курашган Жанубий Россия оқ гвардиячилар армиясининг А.И. Деникин билан кейинги Бош қўмондонини (1920). Крым ва Шимолий Таврияда Қизил Армия томонидан тор-мор этилгач (1920 йил 14 ноябрь), хорижга чиқиб кетган. Парижда вафот этган.

И.Хидиралиевнинг ёзишича, Туркистондаги совет қўмондонлиги кўрбоши гуруҳларидан мусулмон полклари ва мусулмон бригадалари тузиб, улардан Врангелга қарши курашда фойдаланган.

<sup>46</sup> *Қўриермат*, Шермуҳаммадбек, Шермат кўрбоши (1893—1970) — Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракат командирларидан бири (1918—1922). Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Гарбува қишлоғида туғилган Туркистон Мухторияти ҳукумати аъдаришгач, Шермуҳаммадбек 1918—1920 йилларда Катта Эргаш ва Маламинбекнинг ўринбосари сифатида жанговар ҳаракат олиб борган. Маламинбек истиқлол курашидан четлашгач, Фарғона водийсидаги қуроли ҳаракатга раҳбарлик қилган (1920 йил майдан). Шермуҳаммадбек Фарғона водийси худудининг катта қисмини қизил аскарлардан озод қилиб, шу худудларда шариатга асосланган бошқарув усулини жорий қилган. У БХСР, ХХСР ва Самарқанд вилоятидаги совет режимига қарши курашаётган истиқлолчилар билан алоқа ўрнатиб, Анвар Шошо ва Жунаидхон билан уч томонлама ҳамкорлик ўрнатган. Қизил Армия томонидан Туркистон минтақасига катта ҳарбий қисмлар ташлангач, Шермуҳаммадбек Фарғона водийсининг тарк этиб (1922 йил 30 декабрь), укаси Нурмуҳаммад-

бек ва қўрбоши Тўхтасин Мақсуд билан 450–500 кишилик ҳарбий гуруҳга бошчилик қилган ҳолатда дастлаб БХСР ҳудудига, 1923 йил баҳорида эса Афғонистонга ўтиб кетган. У 1970 йил 10 мартда, Нурмуҳаммадбек эса 1984 йил 10 январда Адана шаҳрида вафот этишган.

<sup>47</sup> *Фарғона fronti* – Туркистон АССР Инқилобий ҳарбий кенгаши (РВС) буйруғи билан 1919 йил 23 февралда Фарғона волийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига қарши курашиш учун тузилган фронт. 1919 йил октябрда фронт таркибида Скобелев, Қўқон, Андижон, Наманган кўшини гуруҳлари тузилган. 1919 йил 22 ноябрда Фарғона fronti тугатилиб, унинг асосида Фарғона ўқчи дивизияси, кейинчалик 2-Туркистон ўқчи дивизияси ташкил этилган. Фарғона fronti қўмондонлари: М.В. Сафонов (1919 йил февраль – сентябрь), А.П. Соколов (1919 йил сентябрь – ноябрь), Г.М. Немудров (1919 йил ноябрь).

<sup>48</sup> *Юлчи, Йўлчи* – Фарғона волийсида ҳаракат қилган қўрбошилардан. Кейинчалик Қизил Армия томонига ўтган. Йўлчи отряди Ҳамдам ҳожи, Қорабой каби собиқ қўрбошиларнинг отрядлари билан бирлаштирилиб, Турк бригадасини ташкил қилган ва улар 1920 йили Жанубий фронт (Украина) га юборилган. Йўлчининг йигитлари А.И. Леникин, П.П. Врангель армияси ва П.И. Махно (1889–1934) бошчилигидаги кўзғолончиларга қарши курашга ташланган.

<sup>49</sup> *Қорабой, Қоравой* – Фарғона волийсида ҳаракат қилган йирик қўрбошилардан. Олтириқ туманида бой оиласида туғилган. Уч марта Қизил Армия томонига ўтган ва яна истиқлолчилар сафига қайтган. 1920–1921 йилларда Қорабой отряди Жанубий фронтда жанг қилган. Қорабой қўрбоши худди Охунжон ва Тўйчи (Мулла Тўйчи) сингари мужмал сиёсат юритган. Файласуф олим Иброҳим Каримовнинг ёзишича, Мадамминбекнинг ўлимида асосий ролни Холхўжа эпон билан биргаликда Тўйчи ва Қорабой қўрбошилар ўйнашган. Қорабой ўзининг 100 кишилик отряди билан 20 нафар қизил аскарни ўлдириб, 1921 йил октябрда яна истиқлолчилар томонига ўтган. Қорабой қўрбоши 1925 йилда ҳарбий трибунал ҳукми билан отиб ташланган.

<sup>50</sup> *Турк бригадаси, 1-Турк (ўзбек)* алоҳида кавалерия бригадаси – қизил армия сафига ўтган собиқ қўрбоши гуруҳларидан ташкил топган миллий ҳарбий қисмлар бригадаси (1919 йил ноябрда ташкил топган). Унга 3 та мусулмон полки киритилган. Турк бригадасида командир ва комиссар лавозимларида асосан Фарғона волийсига «босмачилар»га қарши кураш учун юборилган 1-Татар алоҳида ўқчи бригадасининг ходимлари фаолият кўрсатган. Турк (ўзбек) бригадасининг командирлари Ф.А. Богданов, ҳарбий комиссарлари Усмонов ва Туембегов, сиёсий бўлим бошлиқлари Г.Ашмасов, Н.А. Ризаев, Семёнов ва Мурсалимов бўлганлар. 1920 йил бошларида ўзбек бригадаси Тошкент яқинидаги

Троицк лагерини (ҳозирги Чирчиқ шаҳри) га жойлаштирилган. Турк бригадаси (унинг таркибида Йўлчи, Ҳамдам ҳожин, Қорабой отрядлари бўлган) 1920–1921 йилларда Жанубий фронтда бўлиб, Врангель ва Махнога қарши курашган. Кейинчалик у Анхободга кўчирилган. 1921 йилда ўзбек бригадаси тарқатиб юборилган ва унинг ўрнида полк тузилган.

<sup>51</sup> *Сокольников*, Григорий Яковлевич Сокольников [ҳақиқий номи: Гирш Янкелевич Бриллиант] (1888–1939) – Туркистонда совет режимини қарор топтиришда фаол қатнашган сиёсий арбоб. Полтава губерниясида туғилган. 1919–1921 йилларда Туркистонда фаолият кўрсатган. Туркистон комиссияси ва РКП(б) МК Туркистон бюроси раиси (1920 йил июль – 1921 йил ноябрь), Туркистон фронти кўмондони (1920 йил сентябрь – 1921 йил март). Шу даврда Г.Сокольниковнинг қўлида Туркистондаги ҳарбий, фуқаролик ва суд ҳокимиятлари тўпланган, у маҳаллий миллатларварлар, «босмачилар» ва бошқа сиёсий кучларга қарши курашга раҳбарлик қилган. Унинг номи Қизил Армиянинг шафқатсиз ва ёвуз командири сифатида Туркистон тарихига кирган. У 1937 йил 30 январда қатағон этилиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1939 йил 21 майда ўлдирилган.

<sup>52</sup> *Паскуцкий Н.А.* (1894–1940) – сиёсий арбоб. Закасиий, Фарғона, Туркистон фронтларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган (1918–1921). Фарғона фронти Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси (1919), Фарғонада истиқлолчиларга қарши курашга раҳбарлик қилган (1920 йил декабр-гача). Туркистон Иқтисодий Кенгаши раиси ва Туркистон АССР ХКС раиси ўринбосари (1922–1923). Кейинчалик Москвада ишлаган.

<sup>53</sup> *Коновалов*, Дмитрий Ефимович (1882–1921) – Қизил Армия командири. 1918 йилдан Туркистонда. Фарғона фронтида «босмачилар»га қарши курашган темир йўлчилар отряди командири (1918–1919). Андижон – Ўш райони қўшинлари кўмондони. Бухоро амирлигини босиб олишда Самарқанд қўшинлар группаси кўмондони сифатида қатнашган. Коновалов отряди «босмачилар»га қарши кураш баҳонасида тинч аҳолини талаш ва ўлдириш билан шуғулланган. Фарғона фронти қўшинлари кўмондонининг ёрдамчиси (1919–1920). Фарғона армияси қўшинлари группаси кўмондони (1920 йил октябрдан). 2- ва 3-Туркистон ўқчи дивизияси командири (1920–1921 йил март). Самарқанд вилояти ҳарбий комиссари (1921 йил апрелдан). Тошкентда 1921 йили тиф касаллигидан ўлган.

<sup>54</sup> *Муэтдин*, Муҳиддинбек, Мўйдинбек, Муҳиддинбек Усмон Алиев (тахм. 1877–1922) – Фарғона водийсида совет режимига қарши қуролли ҳаракат раҳбарларидан бири. Олой воҳасидаги Новқат қишлоғида қирғиз манаси оиласида туғилган. Туркистон Мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватлаб, Қизил Армияга қарши кураша бошлаган қўрбоши-

лардан бири (1918–1922). Унинг ихтиёрида 4500 йигит бўлган. Унинг гуруҳи 1918–1921 йилларда қизил аскарларга зарбалар бериб, Ўш уездини душмандан муҳофаза қилинган. 1922 йил февралда Ўш уезди атрофида бўлган шиддатли жангларда Муҳиддинбек ланкари маълубиятга учрайди. У ва унинг 7 та сафдоши Инқилобий ҳарбий трибунал ҳукми билан 1922 йил 26 августда отиб ташланади. Муҳиддинбекнинг ўлимидан сўнг унинг онаси ўзининг тирик қолган йигитларига бошчилик қилиб, Олой воҳасида Қизил Армияга қарши курашни давом эттирган.

<sup>55</sup> *Исломқул*, Ислом Полвон, Исломқул Султонқулов (тахм. 1882–1923) – Фарғона волийсида совет режимига қарши қуроли ҳаракатнинг қўмондонларидан бири (1923). Қўқон атрофидаги Яйпан (айрим манбаларда Чорвоқ) қишлоғида туғилган. Мустамлакачилик зулмига қарши кўтарилган галаёнларда қатнашган (1909–1916). Совет ҳокимиятига қарши курашнинг илк босқичидан жангга кирган. Қисқа муддат Ҳамдам ҳожи огрялида Қизил Армия сафида бўлган (1919). Ислом полвон раҳбарлигида Қўқон ва Ўш уездларида Қорабой, Мирза Умар, Мадумар сингари кўрбошилар ҳаракат қилинган. 1921–1922 йилларда у Шермуҳаммадбекнинг қўл остида бўлган. Бир қатор муваффақиятли жанглардан сўнг у Сўх атрофидаги жангга енгилди (1923 йил август) ва 1923 йил 3 октябрда қизил аскарлар томонидан асир олинди. 1923 йил 8 декабрда Туркистон fronti ҳарбий трибунали сардор гуруҳи томонидан Қўқонда отиб ташланган.

<sup>56</sup> *Омон Полвон* (1856–1923) – Фарғона волийсида совет режимига қарши қуроли ҳаракатнинг раҳбарларидан бири. Наманган уезидagi Хизробод қишлоғида туғилган. 1918 йил бошларида Фарғона волийсида Қизил Армияга қарши қуроли ҳаракатни бошлаган. Мадамнибек ва Шермуҳаммадбекнинг ҳарбий тошшириқларини бажариб, Наманган ва Андижон уездаридаги 2500–3000 йигитга раҳбарлик қилган. У 1922 йили Норин дарёсидан Чустгача бўлган ҳудудни ўз назоратига олган. Ёқуббек кўрбошининг соқинлиги туфайли қизил аскарлар томонидан 1923 йил майда қўлга олинган ва Наманганда ҳарбий трибунал ҳукми билан 1923 йил 13 июлда отиб ташланган.

<sup>57</sup> *Раҳмонқул* Мамарозиқов (тахм. 1877–1922) – Фарғона волийсида совет режимига қарши қуроли ҳаракатнинг раҳбарларидан бири. Наманган уезди Ашт волостида туғилган. 1917 йилдан олдин Ашобода миршаб (отлиқлар қоровули). У Ашоба [Ошоба] да мустаҳкам истеҳком қуриб, 1918 йилдан қизил аскарларга қарши мurosасиз кураш бошлайди. Топкент ва Наманган уездларини бир-бирига боғлаб турувчи Чимён ва Чотқол тоғларида жойлашган ҳамда Қизил Армияга қарши кураш ўчоғи ҳисобланган Облиқ fronti ана шу тариқа юзага келган. Раҳмонқул Наманган уезидан ташқари, Сирдарё вилоятидаги бир қатор волостларни

ҳам ўз таъсирига олган. У раҳбарлик қилган ўндан ортиқ қўрбонилар 2500–3000 йигитлари билан Қизил Армияга қарши курашган. Ашобабда ўқ-дори ишлаб чиқарувчи махсус устахоналар бўлган. 1922 йил июнда Ашобабдаги истеҳком авиация ёрдамида вайрон қилинган, қизил аскарлар бу ерга бостириб кирганлар. Раҳмонқул кичик гуруҳи билан дастлаб Ангрен дарёси ҳавзасига чекинган, сўнгра Чодак атрофидаги жангда мағлубиятга учраган. 1922 йил 3 ноябрда Раҳмонқул ва йигитлари (21 киши) қизил аскарларга таслим бўлишга мажбур бўлганлар. 1922 йил 2 декабрда ҳарбий трибунал мажлисининг ҳукми билан Раҳмонқул, ўғли Худойқул, 3 та биродари, жами 11 киши отиб ўлдирилишга, қолган 10 киши турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Кейинчалик улар ҳам отиб ташланган.

<sup>58</sup> *Зиновьев*, Георгий Васильевич (1877–1934) – Туркистонда совет режимини ўрнатилган фаол қатнашган ҳарбий арбоб. Петербургда туғилган. Туркистон армияси ва 3-Туркистон ўқчи дивизияси, Фарғона армияси қўмондони. Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси сифатида 1918–1921 йилларда Фарғона водийсида истиқлолчиларга қарши курашни уюштирган. Бухоро босқини (1920 йил август-сентябрь) ни уюштирилган Қизил Армия қўшинларига қўмондонлик қилган. 1920 йил октябрда Зиновьев бошчилигида 31 000 кишилик Қизил Армия Фарғона водийсидаги истиқлолчиларга қарши ташланади. Туркистон АССР ХКС раиси Қайғисиз Отабоевнинг ёзишича, истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарлари билан музокаралар пайтида бир гуруҳ қўрбонилар унинг буйруғи билан қўлга олиниб, хиёнаткорона равишда отиб ташланади (1921). У кейинчалик Ўрта Осиё ҳарбий округи қўмондонининг ўринбосари ва бошқа лавозимларда ишлаган. 1934 йили Москвада вафот этди.

<sup>59</sup> *Берзин*, Рейнгольд Иосифович [Язелович], [Берзиньш] (1888–1938) – ҳарбий арбоб. Лифляндия губерниясида туғилган. 1921 йили Фарғона водийсидаги истиқлолчиларга қарши кураш учун қўшин командири сифатида юборилган. Туркистон fronti Ҳарбий инқилобий кенгаши аъзоси (1923–1924). Г.Зиновьев билан биргаликда маҳаллий аҳолини қирғин қилган. Кейинчалик Москвада турли лавозимларда ишлаган. Аммо 1937 йилда қамоққа олиниб, 1938 йил 19 мартда Москвада отиб ташланган.

<sup>60</sup> *Ҳўжаев*, Низомиддин Асомиддинович (1885–1942) – жамоат арбоби. Тошкентда туғилган. «Турон» жамиятида фаол қатнашган (1913–1917). Туркистон Мухторияти ҳукуматини қувватлаб, Тошкентда 1917 йил декабрда ўтказилган намоённинг ташиқлотчиларидан бири. Кейинчалик большевикларга яқинлашиб (1918), Тошкент Эски шаҳар Совети Ижрония қўмитаси раиси, Эски шаҳар партия комитети котиби (1918–1919),

Фарғона вилояти инқилобий кўмитаси раиси, Туркистон АССР МИК раисининг ўринбосари (1919–1920) лавозимларида хизмат қилади. Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси фаолиятида қатнашади (1919–1920). 1934 йилдаги «тозалаш» кампаниясидан кейин ижтимоий фаолиятдан четлаштирилган. Кейинчалик қатағон қилинган ва 1942 йили отиб ташланган. Ўлимидан сўнг оқланган.

<sup>61</sup> *Жонибек*, Жонибек қози, Жонибек Қози Сабендиқов – Фарғона волиёсидаги совет режимиға қарши қуролли ҳаракат раҳбарларидан бири. У тахминан 1867 йили Ўзганда туғилган. 1918 йилнинг ўрталарига келиб, Жонибек қози раҳбарлигида 5700 йигит бўлган. Унинг қўл остида Олойкуда Шамсибек, Ўзганда Жамол ва Кичикўи, Қуршобда Қодирбек ва Муҳаммадёр Иброҳим қаби қўрбошилар жанг қилишган. 1920 йил декабрда қизил аскарлар Ўзган атрофидаги тоғларда жойлашган Жонибек қозининг қароргоҳига ҳужум қилишган. 1921 йил апрелда Жонибек қози ўз гуруҳи билан совет ҳокимияти томонига ўтади, ўша йилнинг декабрь ойида эса яна истиқлолчилар сафига қайтиб, Андижон ва Ўш уездларида фаолият кўрсатади. 1922 йил 6 апрелда Жонибек билан совет кўмондонлиги ўртасида судҳ тузилиб, у 200 йигити билан советлар томонига ўтади. Кейинчалик совет ҳокимиятига қарши исён кўтариб, мағлубиятга учрайди ва Қошғарга ўтиб кетади.

<sup>62</sup> ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси) – совет давлати хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида 1922 йилда Бутун Россия Фавқулодда комиссияси (ВЧК) ўрнига тузилган. 1923 йилдан – Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) деб аталади. Бу орган СССРда, жумладан, Ўзбекистон ССРда сиёсий қатағон кампаниясини уюштирган.

<sup>63</sup> *Баранов*, Пётр Ионович (1892–1933) – совет ҳарбий арбоби. Петербургда туғилган. 1919–1922 йилларда Туркистонда фаолият кўрсатган. Туркистон fronti Ҳарбий инқилобий кенгаши аъзоси (1919 йил август – октябрь, 1921 йил май – 1922 йил апрель). Туркистон АССРдаги ЧОН (алоҳида топшириқларни бажарувчи қисм) кўмондони (1921 йил сентябрдан). РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзоси, Фарғона вилоятидаги кўшинлар кўмондони (1921–1922). Қизил Армия қисмларининг «босмачилар»га қарши жанларида паҳсап қатнашган. Бухоро амирлигини босиб олишда иштирок этган. У ХХПРнинг Қизил байроқ ва БХСРнинг 1-даражали Қизил Юлдуз орденлари билан мукофотланган. 1933 йил 5 сентябрда авиация ҳалокати натижасида ҳалок бўлган.

<sup>64</sup> *Отабоев*, Қайғисиз Сардоревич (1887–1938) – давлат ва жамоат арбоби. Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси (1920–1922). Закаспий вилоятининг Тажан уездидаги Миёна овулида туғилган. 1920 йилда Тошкентта чақирилди ва Туркистон АССР ҳукумати раислигига тайинланди. У совет даврида «босмачилик» номига олган ҳаракат аслида Туркистон халқларининг миллий-озодлик ҳаракати эканлигини ту-



шуниб етган ва уни ҳарбий куч билан бостиришга қарши чиққан. Фарғона қўшини гуруҳлари РВС раиси (аъзолари Врачев ва И.Хидиралиев) сифатида 1922 йил 15 февралда волийга келган ва кўрбошилар билан музокаралар ўтказган. Самарқанд вилоятида Қизил Армияга қарши курашаётган Баҳромбек кўрбоши билан тенглик асосида тинчлик шартномасини имзолагани ва уни қамоққа олмаганлиги сабабли лавозимдан бўшатиш ва «қайта тарбияланиши» учун Москвага юборилган (1922 йил сентябрь). БХСР Нозирлар Шўроси раисининг 1-ўринбосари (1923 йил июнь – 1924 йил ноябрь). Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий ҷағрафаланиш ўтказилгач, Туркменистон ССР ХКСнинг 1-раиси (1925 йил февраль – 1937 йил июнь). Қ.Отабоев 1937 йил 9 июлда қамоққа олинган ва 1938 йил 8 февралда Москвада отиб ташланган. У 1956 йили оқланган.

<sup>65</sup> *Врачев* — ҳарбий ҳолим. Туркистон АССР МИК Президиумининг 1922 йил 13 февралдаги қарори билан тузилган «Фарғонадаги босмачиликка қарши кураш Фавқулодда комиссияси» аъзоси. Бу комиссияга раис қилиб Қ.Отабоев, аъзолар қилиб Врачев ва И.Хидиралиев киритилган. Комиссия аъзолари Фарғона волийсида 5 ой мобайнида бўлиб, кўрбошиларга қарши ҳарбий ҳаракатларни ўтказишган (1922 йил февраль — июль).

<sup>66</sup> *Аҳмад Полвон* — Андихон ва Марғилон уездида ҳаракат қилган кўрбошилардан бири. 1921 йил декабрда Аҳмад Полвон гуруҳи Асакани қуршаб олиб, Чўнтак деган жойда қизил аскарларга кучли зарба беради. 1923 йилда Аҳмад Полвон ва Юсуфжон Махсум Марғилон уездидаги кўрбошиларга раҳбарлик қилади. Кейинчалик Аҳмад Полвон Асака, Шаҳрихон, Кувада бўлган жангларда мағлубиятга учраб, тоғларда макон тутган Ёрмат Махсум ҳузурига чекинади. 1923 йил 28 октябрда Асакада совет кўмондонлигига асир тушади ва кейинчалик инқилобий трибунал ҳукми билан отиб ташланади.

Аҳмад Полвонни Ёқуббекнинг биродари бўлган Аҳмадбек, асли еттисувлик қозоқ бўлган Аҳмад Кўмондон (Аҳмад Қозоқ), Баястоннинг кўрбошиси Мулла Аҳмад Юзбоши, Худойкулнинг кўрбошиси Аҳмад Хусанбоев, Қозоқбойнинг кўрбошиси Мирзо Аҳмад, Кўқон уездида фаолият кўрсатган Аҳмад Ҳасан каби кўрбошилар билан чалқапгирмаслик лозим.

## БАСМАЧЕСТВО И НАРОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО ФЕРГАНЫ

*«Босмачилик ва Фарғона халқ хўжалиги» деб номланган иккинчи хўжжат ҳам 1923 йилда тайёрланган бўлиб, унда кўпроқ Фарғона во-*

дийсидаги халқ хўжалигининг 1917 йилдаги ва ундан кейинги аҳволи, ҳарбий кучлар ўртасидаги тўқнашувларнинг водий иқтисодиётига кўрсатган салбий таъсири хусусида сўз боради. Бу хужжат асосида тайёрланган И.Хидиралиевнинг шу номдаги мақоласи «Военная мысль и революция» журнаlining 1923 йилдаги 4-сонида эълон қилинган. Афсуски, Ўзбекистондаги кутубхоналардан бу журнаlining ушбу мақола эълон қилинган сонидagi тегишли бетлар йиртиб олинганлиги сабабли мазкур мақола билан танишишнинг иложи бўлмади.

Мазкур иккита хужжатни нашрга тайёрлаш жараёнида рус тилидаги матнни асл ҳолатида беришга қарор қилинди. Матн тегишли изоҳлар ва шарҳлар билан таъминланди.

Бу хужжатга ҳам И.Хидиралиев Фарғона водийсидаги халқ хўжалигининг инқирозини фақат «босмачилик» ҳаракати билан боғлайди. Унинг фикрича, иқтисодиётнинг инқирозга учраши ва очарчилик «босмачилик» натижасида юзага келган. Ҳолбуки, Туркистонда ҳокимият тепасига келган большевикларнинг шовинистик сиёсати, қизил аскарлар томонидан тинч аҳолининг ўлдирилиши ва мол-мулкнинг таланиши, миллий сиёсатда йўл қўйилган хатолар совет режимида қарши куралиш ҳаракатини юзага келтирди. Қизил аскарлар билан «босмачилар» ўртасида бўлган жангларда Фарғона водийсидаги шаҳар ва қишлоқларга жиддий зарар етказилди, тинч аҳоли ҳалок бўлди. И.Хидиралиев бу хужжатда қизил аскарлар, рус крестьянлари ва арман дашноқларининг Фарғона водийсидаги тинч аҳолига нисбатан террор сиёсатини олиб борганлигини кўрсатиш билан биргаликда «босмачиларнинг» европаликларга нисбатан турли «ёвузликлари»ни ҳам бўрттириб кўрсатишга мажбур бўлган. «Ҳар қандай ёвузлик турли ёвузликларни келтириб чиқаради». Уруш шароитида бу нақлни шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Первой и главной причиной падения народного хозяйства Ферганы, безусловно, было и остается басмачество. Еще в 1917 году, несмотря на империалистическую войну, состояние хозяйства Ферганы можно было считать благополучным. В этом году было засеяно 248.625 дес. хлопка, прочих культур — 247.856 дес.

Сокращение посевной площади в период между 1915 годом, который в Фергане был самым благополучным, и 1917 годом выражается в следующих цифрах: 886.933 дес. в 1915 году и 596.381 дес. в 1917 году. Количество скота в Фергане в 1917 г. было: лошадей 257.598,

крупного рогатого скота 526.686, верблюдов 14.299, овец 561.197, коз 205.625. Функционировало 180 хлопкоочистительных заводов. Не так блестяще, как в 1912 году, когда общая урожайность кокона по области насчитывала 197.000 пуд., шелководство в 1917 году занимало среднее место. Состояние ирригации также было относительно благополучное. (Было засеяно 533.612 дес. против 90.850 дес. в 1915 г.) Падение народного хозяйства Ферганы в 1918 году, с одной стороны, объясняется стихийными бедствиями 1917 года — засухой, отразившейся на богаре, безводьем, повлиявшим на поливное земледелие, следствием чего явился неурожай; с другой стороны, сказалось также отсутствие какой-либо заботы о народном хозяйстве со стороны существовавшей в то время буржуазной власти, которая внушала массам, что свобода — это значит ничего не делать, а лишь слушать красноречивые слова буржуазной революции о «свободе» религиозных прав и проч., которыми легче было закабалить народ. Падение хозяйства усилилось еще и сокращением ввоза хлеба из России, удорожанием цен на фабриках, отсутствием кустарной промышленности, которая была «перебита» товарами фабричного производства, ввозимыми извне. Развернулись события 1918 года. Голод<sup>1</sup>, вызванный перечисленными событиями 1917 года, Кокандская буржуазная автономия, закончившая свое существование разрушением и разорением торгового центра Ферганы — гор. Коканда и концентрацией басмачества, благодаря легализации в этой автономии всех местных вооруженных элементов как «национальной армии» во главе с известным каторжником-разбойником Ирганем; прекращением ввоза продовольствия в Фергану (которая потребляла одного российского хлеба свыше 10 миллионов пудов) извне, разрушением работы железных дорог в результате гражданской войны; застоём в хлопковой промышленности и, наконец, анархией — безвластием. Стимулом последней были, главным образом, организация и распространение басмаческих шайк по всем местностям области, в развитии коих главную роль сыграло оружие, продаваемое бесконтрольно солдатами старой армии, возвращающимися с империалистических фронтов.

Басмаческие шайки разоряли дехканское и скотоводческое хозяйство без разбора. Осенью 1918 года басмачи господствовали везде крупными шайками, в несколько сот человек каждая. Таких больших шайк было очень много, и к концу 1918 года они проявляли

тенденцию к централизации. Главными были Иргаш (Коканд), Мадмин (Маргелан), Махам-Хаджи (Анлижан), Хал-ходжа (Ош), Аман-Палван (Наманган).

В этот период басмачество достигло своего кульминационного момента как по своему количеству, так и по своим грабительским тенденциям. Оно практиковало столько гнусностей, как, например, массовый расстрел мирного населения без всякого разбора, разрушительные погромы (грабежи) с изнасилованием (расстрелом и проч.), что все здоровое население кишлаков перекочевало в города и пригородные районы.

Ответные действия против басмачей начали новые города, где были сосредоточены власть и оружие. Но города, находившиеся в условиях полной оторванности от Центральной России, не имеющие организованной Красной армии, не могли начинать борьбу на классовой основе. Да притом небольшой опыт не систематической, а случайной борьбы разнородных отрядов («летучий отряд помощи мирному населению «Дашнак-Цугюн», «мусармия», получившая название среди населения «красногтанников») способствовал разжиганию национальной страсти у туземного населения и совершенно оттолкнул от власти (так как эти отряды грабили целые кишлаки, и имущество вывозилось на арбах в город, насиловались женщины, расстреливались мирные жители без разбора — даже старики, женщины и дети). А ответные действия басмачей, вырезавших десятки мирных жителей европейского населения (главным образом армян), находящихся в кишлаках, полный террор над государственными представителями и частными лицами из европейцев (резали горло, уши, нос, насиловали женщин), — в общем, полное издевательство окончательно восстановило все поголовно немусульманское население. Момент был острый (конец ноября 1918 года): басмачи всецело владели кишлаками и нападали на города (грабили, обратно переселяли всех жителей, оставивших ранее свои места, и проч.).

Под действием момента наскоро объединилось все немусульманское население, главным образом озлобленные армяне, и начали войну. К тому же приехал Осипов, вооружил все русские крестьянские поселки, направив их также против басмачей. Началась волна сплошного уничтожения басмачей, которая при создавшихся условиях принимала черты национальной резни. В ноябре уничтожили кишлак Сузак<sup>2</sup> в 1500 дворов — рисовый центр, все его имущество было вывезено. Конечно, с экономической точки зрения это был

большой урон. В декабре был разорен Кокан-кишлак<sup>3</sup>, имущество вывезено, кишлак сожжен; в апреле ужас охватил Базар-Курган<sup>4</sup>, который всю зиму терроризировался басмачами, а в апреле в течение 23-х дней тот же Базар-Курган сжигался, грабился уже крестьянскими отрядами и все имущество его было ими вывезено. За этот период разрушены и сожжены 180 кишлаков (Шарихан, Чинабад, Араван и т.д.) и разрушена (сожжена) часть городов (Наманган, Ош, базар Андижана и Маргелана, часть гор. Чуста).

За этот же период басмачами расхищен и распродан весь запас хлопка-сырца, семян, масла, мыла и все холодовые части заводов, машин, даже двери, окна, ворота и т.д.

Перелом в методах борьбы с басмачами (отказ от национальной войны), внесенный Комиссией ТурЦИКа, принес некоторое успокоение населению и дал возможность заняться мирным трудом. Но это сделано в мае—июне 1919 года, когда главный момент посевного сезона был уже упущен.

Таким образом, басмачество разъедало народное хозяйство, и его упадок продолжался до 1921 года. Были только отдельные моменты, которые ослабляли разорение народного хозяйства. Это передышка в борьбе с басмачеством зимой и весной 1920 года — упорядочение методов войны — появление организованной Красной армии, что способствовало расширению посевной площади, к сожалению, и здесь урожаю помешала ранняя зима 1920/21 гг., начавшаяся с 8 октября.

В 1921 году посевная площадь хотя и расширилась против 1918/19 гг., но разорение дехканского хозяйства басмачеством, отсутствие семян, живого инвентаря, плохая обработка земли, совершенное обеднение маломощного дехканства, последствия голода 1918 года, террор басмачей затрудняли доведение посевной площади до довоенного уровня.

Таким образом, состояние народного хозяйства Ферганы к 1922 году можно выразить в следующих цифрах:

1. Посевной план на 1921 год приблизительно равнялся 700.000 дес. Действительный засев точно не учтен, но судя по приблизительным цифрам он равнялся (вместо 886.933 дес. в 15 г.) — 250.000 дес.

2. Площадь засева хлопка против 248.525 десятин 17 года — в 21 г. 33.000 дес.

3. Количество скота против 1.565.414 голов в 1917 г. к 22 году — 146.336 голов.

4. Состояние ирригации характеризуется следующими цифрами: засеяно в 1922 г. на орошаемой земле около 245.000 дес. из всей площади орошаемых земель в 840.000 дес.

5. Из 180 хлопкоочистительных заводов не функционирует ни один завод. Они, за исключением нескольких, сожжены — все запасы уничтожены.

6. Результат нанесенных басмачеством разорений мы еще имеем в Фергане:

|  |                |
|--|----------------|
| I. Зарегистрированных голодающих                                     | 137.847 чел.   |
| Находящихся под угрозой  | 1.395.704 чел. |
| Переселилось в друг. области   | 39.010 чел.    |
| Умерло голодной смертью  | 54.860 чел.    |
| В необследованных 47 волостях и городах предполагается голодающих до | 125.000 чел.   |

II. Кишлаки представляют местами сплошные развалины, что является результатом отсутствия какого-либо ремонта жилищ, прекращения ввоза лесного материала и истребления леса на топливо в те годы, когда не было возможности добывать нефть, уголь, саксаул.

